

ISSN: 3060-4591

MUJARRIX 2024 ILMIY JURNALI



3-SON

TOSHKENT KIMYO XALQARO
UNIVERSITETI



TAHRIR HAY'ATI

Akbar Zamonov (bosh muharrir)

Nabijon Narziyev (bosh muharrir o'rinnbosari, mas'ul
kotib)

Anatoliy Sagdullayev

Zamira Ishanxodjayeva

O'ktam Mavlonov

Shodmon Vohidov (Tojikiston)

Adhamjon Ashirov

Azimxo'ja Ataxodjayev

Alisher Xaliyarov (AQSh)

G'aybullha Boboyorov

Seyka Vazaki (Yaponiya)

Bo'ston Tursunov (Tojikiston)

Bobir Aminov

Ruza Ballieva

Sherzod Mahmudov

Oybek Rashidov

Feruz Boboyev

Oybek Klichev

Iroda Shamsiyeva

Ulug'bek Xalmuminov

Mirzohid Askarov

Jurnal O'zbekiston matbot va
axborot agentligi tomonidan
ro'yxatga olingan
Guvohnoma № 315236

Jurnal
Toshkent Kimyo xalqaro
universitetida
tayyorlangan

**JURNAL HOMIYSI VA
MUASSISI**
TOSHKENT KIMYO
XALQARO
UNIVERSITETI

MUNDARIJA

Bobir Aminov,

Akbar Zamonov

Abdulkarim Buxoriyning “Markaziy Osiyo davlatlari (Afg‘oniston, Buxoro, Xiva, Qo‘qon)ning Nodirshoh hukmronligi so‘nggi yillaridan to 1233/1818 yilga qadar bo‘lgan tarixi” asari va unda Buxoro amirligi tarixinining bayoni hususida

5

Fayzullo Ernazarov

Xiva xonligidagi madaniyat durdonalarining talon-taroj qilinishi

30

Dilmurod Normurodov

Teshikko‘priktapaning X–XII asrlarga oid taom idishlari xususida ayrim mulohazalar

49

Oybek Rashidov

Fayzulla Xo‘jaev va davlat idoralarini o‘zbeklashtirish siyosati

70

Xurshid Jumanazarov

Turkiston o‘lkasida

82

hammomlarning tibbiy vazifasi haqida

Ahrorbek Azizov

Qadimgi Turon aholisining hayvonot olamiga oid marosimiy tasavvurlari

90

Akmal Samedjanov

So‘nggi xon va amirlar

99

Azizbek Muminov

XX asr boshida Turkistonda mahalliy ta’limning ahvoli va aholining savodxonlik darajasi

115

Ixtiyor Abdusharipov

Xorazm hududidagi arxeologik tadqiqotlar va manbalar tarixidan

128

Maxmudjon Suyarov

Salavkiylar davlatining jahon sivilizatsiyasi rivojiga qo‘shgan hissasi

137

Ximmat Xusanov

Angliya-Misr kondiminiumi davrida Muhammad Ahmad boshchiligidagi mahdiyichilar harakati

146

Mirshod Siddiqov

Ikkinci jahon urushi yillarida bolalarga ko‘rsatilgan ijtimoiy himoya masalalari

154



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14498935>

Бобир Аминов

Тошкент Кимё халқаро университети
“Тарих” кафедраси проф. в.б.,
тарих фанлари доктори
e-mail: sitmihr@yahoo.com



Акбар Замонов

Тошкент Кимё халқаро университети
“Тарих” бўлими мудири, профессор.
e-mail: a.zamnov@kiut.uz

АБДУЛКАРИМ БУХОРИЙНИНГ “МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ (АФГОНИСТОН, БУХОРО, ХИВА, ҚЎҚОН)НИНГ НОДИРШОҲ ҲУКМРОНЛИГИ СЎНГГИ ЙИЛЛАРИДАН ТО 1233/1818 ЙИЛГА ҚАДАР БЎЛГАН ТАРИХИ” АСАРИ ВА УНДА БУХОРО АМИРЛИГИ ТАРИХИННИНГ БАЁНИ ҲУСУСИДА

Аннотация. Мазкур мақолада Мир Абдулкарим Бухорий қаламига мансуб ва шартли равишида “Марказий Осиё давлатлари (Афғонистон, Бухоро, Хива, Қўқон)нинг Нодиршоҳ ҳукмронлиги сўнгги йиллари, 1153/1740 йилдан то 1233/1818 йилга қадар бўлган тарихи” номи берилган асар ҳусусида сўз юритилиб, асарда Нодиршоҳнинг мазкур худудларга юриши, Афғонистон,

Бухоро, Хива ва Қўқонда мана шу даврларда юз берган воқеаларнинг тафсилоти баён қилинган.. Манба Нодиршоҳ ўлимидан кейин XIX аср бошида Туркистон мамлакатларида рўй берган ва у яшаган замонга қадар ўзгармай қолган сиёсий тартибларни ўзида акс эттирадиган муҳим асадир.

Калит сўзлар: Мир Абдулкарим Бухорий, Нодиршоҳ афшор, бухоро тарих мактаби, Нодиршоҳ ва Элбарсхон муносабатларига оид тафсилотлар, Бухоро манғит амирларининг келиб чиқиши, Манғитлар сулоласи ҳокимият тепасига келиши, Бухоро арки.

Мир Абдулкарим Бухорий ўз даврининг машҳур тарихнависи ҳам эмас, чунки бу хусусда унга замондош бўлган Бухоро тарих мактаби вакиллари ҳеч нарса ёзишмаган. Ўша давр муаллифлари асарларида хонлар, амирлар насл-насаби учун кўпроқ жой ажратилган бўлса, бу муаллифнинг матнида генеалогик маълумотлар эътибордан четда қолган. Шунга қарамай мазкур тарихий асарни Шарль Шефер XVIII аср иккинчи ярмига тааллуқли бўлган кам сонли манбалардан бири қаторига қўшган [1, р.1]. Мир Абдулкарим Бухорийнинг асаридан Бухоро амирлиги билан боғлиқ жиҳатларига эътибор қаратадиган бўлсак, унда ҳокимият билан боғлиқ сиёсий вазият ҳамда алоҳида ҳукмдорларнинг ўзига хос характеристи тавсиф этилади [2, С.135]. Анке фон Кюгельген ёзишича, Муҳаммад Раҳимхоннинг давлат тўнтариши ва амир Шоҳмурод томонидан амалга оширилган диний-сиёсий ўзгаришлар Мир Абдулкаримда катта таассурот қолдирган [2, С.135]. Муаллиф Бухоро тарих мактаби вакиллари сингари ўз асарларида кенг ўрин олган панд-насиҳатларга оид жумлалардан оз микдорда фойдаланган. Мир Абдулкарим ўз асарида Куръондан иқтибослар келтирмаган. Унда, асосан ахлоқ-одоб билан боғлиқ жумлаларга кўп жой ажратилган ва буни асардаги форс-тожик тилидаги назмий парчаларда ҳам кузатиш мумкин.

Ш. Шефер мазкур қўлёzmани ноёб манбалардан бири ҳисобласа-да, у жиддий камчиликлардан холи эмаслигини ҳам таъкидлаган [1, р.1-2] Матн

настаялиқ хат услубида бухоролик хаттот қўли билан кўчирилган. Француз шарқшуноси фикрича, манбада орфографик, грамматик ва синтактик хатолар талайгина. Ш.Шефер фикрича форсий ибораларда Истамбул лаҗжасига хос туркизм унсурлари таъсир кўрсатган ва сўзлар қурилмаси форсийдан кўра туркий тилга тортган [1, p.1-2]. Манбада тарихий саналар йўқ ҳисоби, аммо муаллиф ўзи хабар берган фактларни очиб беради, тарихий шахсларни ҳаракатлар қилишга ундаган сабаблари кўрсатилади ва қимматбаҳо ҳамда қизиқарли тафсилотлар берилади.

Мир Абдулкарим Бухорий

Мир Абдулкарим ибн Мир Исмоил Бухорийнинг ўзи ҳақида ёзиб қолдирган таржимаи ҳоли орқали муаллиф тўғрисидаги баъзи маълумотларни билиб олиш мумкин. Фаолият юритган мансаблари ҳамда бошқа фаолиятларидан келиб чиқиб тахмин қилиш мумкинки, у Бухоро саййидлари авлодидан бўлган. Мир Абдулкарим Амир Ҳайдар даврида амирнинг девонида масъул вазифалардан бирини адо этган. Девонда бир муддат иш юритиб, кейинроқ, аниқроғи 1219/1804-1805 йили элчилик хизматига ўтган. У ўз китобида кўп жойларга саёҳат қилганлиги тўғрисида ёзади ва булар жумласига Ҳирот, Қандаҳор, Кобул, Пешовар ва Кашмирни кўрсатади. Афғон шаҳзодаси Шоҳ Маҳмуд ибн Темуршоҳ Ҳиротдан Марв орқали Бухорога қочиб кетганида Мир Абдулкарим Бухорий унинг хизматидаги шахс сифатида, у билан бирга бўлган. Сўнгра у Бухоро хони томонидан XIX аср бошида Россияяга жўнатилган элчининг хўжалик ишларини юргизган. У 9 ой мобайнида Санкт Петербургда истиқомат қилган ва бу ердан Москвага келиб, мазкур шаҳарда ҳам номаълум муддатга қадар қолиб кетган. Муаллиф ўз эсадаликларида ёзганларига кўра, Санкт-Петербург унда ёрқин таассурот қолдирган [2, С.132]. Шундан сўнг у Астраханга келади ва мазкур шаҳарда 8 ой мобайнида туриб қолган [1, p.95-96]. Бухорога қайтишда муаллиф Хива ва Урганч орқали ўтган. В.Бартольд ёзишича, Мир Абдулкарим ўз юртини 1222/1807-1808 йили тарк этган ва

Константинополга юборилган расмий элчилик таркибида элчига ҳамроҳлик қилган [3, С. 581]. У Истамбулга элчи Мирзо Муҳаммад Юсуф ибн Сўфи Ражаббой ибн Бой Киши Бухорийнинг *сир-котиби* сифатида хизмат вазифасини ўтаган. Мазкур элчилик гурухи 1222 йилнинг ражаб ойида (милодий 1807 йили) Истамбулга етиб келиб, бу ерда Саъид Эфенди деган кишининг меҳмонхонасида истиқомат қилган [2, С.133]. У Истамбулда уйланган ва шу ерда рўзғор тебратиб, то умри поёнига етгунга қадар, яъни 1246 /1830-1831 йилгача мазкур шаҳарда кун кечирганлиги эҳтимол қилинади. Аммо унинг вафот санаси аниқми ёки йўқ, бу ҳозирча жумбоқ бўлиб турибди. Келажакда, Истамбулда, у дафн этилган мозор аниқланса, шунингдек унинг қабри устида қабртош қўйилган бўлса, ўшанда Мир Абдулкарим Бухорийнинг вафот этган санаси хусусида аниқлик киритиш мумкин.

Манбанинг шарҳи

Манба, юқорида таъкидланганидек Нодиршоҳнинг Марказий (Ўрта) Осиёга амалга оширган истилоси ва ундан кейинги даврда юз берган тарихий воқеаларни қамраб олган асар сифатида қадрланади. У Ш.Шефер томонидан 1851 йили Ориф Бей кутубхонасидан сотиб олинган ҳамда унинг матни ва француз тилидаги таржимаси кейинроқ нашр этилган [2, С.133-134]. Қўлёзма Мир Абдулкарим ёзишмалари негизида қўчирилган ва француз шарқшуноси харид қилган пайтда, у ҳар эҳтимолга қарши ягона нусха бўлган [2, С. 133-134]. Асар 1747-1818 йил воқеаларини қамраб олади. Манбада Афғонистон, Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида рўй берган тарихий воқеалар баён қилинади. Ю.Брегель уни Ўрта Осиёнинг қимматбаҳо тарихини ўз ичига олган асар, деб таъриф берган [4, С.1155].

Мир Абдулкарим тарихий асарни ўзи мустақил равишда эмас, балки Истамбулга турли сабаблар туфайли ташриф буюрувчи олий даражадаги меҳмонларни, жумладан шаҳзодаларни ва мусулмон зодагонларни қаршилаб олишга кўп йиллар масъул бўлган шахс, давлат сарой амалдори Ориф Бей

Афанди буюртмасига биноан ёзган [2, С.130]. Ориф Бей Афанди хориждан расман келиб-кетувчиларнинг оиласвий аҳволи, уларнинг феъл-атвори ҳамда ҳаёт тарзини билишга қизиққан [1, р.1-2]. Муаллиф буюртмачи талабини бажариш билан бир қаторда, ўз асарида, шунингдек қизиқарли ҳикоялар, қиссалар ва ривоятларни ҳам келтирган. Туркия сарой амалдори Бухоролик мусофири мөхмондан 1747 йилдан эътиборан афғонлар ва бошқа сулола ҳукмдорларининг Ҳурросон, Ҳиндистоннинг айрим қисмларида ҳамда Туронда сиёсий ҳокимиятни қўлга олганлиги ва ўша вақтда сиёсий вазият қандай аҳволда эканлиги хусусида баён қилишни сўраган [2, с.130]. Манбанинг аниқ номи йўқ, унга “*Аҳволоти мамоликҳо ва подишоҳони ки аз сана-йи 1160 дар мамлакати Ҳурросон ва баъди Ҳиндустон аз Афғон ва гайруҳ ва мамолики Турон-замин подишоҳ буданд вал-вақт хостанд*” сарлавҳа остида ном беришган. Мир Абдулкарим ўз тарих китобини 1233/1817-1818 йиллари Истамбулда ёзган ва унга 1246/1830-1831 йили қўшимчалар киритиб тўлдирган. Европага бу асарни таништиришда Шарль Шефер катта хизмат кўрсатган ҳамда унинг таржимасини амалга оширган ва тарихий манбага “*Histoire de l'Asie Centrale par Mir Abdoul Kerim Boukhary – Afghanistan, Boukhara, Khiva, Khokand depuis les dernières années du règne de Nadir Chah, 1153, jusqu'en 1233 de l'hégire, 1740-1818 a.*” деган ном берган [2, с.133].

Муаллиф ўша даврда ҳаёт кечирганлиги ва давлатга алоқадор лавозим соҳиби бўлганлиги сабабли, бу ердаги воқеаларни батафсил, аниқ ва ҳар томонлама тўлиқ тавсифлашга ҳаракат қилган. Муаллиф ўша давр кишилари характеристи ҳақида қизиқарли ва қимматбаҳо маълумотлар бериш билан бир қаторда, улар томонидан амалга оширилган воқеаларни мотивлари ва сабабларини кўрсатиб беришга интилади. Дунёда юз берган турли воқеаларнинг келиб чиқишини турли сабаблардан қидиради. Асарда тарихий саналар масаласига келадиган бўлсак, муаллиф воқеалар қачон содир бўлганлиги вақтини унча эътиборга олмаган ва тарихий воқеалар хронология нуқтаи

назаридан бир оз чалкаштирилган. Айниқса, Афғонистондаги тарихий воқеалар тарихий хронология нуқтаи назаридан эътиборсиз қолдирилган.

Мир Абдулкарим Бухорий ўз асари орқали тасвирлаб берган давр Бухоро хонлиги мисолида олинадиган бўлса, Аштархонийлар сулоласининг таназзули билан изоҳланади. Чунки бу вақтга келиб, Аштархонийлар давлатининг сўнгти кунларида унинг таркибидаги турли уруғ-аймоқлар, уларнинг ҳокимлари ва беклари ўртасида ўзаро низо-жанжаллар авж ола бошлаган ҳамда бундай ҳолат мамлакатдаги барқарорликка путур етказган эди. XVIII асрнинг биринчи чорагида Мовароуннахрнинг йирик шаҳарларидан саналган Самарқанд энг қўп зиён кўрган марказлардан бирига айланди. Кенагасларнинг нуфузли раҳнамоси Иброҳимбек Абулфайзхонга қарши исён кўтарди ва қозоқ сultonларидан бўлган Ражабни тахтга ўтқазди. Натижада қозоқлар Бухоро хонлиги худудида босқинчилик ва талон-тарожни амалга оширилар. Самарқанд шаҳрида ҳаёт тўхтаб қолди ва Нодиршоҳ бу ерга келганида харобага айланган ва кимсасиз шаҳарнинг гувоҳи бўлади [5, с.271-272]. Ўша даврда Бухоро хонлигига аҳвол абгор бўлиб, энг катта оғирлик халқнинг елкасига тушган ҳамда ўзаро урушлар, низо-жанжаллар оқибатида халқ оммасининг силласи қуриган ва шу боис кўпчилик одамлар бошқа худудларга бош олиб кетган, натижада обод қишлоқ ва шаҳарлар харобаларга айланган эди. Заифлашиб қолган Аштархонийлар ташқи кучларга қарши курашишга қурби етмас эди. Бухоро хонлигининг Нодиршоҳ қўлидаги қудратли қўшинга қаршилик кўрсатишдан наф йўқ эди.

Манбанинг Бухорога алоқадор қисми асосан Нодиршоҳнинг Ҳиндистондан қайтиши даври билан боғлиқ. Нодиршоҳнинг Бухоро ва Хива хонликларини истило қилиши ва бўйсундириши воқеалари айнан 1738 йилдан бошланади. Эрон шоҳининг бу икки хонликка қарши юришига Элбарснинг Хуросон ерларига уюштирган босқинчилклари сабаб қилиб кўрсатилади [6, с.98]. Ҳар иккала хонлик ҳарбий қўшинлари асосан ўзбеклар ва туркманлардан таркиб топган эди. Нодиршоҳ лашкарининг таркибий қисми туркманларнинг

афшор қавми ҳамда курдлардан иборат бўлган. Бухоро хонлиги ўша вақтда ҳукмдор Абулфайзхон ва унинг заифлиги сабабли амалда жангсиз таслим бўлган ҳамда Нодиршоҳ қўшини учун озиқ-овқат ва аскар етказиб берган. Хива хонлиги Эрон шоҳига қаттиқ қаршилик кўрсатади ва бир неча жанглардан сўнг мағлубиятга учраб таслим бўлади.

Нодиршоҳ

Эрон шоҳи Нодиршоҳ Абдулкарим ёзган манбада марказий ўрин тутган тарихий шахслардан бири сифатида кўрсатилган. Унинг турли жангужадалларда тобланиши ҳамда давлат тепасига келиши унинг шахсан кўрсатган жасоратлари, иқтидори ҳақида турли манбалардаги маълумотларда ўз аксини топган. Маҳдихон Астрободий, Муҳаммад Козимлар Нодиршоҳга “Аллоҳнинг ердаги сояси”, “жашонгир подишоҳ”, “бутун оламнинг шоҳи” каби сифатларни кўшганлар [7, с.32]. Муҳаммад Козим ҳатто уни соҳибқирон деб атаган. Нодиршоҳ *караклю* ёки турк олимлари тадқиқотларида ёзилишича, *кирклю* (қирқлу) ёки қорақлу уруғидан келиб чиқсан [8, р.24]. Мазкур клан туркманлар қавмларидан бўлган афшорларнинг бир бўлими迪р [9, с.118]. Уларнинг асл ватани Туркистон бўлган ҳамда мўғулларнинг Туркистонга ҳужум қилиши билан улар бу ерлардан бош олиб кўчиб кетганлар ҳамда Озарбайжонда жойлашиб олганлар [9, с.118]. Сафавийларнинг давлат тепасига келиши ҳамда шоҳ Исмоилнинг тахтга ўтириши билан *караклю* уруғи ўз манзилларини ўзгартирадилар ва Хуросоннинг Обивард вилоятига кўчиб ўтадилар. Обивард Араб халифалиги даврида Хуросоннинг машҳур шаҳарларидан бири сифатида танилган ҳамда бу ер Хуросон ноиблигига қараган. *Караклю* уруғи Обивардга қарашли Кубагон деган жойнинг Сар чашмайи миёб деган жойига келиб ўрнашадилар. Бу қишлоқ Машҳаддан 20 фарсаҳ шимолда, Марв яқинида жойлашган эди. Бу худудларда *караклюлар* ёз фаслида истиқомат қилсалар, қишини Дастжирд ҳамда Дарагез қишлоқларида ўтказишган.

Нодиршоҳ 1100 йилнинг 28 мухаррами (1688 йилнинг 22 ноябри)да айнан Даррагездаги Дастанжирд қалъасида дунёга келган [9, с.118]. Нодиршоҳ туғилганида, айрим тарихчилар маълумотига кўра, унга Нодир Қули исми берилган. Бу даврда Сафавийлар давлатини шоҳ Сулаймон бошқариб турган. Нодир Қули (Нодиршоҳ) отасининг исми Имом Қулибей бўлган. Бу шахснинг биографияси хақида маълумотлар кам. Имом Қули келиб чиқиши афшорлар қишлоғи – Кубконга бориб тақалади. Ризоқулихон [7, С.5] ёзишича, қўй жунидан пўстин тайёрлаш касби билан машғул бўлган [7, С.5]. Нодир Қули отасидан гўдаклиги пайтида айрилган. 14-15 ёшга тўлганида у қўшни ҳудуддаги қўчманчи мужодалаларда иштирок этишни бошлаган. Ёшлик даврида туркманлар, курдлар, ўзбеклар, татарлар ва ҳатто афшорлар ўртасидаги ўзаро урушлар ва тўқнашувларда фаол қатнашиб, жасорат ва қаҳрамонликлар кўрсатган [10, Р48-66]. Ўзбеклар билан бўлган тўқнашувлардан бирида Нодиршоҳ онаси билан бирга асирга тушиб қолади. Бу воқеа 1704 йили содир бўлган. Тутқинликдаги асоратда волидаси ҳаётдан кўз юмади. Нодиршоҳ 1708 йили асирлиқдан қочишга муваффақ бўлиб Хуросонга келади ҳамда Обивард бўлғаси (тумани) волийси Кўса Аҳмадли Алибей одамларига қўшилади ва бу ерда ўзини ақли, куч-қудрати ва жисмоний қучи билан муваффақиятлар қозонади. У Кўса Аҳмадли Алибей қизига уйланиб, бу шахсга куёв бўлиш билан бирга эшик оғаси, кейинроқ эса мингбоши лавозимига кўтарилади [10, Р48-66].

1722 йили Маҳмудхон бошлиқ афғонлар Сулаймоннинг ўғли Султон Ҳусайн (1694-1722) қўшинидан устун келиб, Исфаҳонни ишғол қиласи. Афғонлар хукмдори Эрон тахти эгасига айланади. Хуросонда афғонлар таъсири сезилган бир пайтда Нодиршоҳ (Нодир Қули) ўз қўли остидаги афшорлар ва курдлардан иборат ҳарбий гуруҳи билан бирга йўлтўсарлик билан машғул бўлиб, 1726 йили унинг қўшини 2000 кишига етади ва амалда у Хуросоннинг шимолий-шарқий қисмининг хўжайини бўлиб қолади ва у ҳақда эшитган шоҳ Таҳмосб уни ўз хизматига чорлаган ва унга фахрли Таҳмосб Қули исмини берган [7, С.5]. 1729

йили Нодиршоҳ Ҳиротни қўлга олган афғон-абдалилардан устун келади ҳамда ўзининг асосий душмани саналган афғон-тилзайларга зарба беради [7, С.5]. 1730 йили у Марвни ўзининг стратегик базасига айлантирган ва шу ердан туриб туркманларнинг худудлариға ҳарбий юришлар уюштириб турган [6, С.98].

Нодиршоҳнинг Эрон давлати тепасига келишида унинг ҳарбий истеъоди билан бирга дипломатик қобилияти ҳам кўмак берган. Эрон юқори қатлами Усмонийлар, руслар ҳамда ёвмутларга қарши жипслашган кучларга раҳбарлик қила оладиган раҳбарга эҳтиёж сезган эди. Айнан Нодир Афшор мана шу вазифани бажаришга қодир шахс бўлиб тарих саҳнига чиқади. У қудратли афшорлар қавми, қожарлар ва қизилбошларни сиёсий жиҳатдан бирлаштириди. Унинг қўшини турли этник групкалар ва миллатлардан иборат кўпмиллатли ҳамда таркибида шиалардан ташқари суннийлардан иборат бўлимлар ҳам мавжуд бўлган [11, Р.88].

Нодиршоҳ ва Элбарсхон муносабатлариға оид тафсилотлар

Абдулкарим Бухорий ўз асарида Элбарсхонни қўп ҳолларда салбий ҳукмдор сифатида баҳо беради. Масалан, Абулфайзхон томонидан юборилган элчиларни қатл қилиши воқеасини баён қилганда Элбарсхонни “*бу гуноҳга қўл солувчи тор фикрли аҳмоқ*”, – деб ёзади. Бошқа бир жойида эса: “*чумоли ва ўргимчак мисол кибр-у ҳавога тўла Элбарс*” – деб Хива хонини камситади. Аммо Муҳаммад Вафойи Карминагий асарига эътибор берсак, уларда Элбарсхон шер каби жасур, тимсоҳ каби қўрқмас сифатлариға эга шахс қилиб кўрсатилган ҳамда у ўзининг шон-шарафли ботирлари билан кофирларга қарши отлангани қайд этилган [9, С.145]. Мунис ва Огаҳий ҳам Элбарсхон ҳақида ўзларининг ижобий фикрларини билдиришган. “*Фирдавс ул-иқбол*”да “*анинг замонида саккиз йил юрт осойии ва фарогатда эрди*” деб ёзилган [12, 1026]. Муаллифлар томонидан Элбарс бошлиқ хоразмликларнинг қизилбошларга қарши кураши мусулмонларнинг кофирлар билан жанг қилишига қиёс қилинган ва Элбарс

ҳамда унга яқин кишиларнинг Эрон шоҳи томонидан қатл этилиши шаҳидлик дея таъкидланган [12, 102б].

Асарнинг манғитлар сулоласи билан боғлиқ қисмида Нодиршоҳнинг Ҳиндистон сафаридан кейин Бухоро ва Хивага қарши юриши, истилоси воқеалари баён қилинади. Унда Эрон шоҳининг Абулфайзхон билан ижобий муносабатлари ҳамда Элбарсхон билан бўлган ўзаро ихтилофлари ўрин олганлигини кўрамиз. Хива хонлиги тарихчилари Мунис ва Огаҳий бу давр воқеаларини “Фирдавс ул-иқбол” асарида баён қилганлар. Хоразм тарихчилари тарихий воқеалар қачон бўлганлиги кўрсатилган рақамлар Махдихон Астрободий келтирган тарихий саналардан фарқ қиласи. Масалан “Фирдавс ул-иқбол”да 1150/1738 йил (от йили) Нодиршоҳнинг ўғли Ризоқули Мирзо Балх шахрини ишғол қилиб, шу йилнинг август ойида Мовароуннаҳри истило қилиш мақсадида йўлга чиқкан бўлиб, ундан хабар топган Абулфайзхон ва Ҳакимбий оталиқ Элбарсхон ҳамда Эш Муҳаммадбийга мурожаат қилишган ва натижада сони мингта бўлган аскар Бухорога ёрдам учун юборилади [13, С.465]. Элбарсхоннинг ўзи улар ортидан борган. Аммо хон жанг ўчоғига етиб келмасдан Абулфайзхон ва Ризоқули ўртасида Қаршида тинчлик сулҳи тузилади ва Ризоқули ортга қайтиб кетади.

“Фирдавс ул-иқбол”да ёзилишича, Нодиршоҳ Бухорони эгаллагандан сўнг, маймун йилида, яъни 1152 йил ражаб ойининг 16 (якшанба куни, 1739 йилнинг 18 октябри) мазкур шаҳардан йўлга чиқиб, ражаб ойининг 21 куни (1739 йилнинг 23 октябри) Чоржўйдан ўтиб, Хоразмни эгаллаш мақсадида шу томонга отланади ва 13 шаъбонда (яъни душанба куни, 1739 йилнинг 14 ноября) Туямўйинга етиб келади [13, С.465]. Махдихон Астрободийнинг ёзишича, бу Девэ боюн, яъни Туямўйин ва бу ерда Нодиршоҳ қўшинлари чодирлар тикиб олиб, Элбарсни очиқ майдонда жанг қилиш учун 2 кун кутган. Девэ боюн билан Ҳазорасп қалъаси орасидаги масофа 3 фарсаҳ бўлган. Қизилбошларнинг мазкур жойга етиб келиши 1153 йилнинг 13 шаъбонига тўғри келади [9, С.143]. Мунис

маълумотига кўра, бу ерда қизилбошлар Мұҳаммад Али ушшоқ бошлигигида ўзбек ва туркманлардан иборат хоразмликлар ҳарбий қўшинини мағлуб этган. Аммо Маҳдихон Астрободий асарида бу жанг хусусида ҳеч нарса айтилмаган. Хоразмликлар очик жанг майдонига келмаганлиги боис Нодиршоҳ Ҳазорасп томонга қараб юрган ва қалъага ярим фарсах масофада чодир тикишни буюрган [9, С.143]. Маҳдихон Астрободийнинг ёзишига кўра, мазкур воқеа 1153 йил шаъбон ойининг 16 куни, яъни 1740 йил 6 ноябрь куни содир бўлган [9, С.143]. Қалъада Элбарсхон жойлашиб олиб, уни миноралари, деворларини мустаҳкамлаб мудофаасини таъминлаган. Нодиршоҳ қалъа мустаҳкам бўлганлиги сабабли, уни қамал қилишдан воз кечиб, Хоразм вилояти маркази Хива томонга юрган [9, С.143]. Мұҳаммад Вафо Карминағий хабарига кўра, Нодиршоҳ хоразмликларнинг кўп сонли қўшинидаги бирлик ва жипсликка раҳна солиш фойдали деб билиб, Хонқа томонга равона бўлган [9, С.145]. Мунис ва Огаҳийда юқоридаги воқеалар бир оз бошқача берилган ва унга кўра Нодиршоҳ лашкари хоразмликларнинг Мұҳаммад Али ушшоқ бошлиқ қўшинларини енгандан кейин Ҳазораспга етиб келган Элбарсхон ҳамда Эш Мұҳаммадбий лашкарини ҳам мағлуб этган [13, С.466]. “Тарихи Нодирий” муаллифи Нодиршоҳнинг Хонқа томон ҳаракат қилиши билан Элбарс уни ортидан юришни бошлаганлигини ёзади [13, С.466]. Мұҳаммад Вафойи Карминағий Нодиршоҳнинг Хонқа томонга ҳаракати Ҳазорасп қалъасидаги ҳарбийлар орасида тартибсизликлар келтириб чиқарган ҳамда Элбарсхонга яқин катта ва кичик амалдорлар ўртасида бўлинишни юзага келтирган [9, С. 145]. Шу орада Элбарсга тарафдор ёвмут, теке ва бошқа туркман қавмлари қизилбошлар қўшинига муваффақиятсиз ҳужум уюштиргандан сўнг Хива хони қўшинига келиб қўшилган ҳамда хоразмликларнинг бирлашган лашкари илдам қадамлар билан Хонқа қалъаси олдида чодирлар тикиб душман қўшинини қаршилашга тайёргарлик қўришган [9, С. 143]. Кўп сонли қўшинга, тўп-замбаракларга эга хоразмликлар Хонқа қалъасида мустаҳкам ўрнашган бўлишига қарамай, бу ерда

ҳам мағлубиятга учрайди [13, С.466]. Мунис ва Огаҳий ёзишларича, 1739 йилнинг 25 ноябрь куни (1152 йил 24 шаърон куни) Элбарсхон, Эш Муҳаммадбий ва уларга яқин амирлардан 20 киши Нодиршоҳ буйруғи билан катл этилган [13, С. 466]. Рамазон ойи бошида эса Хива қалъаси қамал қилинади ва унинг деворлари тўп-замбараклар ёрдамида бузилган ва бу ердаги кўплаб уйжойлар вайрон қилинган [13, С.466]. Маҳдихон Астрободий Элбарсхон бошлиқ ўзбек лашкарбошилари ва қўмондонларининг қалъадан чиқиб қизилбошларга таслим бўлиши 1153 йил шаърон ойининг 24 куни (1740 йилнинг 14 ноября) деб кўрсатилади [9, С.143].

Манғитларнинг келиб чиқиши

Мазкур масалага оид мавжуд кўплаб шажаралар манғитларни мўғулларнинг афсонавий **бўрчигин** уруғига, яъни бевосита Чингизхонга боғлайди. Кўпгина тарихий солномалар манғитлар дастлаб Мўғулистон худудида яшаб, XIII аср бошларида, Чингизхон юришлари чоғида Даشتி Қипчоққа келганлигини ёzádi. Хуллас, манғитларни Чингизхонга боғлашларини, мазкур уруғ вакилларининг ҳокимиятни эгаллашига қонуний асос қилиб кўрсатишга ҳаракат деб билиш мумкин. Манғитларнинг келиб чиқиши борасида ҳар хил фикр бор: шарқшунос олим В.Бартолд уларни туркий тилда гаплашган қабила деса, Григорий Грумм-Гржимайло улар мўғул тилида сўзлашган деб ҳисоблаган [14, С. 400].

Нима бўлганда ҳам, манғитлар XIII асрда Даشتси Қипчоқнинг марказий қисмига келиб ўрнашади. Даشتси Қипчоқ Чингизхоннинг катта ўғли Жўчига улус қилиб берилган бўлиб, бу ерда ташкил топган давлат Жўчи улуси ёки Олтин Ўрда деб аталарди. Олтин Ўрданинг манғитлар яшайдиган қисми Манғит улуси даб аталган. Манғитлардан чиққан туманбоши Эдигу ўзбек 1392 йил манғитлар улусбийи деб тан олинган. Бир неча йилдан сўнг у саройга бўйсунмай қўйиб, мустақил сиёsat юритади [15, 130 б] (масалан, Амир Темур билан иттифоқ тузади ва унинг қўшини таркибида жангларда қатнашади). Шу тариқа, манғит улусида Нўғай Ўрдаси номини олган мустақил давлат пайдо бўлади.

XI аср охири – XVI аср бошида манғитлар Шайбонийхон билан бирга Мовароуннахрга кириб келади. Манғитларнинг кичикроқ қисми XVI аср бошида ака-ука шайбонийлар Элбарс ва Билбарс қўшини таркибида Хоразмда ҳам ўрнашади. Шу тариқа, манғитлар икки ўзбек давлати – Бухоро ва Хоразм хонликлари ташкил топишида қатнашади.

Манбаларда айтилишича, манғитлар дастлаб Шайбонийхон даврида, 1500–1501-йилларда келган. Шайбонийхон ҳалок бўлгач (1510), улар Мовароуннахрни тарқ этиб, Даشتி Қипчоққа қайтганлар. Икки йилдан сўнг Убайдуллахон (1533–1540) билан яна Мовароуннахрга қайтиб келганлар. Даشتи Қипчоқда манғитлар уруғи сардори Нўмонбий бўлган [16, 56 б.]. Унинг вафотидан сўнг ўғли Абдукутлукбий эл оқсоқоли бўлган. Унинг ўлимидан сўнг эса ўғли Мусобий, унинг вафотидан сўнг ўғли Жонибий, ундан сўнг ўғли Давлат мирза оқсоқол бўлган. Жонибийнинг икки ўғли бўлиб, биринчиси Давлат мирза, иккинчиси Курбон мирза бўлган. Жонибий шу даврда эл улуси ила Убайдуллахон билан бирга Мовароуннахрга келиб Самарқанднинг Конигил қўриғига жойлашган. У пайтда манғит уруғига кенагас, жиот ва қураманинг баъзилари ҳамроҳ бўлган. Уларнинг оқсоқоллари Давлат мирза эди. Унинг вафотидан сўнг ундан икки ўғил қолган. Бири Хўжамбердибий, иккинчиси Сайдоллабий. Уларнинг ҳар иккиси ҳам Лангарга бориб Пирим Шайх Азизонга мурид бўлиб, Конигилдан кўчиб Қашқа дарёси бўйига бориб ўрнашганлар (*Манғитларга Қарши воҳаси улус қилиб берилади. Кўплаб манғитлар воҳада ўрнашади. Бир-икки асрдан сўнг улар Қарии шаҳрининг асосий аҳолисига айланади*). Тўқманғит жамоаси Сайдоллобий наслидан, амирлар (Бухоро амирлари, манғитлар) жамоаси эса Хўжамбердибий наслидандир. Шу тариқа, Хўжамбердибийнинг ўғли Бекбердибий, унинг ўғли Човушбий, унинг ўғли Келдабий, унинг ўғли Худойқулибийдир [17, 99 б.]. Айнан Худойқулибийдан бошлаб манғитлар хонликнинг энг юқори лавозимларига кўтарила бошладилар.

Муҳаммад Яъқуб Бухорийнинг «Гулишан ул-мулук» асарида манғитлар ҳақида шундай ёзилади: «Манғитлар ҳозир ўн икки минг (асар 1828 йил ёзилганини ҳисобга олсан, шу даврлар назарда тутимоқда. – А.З.) уйлик бўлиб бир неча уруғларга бўлинади (тўқманғит, қораманғит, оқманғит ва х.к.): Биринчиси, тўқманғит, улар минг уйлик киши бўлиб, улар [ҳам] 4 фирмага бўлинади. Биринчи фирмә султонлар, улар уч юз уйлик. Султонлар фирмасининг ўзи ҳам 2 фирмадир. Биринчиси – *бекжами*, амирлар (Бухоро амирлари) шу фирмадан. Улар икки юз уйлик киши бор. Иккинчиси – *бойжами*. Улар манғит акобирлари бўлиб, юз уйлик киши бор» [16, 56 б.].

Аштархонийлар бошқарувининг Субҳонқулихон (1681–1702) давларидан бошлаб Бухоро ҳокимиятининг ичидаги ҳам баъзи бекларнинг, хусусан, манғит уруғи сардорларининг нуфузи ниҳоятда ортиб кетади. Секин-аста **Худойқулибий** манғит хонадонидан бўлган амалдорлар нуфузининг ортиб бориши ҳам Абулфайзхон ҳокимиятини заифлаштирган. Худойқулибий Субҳонқулихон даврида Кеш вилоятининг эътиборли кишиларидан бири бўлиб, тўқсабо амалида эди. Убайдуллахон уни девонбеги мансабига кўтаради ва Шахрисабз вилоятига ҳоким этиб тайинлайди. У мазкур вилоятда 10 йил ҳокимлик қиласи. Худойқулибий Абулфайзхон даврида вафот этган [17, 99-б.]. Унинг оталиқ лавозимини эса тўнғич ўғли **Худоёрбий** эгаллайди. Қаршидан туриб манғитлар Бухородаги сиёсий ўйинларда қатнашишга ҳаракат қилган [18, С. 41]. Лекин иерархияда қатағон, олчин, найман каби уруғлардан пастроқда турар эди [19, 32 б.]. XVIII аср бошида вазият ўзгаради. Манғитлар оқсоқоли Худоёрбий 1712-йили Бухоро хони Абулфайзхоннинг оталиғи вазифасига тайинланади [18, С. 41]. У 1718-йили Чироқчида оламдан ўтади. Ундан сўнг оталиқ лавозимини ўғли **Муҳаммад Ҳакимбий** эгаллайди [20, 489 б.].

«Гулишан ул-мулук» асарида айтилишича: «Худоёрбий вафотидан сўнг унинг ўғли Ҳакимбийни хон қошига келтириб парвоначи амалини олиб бериб, Шахрисабзга юборганлар. Аммо кенагаслар хон берган амалга эътибор қилмай

ўз жамоаларидан Иброҳимбий кенагасни ҳоким қилиб олганлар. Худоёрбий хон ёнига [қайтиб] келиб девонбеги унвонини олган. Шахрисабзликлар эса уни яна қабул қилмаганлар. Сўнг у бир муддат Чироқчида турган. Кенагас ва қорамангитлар элати Ҳаким девонбегини хонга ёмонлаб Худоёрбий оталикни Чироқчидан чақиртириб олганлар» [16, 56 б.].

Шу тариқа, Бухоро хонлигида (*кейинчалик, амирликда ҳам*) манғит-кенагас рақобати узоқ йиллар давомида хонликнинг тинкасини қуриладиган урушга айланиб кетган. Бу шундоқ ҳам инқизозга учраётган хон ҳокимиятни янада заифлаштириб, қабила сардорлари нуфузининг ортишига, Абулфайзхоннинг улар таъсирига тусиб боришига олиб келди.

Шуни таъкидлаш жоизки, оталиқ лавозимида ҳам манғит-кенагас рақобати кузатилган. Чунончи, Иброҳимбий кенагас оталиқ даврида Дониёл сарой (урӯғ) оталиқ Бухорога келиб хоннинг яқин одамига айланган. Манғитларнинг катта қисми Қаршига кетди, лекин Худоёрбийнинг ўғли Муҳаммад Ҳаким девонбеги эса Бухорода, хон саройида қолди [18, С. 41]. Дониёл оталиқ вафотидан сўнг оталиқ амали, Шахрисабз, Самарқанд ва Миёнкол ҳукумати Иброҳимбий кенагас оталиқ қўлига ўтди. Манбаларда айтилишича, Ҳакимбий отаси вафотидан сўнг Бухордан Иброҳимбий кенагас оталиқ хизматига Шахрисабзга келган. XVIII асрнинг 20-йилларида Иброҳимбий кенагас Абулфайзхонга қарши исён кўтарганда Бухорога, хон олдига бориб оталиқ мансабига кўтарилилган ва шундан кейин нуфузи кундан кунга ошиб борган [18, С. 62-63]. Чунончи, 1733 йил унга Қарши ҳукумати берилди [19, 34 б.]. Муҳаммад Ҳакимбий Абулфайзхон ҳукмронлиги даврида давлат ҳокимиятига қарши чиққан қўзғолончиларга қарши курашда бир қатор муваффақиятларга эришган. Бундан ижобий тарзда фойдаланган Муҳаммад Раҳим давлат ҳокимиятини эгаллашга қаратилган фаолиятини мустаҳкамлай борган.

Худойқулибийнинг тўртинчи ўғли Худоёр оталиқ бўлиб, унинг беш ўғли бўлган: Ҳаким оталиқ, Шукурбий (вафоти 1737), Баҳодир парвоначи,

Искелдибий, Дониёлбий. Ҳакимбий оталиқдан тўрт ўғил қолган: Бадалбий (вафоти 1738), Муҳаммад Раҳимбий, Ёвқошибий (вафоти 1752), Баротбий (вафоти 1759 йил). Баъзи манбаларда Ҳакимбий оталиқнинг беш ўғли бўлгани айтилиб, Қурбонбий (вафоти 1727/28)нинг номи ҳам қайд этилган [16, 57 б.].

Мангит сулоласининг давлат тепасига келиши

Мир Абдулкарим Бухорода мангитлар сулоласи ҳукмронлигига бағишланган фаслни ёзишга киришар экан, уни асосан Муҳаммад Раҳимхон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ воқеалар билан бошлаб, уни Амир Ҳайдар ҳукмронлиги даври воқеалари билан якунлайди.

Мангитларнинг кучайиши ва сиёсий бошқарувда фаол бўлиши Нодиршоҳга бевосита боғлиқдир. 1153 йилнинг ражаб ойида (1740 йилнинг сентябрида) Нодиршоҳ Бухоро томонга юришга азм қилганда, унга Бухоронинг нуфузли мансабдорларидан бири Ҳакимбий оталиқ мустақил равишда мактуб ёзиб, унинг хизматига ўтишга тайёр эканлигини ва унинг фармонини бажаришга ҳозирлигини билдиради [21, Сах. 4]. Бу нома орқали Ҳакимбий билан Абулфайзхон ўртасида душманлик муносабати борлигини пайқаш мумкин. “Кашкули Салимий”да ёзилишича, Абулфайзхоннинг подшолигини аслида Ҳакимбий оталиқ бошқарган [22, 280 б.]. Муҳаммад Вафо Карминагий маълумот берисига кўра Ҳакимбий оталиқ Нодиршоҳнинг Мовароуннаҳрга хужумини саодатмандлик ҳисоблаган ва ўз ўғли Раҳимбийни онаси ҳамроҳлигига Нодиршоҳ ҳузурига қимматбаҳо тухфалар билан юбориб [9, С.141], уни Бухорога келишга даъват қилган [21, Сах. 4]. Ўз навбатида Нодиршоҳ Муҳаммад Раҳимбийни илиқ кутиб олиб ҳамроҳлари таркибига қўшган ва ўз ҳомийлигига олган [21, Сах. 4]. Хумулийнинг ёзишича, Нодиршоҳ Муҳаммад Раҳимбийни ўз фарзандидай кўрган [2, С. 237-238].

Нодиршоҳ Бухорода 25 кун тургандан сўнг ўз лашкари билан Хива томонга отланган вактда, ўғли Ризоқулини Эронга жўнатади ва ўшандада унга Раҳимбийни ҳам ҳамроҳ қилган. Мангитлар сулоласига асос солган Муҳаммад Раҳимбий тўрт

йил давомида Нодиршоҳ хизматида бўлган ва у шу даврлар мобайнида Эрон қўшини таркибида кўп тажриба тўплаган [21, Сах. 4]. Хумулий Раҳимбий давлат бошқарув санъатини Нодиршоҳдан ўрганган деб ёзади [2, С. 237-238]. Сўнгти Аштархоний Абулфайзхон Нодиршоҳга тобеъ бўлиб, ўзининг сиёсий мавқенини қўлдан бой бериш билан бир қаторда заифлигини ҳам намойиш қиласди. Бундай вазият мангитларнинг Бухоро давлати тепасига келиши учун имконият эшикларини очиб қўйган эди. Бухорода Нодиршоҳнинг ишончли вакили ҳисобланган Ҳакимбий оталиқ вафотидан сўнг [22, 282 б.] Бухоро ҳудудида бир муддат ғалаёнлар ва бошбошдоқликлар авж олган. Миёнколда энг йирик ғалаёнлардан бири юз беради. Бу ерда хитой-қипчоқ қабиласининг намояндаси бўлган Ибодуллоҳ хитой раҳбарлиги остида исён кўтарилиган. 1745 йил Баҳоуддин Нақшбандий мозорида гули сурх байрами ўтаётган кезда, Ибодуллоҳ қўшинлари Бухорога тўсатдан хужум қиласди, жуда кўп ўлжаларни қўлга киритиб, ўзи билан бирга кўп сонли асиirlарни олиб кетади. Юзага келган вазиятдан хабар топган Нодиршоҳ Ибодуллоҳга қарши Марв ҳокими Шоҳкулихон ҳамда Муҳаммад Раҳимбий бошчилигига ҳарбий қўшинларни юборган. Шунда Муҳаммад Раҳимбийга кенгроқ ваколатлар берилади, у хонликдаги сиёсий мувозанатни сақлаш учун масъул бўлган.

Марвда Муҳаммад Раҳимбийга Нодиршоҳнинг ўғли Ризоқули бошчилигидаги қизилбош ҳарбийларининг тўп-у замбараклардан иборат қўшинлари ва туркманлар лашкари ҳамроҳ бўлди. Муҳаммад Раҳимбий аввалига Ғозиобод даҳасига ва сўнгра Бухорога кириб келди. Абулфайзхон уни *амир ул-умаро* сифатида қабул қиласди. Эронийлар лашкари билан биргаликда Ибодуллоҳ исёнини бостириши ва бу шахснинг Миёнколни тарк этиб Тошкентга қочиб кетишга мажбурлади ҳамда кейинроқ у ерда Ибодуллоҳ ўлдирилади. Мирзо Салимбек Ибодуллоҳ исёнини бостиришда Муҳаммад Раҳимбий муҳим роль ўйнаганини таъкидлаб, исёнкорни жангда мағлуб этганини ҳамда Жиззахгача қувлаб борганини ёзади [22, 284 б.].

Ғалаёнларни бостириш ва Мовароуннаҳрда тартиб ўрнатишга муваффақ бўлган Муҳаммад Раҳимбийнинг обрў-эътибори ошади ва у давлатнинг масъулиятли лавозимларига ўзига яқин кишиларни қўяди ва айни вақтни ўзида ўз лашкарини тузишга эришади ва шу билан ўзининг хукмронлигини ўрнатиш учун замин ҳозирлайди [21, Саҳ. 6]. Мир Абдулкарим Бухорий Муҳаммад Раҳимбийни Абулфайзхоннинг энг ишончли кишиларидан ва саркардаларидан бири сифатида уни озиқ-овқатлар билан шоҳнинг даргоҳига юборган, деб ёzádi. Муаллиф ёзишича, Нодиршоҳ Абулфайзхонга Туркистон мамлакати бошқарувини берган бўлса, Муҳаммад Раҳимбийга хонлик мартабасини тақдим этган. Абдулкарим Бухорий Нодиршоҳнинг Муҳаммад Раҳимбийга хонлик мартабасини беришининг сабабларини кўрсатмаган ва Эрон шоҳи томонидан бундай мартаба бериш ҳукуқи бўлганми ёки йўқ, буниси қоронғи.

Мангитларнинг Бухоро давлати тепасига келиши ва тахтни эгаллаши ўша давр шарқ монархияси анъаналарига кўра, аслида ноқонуний ҳисобланган. Чунки Мовароуннаҳр давлатлари Чингизийлар хонадонига мансуб хонлар томонидан бошқарилган ҳамда мазкур сулола вакилларининг Бухоро тахтига эгалиги кўп асрдан буён анъана бўлиб келаётган эди. Муҳаммад Раҳимхон ҳам бу анъанага риоя қилишга мажбур эди. Аммо у қаттиқўллиги ва куч-кудрати билан Мовароуннаҳр заминида тартиб ўрната олди, Аштархонийлар даврида ажralиб мустақил бўлган мулкларни қайтаришга эришди, мамлакатда осойишталикни ўрнатди. У шунингдек, ҳокимият жиловини ўз қўлида тутиш йўлидан бориб, имкон қадар бу йўлда тўғаноқ бўлаётган ҳар қандай шахсни жисмонан йўқ қилишдан ҳам қайтмади. Шулардан бири Чингизий наслидан бўлган ва Аштархонийлар сулоласининг сўнгги вакили, расмий хон Абулфайзхон эди. Нодиршоҳ ва мазкур хон кўмаги билан оталиқ бўлган Муҳаммад Раҳимхон Эрон шоҳининг ўлимини эшитиши билан чингизий наساب Абулфайзхонни Бухоро арқидан қувғин қиласи ва маълум бир режа асосида уни қатл қилишга муваффақ бўлади [23, Р. 3]. Бухоро тахтининг бошқа бир қонуний

даъвогари – Абдулмўминхон Абулфайзхоннинг тирик қолган ягона фарзанди, Муҳаммад Раҳимхонга куёв бўлишига қарамай, ўз қайнотаси томонидан ўлдириб юборилган [2, С. 311]. Бухоролик тарихчиларнинг ёзишларича, Абулфайзхоннинг ҳокимиятдан мосуво қилиниши ҳамда Муҳаммад Раҳимхоннинг давлат тепасига келиши Нодиршоҳнинг хоҳиш иродаси билан бўлган. Муҳаммад Шарифнинг ёзишича, Нодиршоҳ Абулфайзхонни ҳокимиятдан четлатиб, унинг ўрнига ўғли Абдулмўминни хукмдор қилишга фармон берган [2, С. 238]. Лекин шу билан бир қаторда Муҳаммад Раҳимхон амир ул-умаро деб эълон қилинган [2, С. 237-238].

Муҳаммад Раҳимхон марказий ҳокимиятини кучайтиришга эътибор қаратади ва Муҳаммад Вафо Карминагий маълумотига кўра, у вилоят ҳокимлари намояндалари ҳамда давлат улуғларини ўз тарафига оғдириб, уларни ўз амру-фармонларини бажаришга итоаткор қилишга эришади [21, Сах. 7]. Булар орасида Ҳисорнинг ҳокими Муҳаммад Аминбий юз, Олимбий кенагас (Шаҳрисабз), Муҳаммад Аминхожа (Чоржўй), Файбуллоҳбий баҳрин (Миёнкол), Яъқуббек (Қубодиён), Жаҳонгирбий (Ғузор) каби шахслар тилга олинган [21, Сах. 6]. Кўп ўтмасдан янги хонга қарши кучлар кўрина бошлади ва улар исёнга бош кўтардилар. Шулардан бири Нуротадан Раҳимбий Тағой Мурод буркут бўлиб, у Даشت Қипчоқ қозоқлари ҳамда Файбуллоҳ баҳрин ва етти уруғ намояндаларини ёрдамга чақириб, шуларни қўллаб қувватлаши билан Муҳаммад Раҳимхонга қарши чиққан. Аммо Жуъақул баҳодир мингбоши раҳбарлиги остидаги Бухоро қўшинлари ҳокимиятга қарши чиққан мухолифат кучларни Хатирчи қалъаси ва Пайшанбеда бўлган мухорабада улар устидан ғалаба қозонади [21, Сах. 9]. Бу воқеа 1748 йили содир бўлган. Муҳаммад Вафойи Карминагий ёзишича, яна бир қанча ғалаён ва исёнлар содир бўлган [21, Сах. 9] ва улар Раҳимбий томонидан юборилган лашкарлар томонидан бостирилган [21, Сах. 8]. Мирзо Абдулазим ёзишича, шу воқеалардан кейин Раҳимхон ўз кишиларини вилоят ҳокимликларига тайинлаган. Жумладан, Ҳисори Шодмон

ишғол қилиниб, бу ернинг ҳокимлиги Дониёлбий оталиқقا, Ўратепа бошқаруви эса ўз ғуломи Қутлибойга тақдим этилган [24, С. 46]. Раҳимхон унга қарши бош кўтарғанларни аёвсиз жазолади, қатл қилди ва зиддият юз берган жойларда тартиб ўрнатди.

Бухоро Арки

Давлат бошқаруви билан боғлиқ муҳим бино бу Бухоро арки бўлиб, асосий воқеалар айнан шу қалъада юз берган. Аркни ишғол қилиш манғит амирлари томонидан унинг муҳим объект сифатида қаралғанлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Муҳаммад Раҳимхоннинг Нодиршоҳ ўлими хабарини эшлиб Марв тарафдан чўлу-биёбонлардан ҳеч бошқа ёққа бормасдан тўғри арк томонга келиб, давлат рамзи бўлган мазкур кўрғонни ишғол этиши ҳамда бу ердан Абулфайзхонни чиқариб юбориши, Дониёлбийнинг ўлимидан сўнг Шоҳмуроднинг оға-инилари ва давлат арконларини чақириб катта мажлис чақириб давлат ҳукмдори лавозими масаласида машварат ва маслаҳат қилиши, унга укаси Тўхтамишхоннинг ғуломи Фаридун орқали жонига суиқасд қилиш йўли билан Аркни ишғол этишга интилиши воқеаси ҳам айнан Аркда юз берган. Бундан ташқари Шоҳмурод вафотидан сўнг унинг иниси Умар бошқа инилари билан тил бириклириб, Арк дарвозасига ҳужум уюштиради, аммо муваффақиятсизликка учрайди.

Сайид Муҳаммад Носир ибн Музaffer “Таҳқиқоти арки Бухоро” рисоласида Арқдаги айрим қурилишлар, биноларнинг қандай аталиши ва қайси ҳукмдор томонидан нималар қурилғанлигини ўз асарида баён қиласди. Аштархоний Субҳонқулихон ибн Надр Муҳаммадхон Арк саҳнида кўринишхона, меҳмонхона ва тепадаги жоме масжидини қурдирғанлигини ёзган. Амир Ҳайдар тунги ибодат ва кундузги зикр билан машғул бўлган катта хонақоҳни ўзи қурдирған ва унинг ёнида қудук ҳам қаздирған [25, 41 б.].

Асарда байтлар (назмий матнлар) давлат ва сиёсатга тааллуқли панд-насиҳатлар сифатида келтирилган ҳамда улар подшоҳлар ва оддий инсонларга

маълум бир воқелиқдан сўнг огоҳлантириш ва насиҳатлар тарзида берилган. Байтлар орасида Саъдий Шерозийга тааллуқли байт ҳам бор.

Муҳаммад Раҳимхоннинг Нодиршоҳ вафотидан сўнг Бухоро тахтига эгалик қилиши воқеасини муаллиф қуидаги ибора билан изҳор этган: “У баҳту тахт соҳиби бўлди”. Мазкур жумлани Амир Темур Оқсаройидаги морпеч устунлардаги китобаларда ҳам учратиш мумкин. Айнан шу ибора қадимий форс шоирлари ёки форс-тожик тилида битилган асарларда учраши эҳтимоли мавжуд. Буни “Шоҳнома”дан изласа мақсадга мувофиқ бўлади. Ибора сиёсий бошқарув ва давлатчиликка оид ҳамда тадқиқот мавзуси бўлиши керак.

Матннинг баъзи жойларида Эрон шиалари давлат соҳиблари бўлган турк ва туркман ғизилбош, айрим ерларида қизилбош ҳолатида келтирилган. Мирзо Олим Маҳдум ҳожи бу асардан ўзининг Туркистон тарихи асарини ёзишда фойдаланган. Воқеаларни у қисқартириб ва айрим жойларида тўлдириб ҳамда янги маълумотлар билан бойитиб берган. Мисол учун, Абулфайзхон ўзининг саккиз ўғлидан еттитасини бошини танасидан жудо қилиб ўлдирганлиги воқеаси Мирзо Олим томонидан Туркистон тарихидан жой олган [26, 167 б.].

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Schefer Charles. *Histoire de l'Asie Centrale par Mir Abdoul Kerim Boukhary – Afghanistan, Boukhara, Khiva, Khokand depuis les dernières années du règne de Nadir Chah, 1153, jusqu'en 1233 de l'hégire, 1740-1818 a. D., Texte persan publié d'après un manuscrit unique, avec une traduction française.* – Paris, 1876, Peprint; Amsterdam, 1970.
2. Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.). – Алматы, 2004.
3. Бартольд В. Статьи из “Энциклопедии ислама” / Работы по источниковедению. Сочинения. Том III.– Москва, 1973. – С. 581.
4. Стори Ч.А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. Переработал и дополнил Ю.Э.Брегель. Часть 2. – Москва, 1972. – С.1155.

5. Бартольд В. Узбекские ханства. История культурной жизни Туркестана. Общие работы по истории Средней Азии. Сочинения, т. II, часть 1. – Москва, 1963.
6. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI-середина XIX в.) – Москва, 1958.
7. Мухаммад Казим. Поход Надир шаха в Индию (Извлечение из “Тарих-и аламара-йи Надири) // перевод, предисловие и примечания П.И Петрова. – Москва, 1961.
8. Tuhfat al-Khani or Tarikh-I Rahim Khani. An Early Manghit Chronicle in Central Asia. Muhammad Qazi Vafa Karminagi (d.1769). Edited by Mansur Sefatgol. With collaboration of Nobuaki Kondo. Research Institute Languages and Cultures of Asia and Africa (ILCAA). Fuchu, Tokyo.2015
9. Материалы по истории туркмен XVIII в. Завоевания Надир-шаха и туркмены. Извлечения из «Истории Надир-шаха» («Тарих-и Надири») Мирза Мехдихана Астрabadского // Перевод под ред.А.А.Ромаскевича. Материалы по истории туркмен и Туркмении. Том II. XVI-XIX вв. Иранские, Бухарские и Хивинские источники. Труды Института Востоковедения.29. Источники по истории народов СССР. Издательство академии наук СССР Москва-Ленинград, 1938.
10. Osman Kimya. Nadir Shah Afşar Dönemi Osmanlı-İran Münasebetleri İle İlgili Türkiye'de Yapılan Akademik Çalışmalar // Academic Journal of History and Idea Spring 2018, 5(14). – P. 48-66.
11. Solaiman M. Fazel. Etnohistory of the qizilbash in Kabul: migration, state and shi`a minority. Submitted to the faculty of the University Graduate School in partial fulfillment of the requirements for the degree Doctor of Philosophy in the Department of Anthropology Indiana University May 2017.
12. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол / араб ёзувидан табдил, кириш ва изоҳлар Ш.Воҳидов, И.Бекчанов, Н.Полвоновники. – Тошкент, 2010.

13. Шир Мухаммад б. Эмир Авазбий (Мунис). Фирдавс ул-иқбол // Материалы по истории казахских ханств XV-XVIII веков (Извлечения из персидских и тюркских сочинений). Составители: С.Ибрагимов, Н.Мингулов, К.Пищулина, В.Юдин. – Алма-ата, 1969. – С.465.
14. Бартольд В.В. Бухара. Ее памятники и их судьба. Соч. т.IV. М., 1965. Ч.2.
15. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. – Т.: Шарқ, 1997.
16. Муҳаммад Яъкуб. Гулшан ул-мулук. / Форс тилидан Ў.Султонов таржимаси. Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 3-жилд. – Т.: Фан ва технологиялар, 2014.
17. Муъин. Зикри төъоди подшоҳони ўзбак. / Форс тилидан Ў.Султонов таржимаси. Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 3-жилд. – Т.: Фан ва технологиялар, 2014.
18. Абдурахмон Толеъ. История Абулфейз-хана / Перевод с персидского, предисловие, примечания и указатель профессора А.А.Семенова. – Ташкент, 1959.
19. Zamonov A., Egamberdiyev A. Buxoro amirligi tarixi (XVIII asr o‘rtalari – XIX asr o‘rtalari). – Т.: Tamaddun, 2022
20. Жуманазар А. Бухоро таълим тизими тарихи. – Т.: Академнашр, 2017.
21. Муҳаммадвафои Карминаги. Тухфат-ул-хони / муқаддима, таҳияи матн, нусхабадал, таълиқот ва феҳристҳои Ҷамshed Ҷўразода ва Нурулло Ғиёсов. – Хўчанд, 2018.
22. Мирзо Салимбек. Кашкули Салимий. / Форс тожик тилидан таржима, кириш, изоҳ сўз ва кўрсатикичлар Н.Йўлдошевники. – Бухоро, 2003.
23. Scott C. Levi. The rise and fall of Khoqand, 1709-1876. Central Asia in the Global Age. – University of Pittsburgh Press, 2017.
24. Мирзо Абдулазим Сами. Таърих-и салотини мангития (История мангытских государств) / изд. Текста, предисл., пер. и примеч. Л.М.Епифановой. – М., 1962.

25. Сайийд Муҳаммад Носир ибн Музаффар. Таҳқиқоти Арки Бухоро. Бухоро арки ҳақида тадқиқот. Форс тилидан таржима, сўз боши, изоҳлар ва кўрсаткичлар F.Каримовники. – Тошкент: Тафаккур, 2009
26. Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон. Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Ш.Воҳидов. Араб ёзувидан табдил: Ш.Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008.

ABDULKARIM BUKHARI'S WORK "HISTORY OF THE CENTRAL ASIAN STATES (AFGHANISTAN, BUKHARA, KHIVA, KOKAND) FROM THE LAST YEARS OF NODIRSHAH'S REIGN UNTIL 1233/1818" AND DESCRIPTION OF THE HISTORY OF THE BUKHARAN EMIRATE IN IT.

Abstract. This article discusses the work attributed to Mir Abdulkarim Bukhari, provisionally titled “History of the Central Asian States (Afghanistan, Bukhara, Khiva, Kokand) from the last years of Nadir Shah's Rule, 1153/1740 to 1233/1818.” The work details Nadir Shah's campaigns in these regions and provides an account of events that occurred in Afghanistan, Bukhara, Khiva, and Kokand during this period. The source is a significant work that reflects the political order in the Turkistan countries at the beginning of the 19th century after Nadir Shah's death, which remained unchanged until his time.

Key words: Mir Abdulkarim Bukhari, Nadir Shah Afshar, Bukhara school of history, details of the relationship between Nadir Shah and Elbars Khan, the origin of the Mangit emirs of Bukhara, the rise of the Mangit dynasty to power, the Ark of Bukhara.

О ТРУДЕ АБДУЛКАРИМА БУХАРИ "ИСТОРИЯ ГОСУДАРСТВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ (АФГАНИСТАН, БУХАРА, ХИВА, КОКАНД) С ПОСЛЕДНИХ ЛЕТ ПРАВЛЕНИЯ НАДИР-ШАХА ДО 1233/1818 ГОДА" И ИЗЛОЖЕНИИ В НЕМ ИСТОРИИ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА.

Аннотация. В данной статье рассматривается произведение Мир Абдулкарима Бухари, условно названное “История государств Центральной Азии (Афганистан, Бухара, Хива, Коканд) в последние годы правления Надир-шаха, с 1153/1740 года по 1233/1818 год.” В произведении описываются походы Надир-шаха на эти территории и подробно излагаются события, происходившие в этот период в Афганистане, Бухаре, Хиве и Коканде. Данный источник является важным трудом, отражающим политические порядки, которые сложились в странах Туркестана в начале XIX века после смерти Надир-шаха и оставались неизменными до времени жизни автора.

Ключевые слова: Мир Абдулкарим Бухари, Надир-шах Афшар, бухарская историческая школа, подробности отношений Надир-шаха и Эльбарс-хана, происхождение бухарских эмиров из династии Мангытов, приход к власти династии Мангытов, Бухарский арк.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14498974>

Файзулло Эрназаров

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Жаҳон тарихи” кафедраси профессори, тарих фанлари доктори (DSc).

ХИВА ХОНЛИГИДАГИ МАДАНИЯТ ДУРДОНАЛАРИНИНГ ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИНИШИ

Аннотация. Мақолада Россия империяси мустамлакаси даврида Хива хонлигидаги санъат ва маданиятга оид қимматбаҳо буюмларниң талон-тарож қилинишига оид таҳлилий маълумотлар берилган.

Калим сўзлар: Хива, Россия, санъат, маданият, қўлёзмалар, Мак Гахан, Николай Романов, В.Вяткин.

Хоразм воҳасида асрлар давомида сон-саноқсиз маданий бойликлар яратилган. Хива хонлиги Россиянинг асоратига тушгач, халқимизни худди мана шу маданий меросдан жудо қилиш мустамлакачи маъмурларининг асосий мақсадларига айланди. Хоҳ ўтмишда, хоҳ бугун бўлсин, бошқа миллат, давлатни ўзига қарам қилиш ниятида ҳаракат қилган, қилаётган кучлар доимо бир сиёsatни юритганлар, юритадилар: яъни, қарам халқнинг маънавий, маданий, тарихий меросини йўқ қилиш, ундан жудо этиш. Чор Россиясининг Скобелев деган генерали шундай деб ёзган эди: «Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш

шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди». Рус истилоси олдидан Ўрта Осиёга Россиядан бир гурух олимларнинг жўнатилиши ҳам аслида ўзбек халқининг маданий меросини, хонликлардаги осори-атиқаларни рўйхатга олиш эди. Хива хонлигига юриш олдидан ундаги маданий бойликларни кўлга киритишнинг йўл-йўриқлари ишлаб чиқилди. Бу вазифани Россия императорлиги география жамияти атрофида фаолият юритган олимлар амалга оширилар. 1834 йилдаёқ, шарқшунос X.Френ Ўрта Осиёда мавжуд бўлган нодир қўлёзмалардан «Юз асарнинг тадрижий рўйхати»ни тузиб чиқсан эди. Кейинчалик эса шарқшунос олим П.Лерх Хива хонлигига нималарга эътибор бериш ва қўлга киритиш мумкинлиги ҳақида маҳсус дастур ишлаб чиқиб, Туркистон генерал-губернаторига юборди [1: 4]. Бу дастур босмахонада кўплаб нусхаларда чоп этилиб, Хива юришида қатнашувчи аскар ва офицерларга тарқатилди. Дастурда Хива хонлиги ерларида нодир буюмларга, жумладан, қўлёзма китоблар, танга, муҳр, амалий санъат намунаси бўлган ва хунармандларнинг санъати мужассамлашган ипак гиламлар, ўймакорлик билан ишланган мис асбоблар, эгар-жабдуқлар, айниқса қимматбаҳо тошлар билан безатилган қилич, пичоқ ва бошқа осори-атиқаларга алоҳида эътибор бериш лозимлиги кўрсатилган эди.

Хива хонлиги забт этилгач, талон-тарож бекиёс даражада ортди. Бу ҳақда Баёний шундай ёзади: «Галавачоф хазинани очдуруб хазинага кирди, бир сандали (тахт) бор эди. Галавачоф кўруб деди: «Бу имфератур саройида туратурғон шоҳи сандалиларға ўхшашдур. Ҳамоноким, имфературдин ҳадя тариқасида бу ерга келгандур». Яна музайян бир сандаликим, Мухаммад Раҳим Баҳодирхони аввалиннинг замонларида тузатилмиш (ясалмиш) эрди. Яна бир неча темур орча кўрдилар. Ҳаммалари холи эрди. Магар, бирининг ичи тўла танга эрди. Яна бир зинпӯш (эгар-жабдуғ) кўрдилар. Олтун ва зумуррад била мурассаъ (безатилган) эрди ва бир микдор мурассаъ қиличлару ханжарлар ва милтуқу таппончалар ва неча олтун чопулғон покиза улуғ милтуқлар бор эрди.

Ва бир неча навижод (янги кашфиёт) олтиотар бор эрди. Яна ўн икки тўфанг била бир хиле фишанг (ўқ) ва фишанг тўлдуратурғон олатлар (асбоблар) бор эрди. Ва бир англизи олтиотар бор эрди ва англиздин келган бир нома бор эрди. Яна бир уйда уч юз мужаллад (жилддан иборат) ёзма музайян китоблар бор эрди ва чоройнаву совутлар ва дубулғалару қуллуқу тизлику ўқ-ёйларнинг ҳаммасига мутасариф (эгалик) бўлди, чун ҳаммаси мурассаъ (сараланган) ва мужавҳар (жавоҳир қадалган) ва баҳодор нимарсалар эрди, Петербурғга юборилди» [2: 53].

Хива истилосининг гувоҳи бўлган америкалик журналист Мак Гахан ўз кўзи билан кўрган Хива саройи хазинасини батафсил тасвиirlаб ёзган эди. Унинг сўзларига қараганда, хон саройининг бир-бирига туташ икки хонасида у хилмачил қурол-яроғларнинг ва ҳарбий аслаҳаларнинг катта уюмини кўрган, улар орасида уни «нилуфар гули тасвири туширилган рицарлар қалқони», безакдор қадимги шарқ қуроллари, «Хуросон қиличлари, Эрон шамширлари ва тошлар қадалган қимматбаҳо ғилофли афғон ханжарлари» ҳайратга солган. Иккинчи хонада асосан китоблар, шунингдек, ўқ-ёйлар ва «кўплаб қадимий идишлар мавжуд бўлган. Фақатгина XVII-XIX асрларга оид хитой чиннисидан ясалган буюмлар мингдан ортиқ бўлиб, бу нодир буюмлар рус офицерларига ўлжа бўлди» [3: 30] дейди у. Хон саройидан олинган катта миқдордаги қимматбаҳо гиламлар эса аскарларни рағбатлантириш, харажатларини қоплаш учун номаълум кишиларга сотиб юборилган. Г.Чабровнинг ёзишича, қимматбаҳо нарсаларнинг анча қисми юриш қатнашчилари томонидан ўғирланган, сўраб-сuriштириб ўтирмасдан сотиб юборилган. Масалан, аёлларнинг қимматбаҳо, қадимий безак буюмлари вазнига қараб, ҳар бир қадоги 25 кумуш рублдан пулланган [4: 18].

Рус ҳукумати Хивани забт этиб бўлгач, туркманларга қарши жазо экспедициясини жўнатди. Туркманлардан кўплаб миқдорда гилам, газлама, кийим-бош, турли зеб-зийнат буюмлари тортиб олинган. Олиб кетишнинг

иложи бўлмаган барча нарсаларни ёқиб юборишган. Натижада Хоразм ҳунармандлари яратган кўплаб ноёб маданият дурдоналари куйиб кул бўлган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, маданий бойликларни тўғридан-тўғри тортиб олишдан ташқари, рус маъмурияти айrim шахслар томонидан ер кавлаш, канал қазиш ва бошқа ишларда топилган хазина, осори-атиқаларнинг археология ҳайъатига жўнатилишини талаб қилган. Ҳатто бу тўғрида рус хукумати маҳсус фармон ҳам чиқарган.

Айни вақтда ҳайъатнинг яна бир кўрсатмаси шундай эдики, топилган хазина ва осори-атиқаларни бўлакларга бўлмай, тўла, қандай топилган бўлса шу ҳолиша жўнатиш талаб қилинган. Ер остидан топилган хазина ва бошқа ёдгорликларни ҳайъатга топшириш тўғрисидаги тартиб-қоидалар маҳаллий аҳолига миллий тилда етказилган ва тарқатилган [5: 17].

Туркистондаги рус маъмурлари топилган ёдгорликларни мунтазам равища Россияга жўнатиб турди. Хива юришида қатнашган княз Николай Константинович Романов ҳам беҳисоб ўлжа билан қайтган.

Хива юришида қўлга киритилган қўлёзма ва антиқа буюмларни Петербургга жўнатиш маъмурий буйруқ билан Туркистон генерал-губернаторининг фахрий маслаҳатчиси, шарқшунос А.Кун зиммасига юклатилди. Унинг «Хива хонлигига юриш» асарида кўрсатилишича, бу юриш кўплаб қимматли бебаҳо хазиналарнинг эгалланиши билан якунланди. А.Кун бу асарида Хивадан талаб кетилган қимматли буюмлар рўйхати ва нималар Петербург музейларига жўнатилганини кўрсатган [6: 9].

Дарҳақиқат, Хива хони саройидан олинган ноёб ёдгорликлар ўзбек халқининг моддий ва маънавий мулки бўлган буюмлар, ҳатто хон архивидаги минглаб ҳужжатлар ҳаммаси олиб кетилди. Рус маъмурлари ва уларга хизмат қилган шарқшунос олимлар Туркистон халқлари яратган бу бойликларнинг аҳамиятини, уларнинг вақт ўтиши билан баҳоси ошиб боришини яхши фаҳмлаган эдилар. П.Лерх ишлаб чиқсан дастурда ҳам маҳсус «қўлёзма ва

тангалар тўплами» номли бўлим тузиб чиқилган бўлиб, унда Россия учун муҳим аҳамиятга эга қўлёзмалар рўйхати кўрсатилади. Масалан, оламга машҳур Абу Райхон Берунийнинг «у ёки бу асарини қўлга киритиш катта баҳт бўлур эди. Россияда Беруний асарларидан бирортаси ҳам йўқ» [7: 361], дейилган эди ушбу дастурда. Айниқса хон кутубхонаси уларда катта қизиқиш уйғотиб, ундаги маънавий бойликлар синчковлик билан қараб чиқилди, олиб кетиш учун сараланди. Улар орасида миниатюралар билан безатилган, зарҳал ҳарфлар билан битилган хаттотлик санъатининг дурдоналари кўп эди. А.Кун шарқ қўлёзмалари ва хужжатларидан иборат 300 китобни, шундан 129 таси 140 жилдан иборат тарихий асарлар, 20 муаллифнинг 30 жилдлик асарлари, хуқуқшунослик ва илоҳиёт масалалари бўйича 50 жилдан иборат 40 асар, 18 нусха «Қуръон» ва 90 та дарслик тўплаган ва уларни 1873 йили император кутубхонасига топширган [8: 31].

Шунингдек, А.Кун ва унинг гурухи Хивадан танга зарб қилишга мўлжалланган 200 нусха штампни, муҳрлар боғламини, хон тахтини, 172 нусха Жўчи тангаларини, Қўнғирот сулоласидан бўлган Хива хонларининг 3 нусха тангасини ҳамда этнографик аҳамиятга эга бўлган аёллар ва болалар кийимбошлари, кўплаб тилла ва кумуш безакларни олиб кетган [7: 361].

Юқорида зикр қилинган 20 та асар орасида Низомий Ганжавий асарлари қўлёзмаси, «Тарихи Восифий», «Искандарнома», Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий»си, Навоийнинг «Хамса»си, Рабғузийнинг «Қисас ул-анбиё» асари, «Тафсири Қуръон», «Равзат ус-сафо», «Достони Қосим ва Гўрўғли», Абулғозихоннинг «Шажараи турк» асари ва араб, форс, ўзбек тилларидаги бошқа асарлар бор эди. А.Куннинг рўйхатида Кўхнаурганчдан олиб кетилган кошинлар ҳам қайд этилган бўлиб, улар қайси ёдгорликлардан кўчириб олингани кўрсатилмаган. Хоразм ўлкасининг маданияти ниҳоятда қадимийлигини ва у жаҳон цивилизациясининг бир таркибий қисми эканига фаҳми етган А.Кун бекорга бундай деб ёзмаган: «Бу ердаги цивилизацияни

Дажла ва Фрот дарёлари соҳилларидаги Месопатамия цивилизациясидан кейин вужудга келган деб бўлмайди. Хива воҳаси қадим замонлардан буён бутун жанубни шимол ва Европанинг шимоли-шарқи билан савдо-сотик орқали боғлайдиган минтақа бўлиб хизмат қилган». Айни вақтда Кун бу ердаги маҳаллий маданият дурдоналарига араблар истилоси биринчи бўлиб, мўғуллар истилоси эса иккинчи бўлиб қаттиқ зарба бўлганини таъкидлайди-ю [9: 12], лекин олим сифатида Россиянинг бу ерда ўтказган босқини, талон-тарож сиёсати аввалги иккита босқиндан кам бўлмаган учинчи оғир зарба эканини эслаб ҳам ўтмайди. Шунинг учун ҳам у Хива юришидаги алоҳида «жонкуярлиги» учун рус ҳукумати томонидан фахрли унвонлар билан тақдирланган. 1874 йили Туркистон генерал-губернаторлиги хузурида ўқув ишлари билан боғлиқ алоҳида топшириқлар бўйича катта маслаҳатчи қилиб тайинланган [10: 116].

Шунингдек, саройдан Хива хонларининг тахти тортиб олиниб, 1874 йили Москвадаги қурол-аслаҳа палатасига топширилди. Тахтни илмий тавсиф этган рус олими В.Стасовнинг ёзишича: «Бу тахт Хива ҳунарманд усталари маҳоратининг чўққиси, яъни металга гул солиш ҳунарининг бетакрор маҳсулидир» [11: 862]. В.Стасов яна фикрини давом эттириб шундай ёзади: «Ўрта Осиё санъатининг ўзига хослиги ва оригинал эканлигини айтмоқчиман, бу ўзига хослик ва оригиналлик Хива хони тахтида, унинг Ўрта Осиёдаги кўпчилик бадиий буюмлар сингари ўзига хос эканида, гўзаллигида, нақшларида, ясалиш техникаси ва ишланишидаги назокатида кўриниб турибди» [11: 862].

Хивани талон-тарож қилиш нафақат хон саройида, балки босқинчиларга қарши курашда қатнашган амалдорларнинг уйларида ҳам олиб борилди.

Хива юриши тўғрисидаги расмий ҳисоботда кўрсатилишича, ҳукумат томонидан талон-тарож ҳақида берилган кўрсатма аниқ ва қатъий бажариб борилган. Масалан, Қўнғиротнинг забт этилиши вақтида хон хазинаси ва амалдорлари мол-мулкини аниқлаш учун маҳсус ҳайъат тузилган.

Хивани талон-тарож қилиш вақтида девонбеки лавозимидағи Матмуроднинг уйидаги мол-мулкни текшириш ва рўйхатга олиш учун ҳайъат тузилди [12: 18]. Текширувдан сўнг Матмурод ҳибсга олинниб, Россияга сургун қилинди. Унинг уйидан 48.000 рублга teng мис ва кумуш тангалар, тилла буюмлар, осиёлик хотин-қизларнинг қадим зеб-зийнатлари солинган сандик олиб кетилди. Бу буюмларнинг аксарияти Хива ҳунармандчилик маданиятининг ажойиб, бетакрор намуналари эди.

Туркистон генерал-губернатори Ф. Кауфманнинг ўзи Хива хонлигидан тортиб олинган 329 та нодир ёдгорликни Россия Фанлар академиясининг Осиё музейига ва Эрмитажга совға қиласди.

Ушбу талончилик биргина Хива хонлигига эмас, балки Кўқон хонлиги ва Бухоро амирлигига ҳам олиб борилдики, оқибатда ўзбек халқи маданияти жуда оғир йўқотишларга дучор этилди.

Халқ маънавияти ва маданиятининг энг қимматли бойлиги бўлмиш қўлёзмалар тақдирни ҳам ачинарлидир. Хонликларда, хусусан Хивада яратилган юзлаб бебаҳо меросни рус шарқшунос олимлари тўпладилар. Ҳақиқатни айтиш керакки, олимлардан Н.Хаников, П.Лерх, В.Григорьев, В.Вельяминов-Зернов, К.Залеман, В.Радлов, В.Розен, Н.Веселовский, В.Бартольд, А.Самойлович, А.Кун, Е.Коль ва бошқаларнинг кўплаб қўлёзма меросни тўплаш, тартибга солиши, таржима қилиши, тавсифлаш ва нашр этишида шарқшунослик фани олдидаги хизматлари жуда каттадир. Уларнинг кўпчилиги мустамлакачилик сиёсатининг салбий томонларини жуда яхши англаб етганлар. Лекин шуниси ҳам ҳақиқатки, Россия олимлари ўз давлати манфаати йўлида хизмат қилиб, Туркистон, хусусан, хонликлар халқлари яратган бу қимматли асарлар ҳисобига ўз юртларининг қўлёзма ва архив фондларини бойитганлар. Петербург ва Москва музейлари ва кутубхоналарини дунёдаги энг йирик қадимий, нодир қўлёзмалар, ноёб буюмлар хазинасига айлантирилар. Буларнинг ҳаммаси Туркистон халқлари маънавиятидаги энг катта йўқотишлардан ҳисобланади.

Ўзбекистонлик тарихшунос Б.Луниннинг махсус ҳисоб-китобига кўра, Россия хазиналарига 1865 йилдан 1917 йилгача Ўрта Осиёдан (жумладан Хива хонлигидан) 3000 та шарқ қўлёзмалари тушган [10: 196]. 1897 йили Марказий Осиёга келган К.Залеман ҳамюрт олимлардан Наливкин, Вяткин ва Граменицкийлар билан учрашиб, улардан қўлёзмалар коллекциясини олади. Ўзи эса булардан ташқари яна 96 та қадимий қўлёзмани қўлга киритади. 1908 йили иккинчи марта Ўрта Осиёга келган К.Г.Залеман, археолог В. Л. Вяткин қўлёзмалар коллекциясининг жадвалини тузади. Шунингдек, маҳаллий халқларнинг ҳаёт тарзини кўрсатувчи этнографик буюмларни Осиё музейи учун олиб кетади [14: 175-177]. Лекин худудимиздан Осиё музейи учун олиб кетилган буюмлар ва қўлёзмаларнинг барчаси ҳам у ерга топширилмаган. Бу қўлёзмаларнинг кўпчилиги ўша олимлар ва шахсларнинг хусусий коллекцияларида қолиб кетган. Таърифлаётган даврдан бир оз олдинлаб кетиб, шуни ҳам таъкидлаймизки, шўро даврида (1949 йилга қадар Ўрта Осиёдан СССР ФА Осиё халқлари институтига (собиқ Осиё музейига) фақат форс-тожик тилларидаги қўлёзмаларнинг ўзидан 170 дан ортиғи топширилган. Уларнинг энг кўп қисмини В.Бартольд, Е.Бертельс, Н.Пасхин, А.Маргулан, А.Якубовскийлар топширишган [15: 3].

Рақамларга эътибор берсак, ҳайратли ҳолнинг гувоҳи бўламиз. Россиянинг биргина Осиё музейига 1874-1916 йиллари олимлардан В.Бартольд 20 та, В.Вельяминов-Зернов 19 та, Н.Веселовский 3 та, В.Вяткин 6 та, Д.Граменицкий 18 та, И.Десницкий 7 та, К.Залеман 105 та, И.Зарубин 11 та, В.Игнатьев 8 та, А.Калников 4 та, Карташов 1 та, А.Кун 85 та, С.Лапин 1 та, П.Лерх 32 та, Поспелов 8 та, Скайлер 1 та, С.Смирнов 3 та, Мезонов 1 та, А.Миллер 1 та, Мишутушкин 1 та, Н.Пантусов 1 та ва бошқа кўпгина кишилар Туркистон ўлкасидан, хусусан хонликлардан олиб кетган қўлёзмаларни топширишган. Булар албатта талон-тарожнинг энг юқори кўриниши эди. Энг кўп қўлёзма В.Иванов томонидан (605 та) олиб кетилган [16: 134-143].

Осиё музейида штатдан ташқари ишлаган бу шахсни И.Крачковский қўлёзмаларнинг «комадли овчиси» деб бекорга таърифламаган. К.Залеман эса ўзининг Ўрта Осиёга сафари хулосаларида шундай ёзади: «Ўрта Осиё қадимий нодир қўлёзмалар макони экан. Бундан кейин олимлар иштирокида кўплаб илмий сафарлар уюштириб, уларни Петербург музей ва кутубхоналарига йиғиб олиш зарур». Бу фикрлар ҳам юртимиздаги қимматли қўлёзма ёки нодир ёзма ёдгорликлар зўравонлик билан ташиб кетилганининг ёрқин мисоли эди. Бундай чексиз адолатсизлик, маданий ўғирлик ҳақида гувоҳлик берувчи ҳужжатлар Ўзбекистон марказий давлат архивида кўплаб учрайди. 1890-йилларнинг охири-1900-йилларнинг бошида Россиянинг Ўрта Осиёдаги маданий бойликларини қўлга киритиш мақсади тобора режали тус олиб, давлат аҳамияти даражасига эга бўлиб борди. Чунончи, бундай бойликларни бевосита тўплаш билан музейлар шуғулланадиган бўлди. Айни вақтда халқаро аҳамият касб эта борган осори-атиқалар бозори кенгайди. Бу ҳол Ўрта Осиё бадиий ва осори-атиқа буюмларини жаҳон осори-атиқалар бозори учун харид қиласидан эскифурушларнинг пайдо бўлишида ўз ифодасини топди. Мазкур бозор ўғирланган қадимги меъморчилик обидалари қопламалари ва қадимги буюмлар ҳисобига тобора кенгайиб борарди. Метрополиянинг йирик музейлари Ўрта Осиёга мутахассис ва хусусий шахсларни қадимий ашёлар қаерда мавжудлигини билиш учун юборарди. Масалан, 1895 йили Россия академиясининг антропология ва этнография музейи «Туркестанские ведомости» газетасида музей сотиб олиши мумкин бўлган нарсалар рўйхатини эълон қиласи, унда нафис санъат буюмларидан тортиб қўлёзма, китоб ва муқоваларгача бор эди [17: 11].

Россия шарқшуносларининг хонликлардаги қўлёзма манбалар ва моддий ёдгорликларни ўрганиш соҳасида амалга оширган фойдали ишларини инкор этмаган ҳолда, уларнинг деярли барчаси ўз давлатининг мустамлакачилик манфаатига астойдил хизмат қилиб, буюртмани бажонидил бажарганлигини, бажарганда ҳам ҳаддан ташқари ошириб, босқинчилик руҳида бажарганининг

гувоҳи бўламиз. Акс ҳолда миллий маданий бойликларимиз бўлмиш қўлёзмалар, археологик топилмалар, қадимий тангалар, архивлар, зеб-зийнат буюмлари ва бошқа маданиятимиз дурдоналарини уларни яратган халқдан, яъни юртимиздан ўйлаб ҳам ўтирумай зўравонлик, сурбетлик билан мақсадли равишда ташиб кетганини қандай изоҳлаш мумкин?

Айни вақтда Россия шарқшуносларининг рус армияси офицерлари ва генералларидан ҳеч қандай фарқи қолмади! Агар бу олимлар ўз асарлари билан «жажон шарқшунослиги солномалари» таркибига кирмоқчи эканлар (ўзга юрт қўлёзма манбалари ҳисобига), нега юртимизнинг ўзида алоҳида, маҳсус архив ёки илмий институтлар ташкил этишмади ёки нима сабабдан шу масалалар юзасидан ҳукуматга мурожаат қилишмади? Афсуски, ушбу биз учун жуда ҳам армонли бўлган саволларга ҳеч ким жавоб бермас эди.

Ўрганилаётган даврда Хива хонлиги маданияти ва умуман хонлик ҳақидаги илмий маълумотларни рус шарқшунослари ўз асарларида ёритдилар. Гарчи уларнинг асарлари мустамлакачиларга хизмат қилган бўлса-да, бу шарқшунослар ичida ўзбек халқи маданиятига астойдил қизиқувчи олимлар ҳам кўп эди. Улардан бири Н.Веселовский бўлиб, у тарихий манбалар ва турли материаллар асосида 1877 йили биринчи марта Хива хонлиги ҳақида илмий асар ёзди [18: 364]. Н.Веселовский бу асарни қандай ёзгани ҳақида: «Менга бош манба сифатида деярли фақат ўзимиздагина бўладиган, Хива хонлиги тўғрисидаги узоқ-юлуқ хабарлар хизмат қилди. Бу хабарлар ҳар хил саёҳатлар ҳисобатлари, журнал ва газета мақолаларидан йиғилган эди. Уларни денгиздан томчикидек тўплашга тўғри келди, кейин бир-бирига улаш ва солишириб чиқиши кийин бўлмаса-да улар диққат билан, синчиклаб текширишни талаб этар эди» [19: 92], деб ёзиб масалага қанчалик жиддий ёндошганини билдиради. У Хива хонлигига юксак маданият яратилгани ҳақида ёзиб, маҳаллий халқка ўз хайриҳоҳлигини билдиради ва ҳатто: «...биз цивилизация келтирдик... деб ўйлаймиз, биз ўзимиз забт этган осиёликларга тинчлик, осойишталик,

хавфсизлик... келтирдик деб ўйлаймиз... Лекин буларнинг ҳаммасидан ҳам юқори бўлган яна бир олийнеъмат нарса бор. Бу миллат, миллий туйғу... Забт этилган мусулмонлар аҳволини тушунмоқ учун уларнинг ҳолатига кириш керак. Сиёсий маҳв этиш оғир, миллий маҳв этиш эса ундан ҳам оғирроқ. Биз ҳукмронлик қилган даврда эса улар айнан ўз мустақилликларини йўқотдилар. Мустақилликни бирон-бир ҳузур-ҳаловатга алмаштириш мумкинми ахир?», деб мустамлакачиликнинг асили моҳиятини очиб ташлайди.

Мустамлакачилар маъмурияти ва улар бошчилик қилаётган илмий жамиятлар турли доирада хилма-хил кўргазмалар ташкил қилишни ҳам ўйлаб топдилар. Кўргазмаларда Туркистондан, жумладан, хонликлардан тортиб олинган қимматбаҳо нодир буюмлар намойиш этиларди. Бу эса мустамлакачиларнинг маданият дурдоналаримизни янада кўпроқ талон-тарож қилиб, ташиб кетишнинг янгича яна бир усули эди.

Шахсан генерал-губернаторнинг ўзи бу ишга раҳбарлик қилиб, хонликларга ва жойларга ўз амалдорларидан вакиллар жўнатиб, хон хазиналаридан нодир, қимматбаҳо буюмларни танлаб олишни буюарди ва бу буйруқ сўзсиз бажарилиши керак эди. 1891 йили Хива ва Бухоро амирлигининг нодир ёдгорликлари умумrossия кўргазмасида намойиш қилинган. 1900 йили эса ҳар иккала хонликнинг нодир ёдгорликлари Париждаги жаҳон кўргазмасида намойиш этилиб, минглаб кишиларнинг эътиборини ўзига қаратди.

1909 йили Хива ва Бухоронинг қимматбаҳо маданият дурдоналари Тошкентда ташкил қилинган қишлоқ хўжалиги кўргазмасида томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

Минг афсуски, кўргазма экспонатларининг ҳаммаси тадбир ўтказилгандан сўнг Туркистон генерал-губернаторлиги ихтиёрига ўтар эди. Ваҳоланки, бундай кўргазма ўтказиб туриш деярли одат тусига кириб, улар бир неча ўн мартараб ўтказилган ва ҳар сафар намойиш учун хонликлардан турли ноёб буюмлар олиб кетиларди. Булар албатта моддий-маънавий маданиятимиз меросига нисбатан

ваҳшиёна муносабатнинг навбатдаги кўриниши эди. Ўтказилган кўргазмалар ҳақидаги рақамларга ҳам бир эътибор берайлик: 1876-1878-йиллар ичидаги Туркистон миқёсида 5 та, 1878 йилдан 1888 йилгача 2 та кўргазма ташкил этилди. Уларда асосан ўлкадаги, хусусан хонликдаги халқлар томонидан яратилган ва мустамлакачилар тортиб олган маданий-маънавий дурдона мерослар намойиш этилди. Энг йирик кўргазма эса юқорида таъкидлаганимиздек, 1909 йили Тошкентда «Туркистон фани, саноати, қишлоқ хўжалигининг 25 йиллик юбилейи кўргазмаси» номи билан ташкил қилинди.

Тошкент шаҳрида 1911 йили 13 та, 1912 йили 2 та, 1915 йили 2 та бадиий кўргазма ва 1916 йили 1 та бадиий кўргазма уюштирилди. Булардан ташқари 7 марта умумrossия (1870 - 1913-йиллар) ва 10 марта жаҳон (1873 - 1914-йиллар) кўргазмаларида асосан Хива ва Бухоро хонликлари маданий ашёлари намойиш этилди [20: 18].

Табиийки, кўргазмаларда намойиш этилган экспонатларнинг барчаси Петербург ва Москвага жўнатилиб, подшо саройи ва марказ музейларига берилар эди. Шунингдек, хонликка келган элчилар ҳам, албатта, ҳар гал ноёб совгалар олиб кетардилар.

Масалан, хорижий сайёхлардан Анри Мозер Хива хонининг амакиси Иброҳим Хўжадан анчагина совға ундиради, булар ичидаги шоир Махтумқули шеърлар тўпламининг қўлёзмаси ҳам бор эди. К.Вамберининг айтишича, бу Махтумқули шеърларининг Европага биринчи марта келтирилиши экан. Хива хони Феруз эса руслар талон-тарож қилиб кетган кутубхонасини не-не машаққат ва меҳнат билан қайтадан тиклайди, яна янги қўлёзма ва босма китоблар билан бойитади.

Хива хонлигига рус амалдорлари ва олимлари томонидан нодир моддий, маънавий, маданий бойликларни Петербургга ташиб кетиши мунтазам давом этди. Бу ўринда баъзи хонларнинг ҳаракатини ҳам қоралаш жоиз деб ҳисоблаймиз. Масалан, 1900 йили Саид Асфандиёр тўра Петербург саройи учун

Хива усталари маҳсус ишлаган қилич, кумушдан ясалаб, ўйма нақшлар билан безатилган катта қумғон, ҳажми 10 метрдан зиёд ёвмут гилами, беҳисоб ипак газламалар совға қилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Туркистоннинг, жумладан хонликларнинг ноёб ёдгорликлари ва буюмлари қаерда турмасин, уларни ёқтириб қолган йирик амалдорларга тортиқ қилинган. Ҳатто, кўргазмага қўйилган ҳар қандай буюм ҳам бемалол олинниб, ҳадя қилиб юборилаверган. Масалан, 1870 йили Петербургда бутунrossия мануфактура кўргазмаси таркибидаги Туркистон бўлимини томоша қилаётган императорнинг хотинига айрим буюмлар маъқул бўлади ва у хизматчиларга уларни олиб беришни буюради. Туркистон генерал-губернаторининг идора бошлиғи А.Гомзин губернаторнинг буйруги билан уларни императорнинг хотинига тақдим этади [21: 4-5].

Айни вақтда ўзбек халқи яратган маданиятга жонкуярлик билан муносабатда бўлган рус шарқшунос олими В.Вяткин ўлкадаги осори-атиқа, меъморий обидаларни таъмирлаш ва сақлашга маблағ сўраб мустамлакачи маъмуриятга мурожаат қилганида Туркистон генерал-губернатори А.Самсонов унга: «Россия ҳукуматининг манфаати нуқтаи назаридан қараганда, бу ёдгорликларни сақлаб қолиш эмас, аксинча, уларни бузиб йўқ қилиш зарур», - деб жавоб берган. Унинг адъютанти эса очиқласига: «Энг яхшиси тўрт артиллерия взводини қўйиб, бу барча эски лаш-лушларни отиб, яксон қилиш керак», деб қўшиб қўйган.

Хонликдан олиб кетилган маънавий бойликлар орасида Хива хонлари архивининг ҳам ўрни алоҳида бўлиб, унинг тақдирни ҳам ниҳоятда ачинарли бўлган. Хоразм тарихини ўрганиш ва тарғиб қилишга хисса қўшиб келаётган мутахассис К.Нуржонов олиб борган тадқиқотлар натижасига кўра, 1873 йили руслар Хивани забт этганидан сўнг маданий-маънавий меросни талон-тарож қилиш жараёнида Хива хонлари архиви ҳам олиб кетилган ва у Санкт-Петербург кутубхонасига келтирилгач, қарийб 50 йил давомида ҳар қандай эътибордан

четда қолган экан. 1936 йилдагина рус шарқшуноси П.Иванов Ленинграддаги Салтиков-Шчердин номли халқ кутубхонасининг каталог ва расмий фондларида қайд этилмаган Хива хонларининг архивини топишга муваффақ бўлади [22: 5].

Академик Муҳаммаджон Йўлдошевнинг ёзишича, ушбу қимматли тарихий манба 1873 йили Тошкентга келтирилган. Хива сафарида рус қўшинлари билан бирга бўлган шарқшунос А.Кун саройдаги қўлёзма ва архив ҳужжатларининг мазмуни билан шахсан танишгач, генерал-губернатор Кауфман номига маҳсус мактуб йўллаган ва ушбу архивни Россия ФАНИНГ Осиё музейига ва Санкт-Петербургдаги халқ кутубхонасига жўнатишни сўраган. Натижада ўша архив 1876-1882-йиллари марказга жўнатилган. Хива қўлёзмаларини ўрганиб, марказга жўнатиш ишларида «жонкуярлик» кўрсатган А.Кун Хива халқи ишончига кириб ҳатто Искандар тўра номини ҳам олган эди.

П.Иванов эса ўзининг 1940 йили эълон қилинган «Архив хивинских ханов» номли фундаментал асарида Баёний ва А.Кун кўрсатган маълумотлардан ўн ҳисса ортиқ, яъни 3000 нусха китоб, ҳар бири 90 варақлик катта форматли рус дафтарига битилган Хива архив материаллари топилганини қайд этиб ўтади.

П.Иванов ва М.Йўлдошевлар излаб топган архив материаллари ҳозиргacha топилган ҳужжатларнинг бир қисми холос. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, Ўрта Осиё хонликларининг, жумладан Хива хонлигининг бебаҳо тарихий ва маданий мероси ҳисобланмиш архив материаллари ҳанузгача Оренбург, Уфа, Қозон, Москва, Санкт-Петербург қўлёзмалар фондлари, кутубхоналарида ва шахсий архивларда ўрганилмай ётганлиги аниқдир.

1870-йиллардан бошлаб ўлка халқлари орасидан Мирза Абдулла Бухорий, Мирза Барот, Мулла Абдураҳмон, Қофиз, Акромполвон Асқаров каби ўнлаб осори-атиқаларни ниҳоятда қадрловчи ва тўпловчилар етишиб чиқди. Улар Туркистон ва унинг халқлари тарихига оид қадимги тангалар,

санъат асарлари ва бошқа қўплаб турли қимматли, маҳорат билан ишланган бетакрор буюмларни йиққанлар ва эҳтиёт қилиб асраганлар. Улар тўплаган

қимматбаҳо тарихий буюмларнинг кўпчилиги, афсуски, ҳозир ҳам Эрмитажда сақланмоқда, айримлари эса қўлма-қўл бўлиб йўқолиб кетган.

Мустамлакачилар, айниқса улар орасидаги осори-атиқалар ва маданият дурдоналарининг қадрини билувчи шахслар бу ноёб ёдгорликларни эгаларидан арзимас чақаларга, арzonгаровга харид қилиб, гоҳо тортиб олиб Россияга олиб кетишган. Қуйидаги мисолга эътибор берайлик. Хоразм вилояти Шавот туманида жойлашган Бешмерган қишлоғида яшовчи Юнус эшон буванинг сўзларига қараганда, С.Толстов Абу Райхон Берунийнинг «Хоразм тарихи» китоби учун унга 50.000 сўм (1990 йил пулида 5000 сўм) ваъда қилган экан. Юнус бува бу китобни Қорақалпоғистонда яшовчи дўсти орқали топган. Лекин ушбу китобнинг С.Толстовга берилишига маҳаллий зиёлилардан бирининг қарши чиқиши туфайли китоб қорақалпоғистонлик мулланинг кўлида қолиб кетган ва ҳар қанча қидиришларга қарамай топилгани йўқ [23: 3]. Бунга ўхшаш воқеаларни кўплаб келтириш мумкин. Маданият дурдоналарига оид маълумотларнинг сўнгига яна шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, мустақиллигимиз арафаларида ва истиқлол йилларида олиб борилган изланишларнинг кўрсатишича, бу талончиликлар кейинги ўн йилликларда ҳам, яъни, шўролар даврида ҳам ўзига хос усул ва воситалар билан давом эттирилган. Қуйидаги маълумотларга эътибор берайлик. 1950-йилларда рус археологарининг Хоразм вилоятидаги қазишмалари ҳақида А.Бердимуродовнинг «Топталган мерос» китобида қуйидаги маълумотлар келтирилган: «Академик С.Толстов бошлиқ археологик экспедиция аъзоларининг яхши хизматлари билан бир қаторда кишини ранжитадиган ишлари ҳақида ҳам, яъни улар топган ноёб осори-атиқаларни Москвага олиб кетганликларини айтишимиз керак. Экспедиция аъзолари 1951-1957-йиллар давомида милоддан аввалги 4-асрларда бунёд этилган Кўйқирилган қалъа ёдгорлигини қазиганлар. Бу ерда мақбара, қаср ва доира шаклидаги икки қаватли ибодатхонани очишган. Шунингдек, сополдан ясалган остодонлар, ҳар хил

суратлар ҳамда сополга битилган қадимги Хоразм ёзуви намуналари топилган. Бу осори-атиқалар ҳозирги кунда Москва этнография институтида сақланмоқда.

Худди шундай ачинарли ҳол Тупроққалъада ҳам содир бўлган. Милодий 2-3-асрларда бунёд этилган ушбу обида Хоразмнинг энг машҳур ёдгорликларидан биридир. Бу ерда хоразмшоҳларнинг «муқаддас саройи», ибодатхона ва маъмурий биноси очилган. Бу ердан топилган турли ҳажм ва шаклдаги ҳайкаллар, кўплаб деворий суратлар ва бошқа қимматли ёдгорликлар Москвадаги бутуниттифоқ таъмираш илмий-текшириш институтида сақланмоқда».

Юқоридагилардан ташқари Хоразмнинг антик ва ўрта асрларга оид тарихидан дарак берувчи Бозорқалъа, Бургутқалъа, Аёзқалъа, Девқалъа, Қизилқалъа, Қалъақир, Тешикқалъа, Қирққизқалъа, Шоҳсанам, Қўргонқалъа ва бошқа ёдгорликлардан топилган юзлаб ашёвий далиллар, осори-атиқалар ҳам пойтахтга олиб кетилган. Буларни «маънавий мустамлакачилик» дейилса ҳам жуда юмшоқ баҳо берилган бўлади.

Мустақиллигимиз даврида, хусусан бундан буён Туркистондан, хусусан хонликлардан рус ҳамда совет истилоси даврида турли йўл ва усуслар билан талон-тарож қилинган маданиятимизнинг, маънавиятимизнинг бетакрор намуналарини излаб топиш, ўз ўрнига қайтариш, уларни яна халқимиз мулкига айлантириш масаласи шу куннинг энг долзарб муаммолари ва вазифаларидан ҳисобланади.

Хуллас, юқорида зикр қилинган мисоллардан кўриниб турибдики, маҳаллий халқнинг яшаш тарзи ва удумлари билан ҳеч қандай ҳисоблашмай, ҳар қандай йўл билан уларнинг ҳисобидан бойлик орттириш, талон-тарож қилиш мустамлакачи рус маъмурияти сиёсатининг устувор йўналишини ташкил қилас эди.

Хоразм ўқасида яшаган аждодларимиз ўтган минг йилликлар давомида яратиб кетган ўзларининг моддий, маънавий маданияти билан кейинги авлодлар

маданияти ривожи учун мустаҳкам пойдеворни барпо этдилар. Уларнинг турли соҳалар ривожига баҳишлаб турли асрлардаги ихтиrolари, кашфиётлари, яратган янгиликлари ўша даврдаёқ Хоразм номини нафақат Шарққа, балки бутун дунёга танитган эди. Бу ҳолатлар XIX аср II ярмида Рус босқинчилари Хива хонлигини ўзларига бўйсундиргандан сўнг, яъни, қарамлик даврларида ҳам ўзига хос давом этди

Шунингдек, мустамлакачиликнинг дастлабки кунлариданоқ босқинчилар Хива хонлигидан аждодларимиз томонидан бир неча асрлар, ўн йилликлар давомида яратилган моддий-маданий меросни, маданият-санъат асарларини, ҳунармандчилик буюмларини зўравонлик билан ўзлаштириб, талон-тарож қилиб олиб кетдиларки, бу ҳолатлар маданиятимиз хазинасига, меросига берилган ниҳоятда қаттиқ зарба бўлди.

Лекин, шунга қарамай хонлик аҳолиси ўз миллий қадриятларини сақлаб қола олди. Миллий анъаналар, ҳалқ ижоди, урф-одатлар, расм-русум ва удумлар, бунёдкорлик ишлари тўхтаб қолмади. Бу ҳолатлар эса қарамлик даврида ҳалқ миллий ўзлигининг сақланишига, манқуртга айланиб қолмаслигига омил бўлиб хизмат қилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Фан ва турмуш. -1991. -№9.
2. Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажараи Хоразмшохий.
3. ЎзМДА, 2681-жамғарма, 1-рўйхат 42-иш 30-варағ.
4. ЎзМДА. 2681-фонд, 1-рўйхат. 42-иш, 18-варағ.
5. ЎзМДА 1-фонд, 15-рўйхат, 389-иш. 17-варағ.
6. Содикова Н. Талон-тарож қилинган мулк // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, -1991. 19 июль.
7. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. -Т.: 2001.
8. Садыкова Н. Музейное дело в Узбекистане.

9. Кун А. Научные работы во время Хивинского похода // Турк. ведомости. -1873. -№50.
10. Лунин Б. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. -Т.: Фан, 1965.
11. Стасов В. Избр. соч. Т.І. -СПб., 1894.
12. ЎзМДА. 2681-фонд, 1-рўйхат, 42-иш, 18-варақ.
13. Стасов В. Трон хивинских ханов.
14. Историография общес. наук в Узб. Т.В. Сост. Б.Лунин. -Т.: Фан, 1974.
15. Акимушкин О., Кушев В., Мушков Н. и др. Персидские и таджикские рукописи Ин-та народов Азии АН СССР. Крат. алф. кат. -М.: Наука, 1964. -Ч.ІІ.
16. Персид. и тадж. рук. ин-та народов Азии АН СССР. Крат. алф. кат.
17. Турк. ведомости. -1895. -№64.
18. Веселовский Н. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве.
19. Худойберганов К. Хива хонлари шажараси.
20. Чабров Г. Выставочная работа в Турк. крае (1869-1916). Рук. ЦГА Уз. Ф-2681. Оп.1. д.42. л.18.
21. ЎзМДА. I-фонд, 20-рўйхат, 2952-иш. 4-5-вараклар.
22. ЎзМДА. I-фонд, 20-рўйхат, 2952-иш. 4-5-вараклар.
23. Нуржонов К. Маданиятимиз дурдоналарини излаб // Хоразм ҳақиқати. -1990. -18 янв.
24. Рўзимухаммад Г. Уйғониш аломатлари // Хоразм ҳақиқати. 1990. -23 ноябрь.

THEFT OF CULTURAL VALUES FROM THE KHIVA KHANATE

Annotation. The article provides analytical information on the looting of valuable art and cultural artifacts in the Khiva Khanate during the period of colonization by the Russian Empire.

Key words: *Khiva, Russia, art, culture, manuscripts, Mac Gahan, Nikolai Romanov, V.Vyatkin.*

КРАЖА КУЛЬТУРНЫХ ЦЕННОСТЕЙ ИЗ ХИВИНСКОГО ХАНСТВА

Аннотация. В статье представлена аналитическая информация о разграблении ценных предметов, связанных с существовавшим искусством и культурой в Хивинском ханстве в период колонизации Российской империей.

Ключевые слова: Хива, Россия, искусство, культура, рукописи, Мак Гахан, Николай Романов, В.Вяткин.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14499089>

Дилмурод Нормуродов

ЎзМУ Тарих факультети, Археология кафедраси доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ТЕШИКҚҮПРИКТЕПАНИНГ X–XII АСРЛАРГА ОИД ТАОМ ИДИШЛАРИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация: мақола Тошкент шаҳрида жойлашган Тешикқүприктепа археологик ёдгорлигидан топилиб, 1962 йилда Ўзбекистон тарихи давлат музейига топширилган 37-коллекциянинг X-XII асрларга оид кулолчилик идишларига бағишиланган. Унда кулолчилик буюмларининг сирланган ва сирланмаган турларига бўлиб тавсифланиб, мажмуадаги идишлардан қозонларнинг таомларни пиширишга, тувак ва кўзаларнинг суюқликларни ташишда ва сақлашда, коса ва пиёлаларнинг суюқлик ва таомларни тақсимлашда фойдаланганлиги хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Тошкент, Тешикқүприктепа, кулолчилик, қозон, қопқоқ, тувак, кўза, коса, пиёла, сир, ангоб.

Турли давр ва худудда яшаган аҳоли вакилларининг таомланиш маданияти билан боғлиқ айrim масалаларни ёритишда кулолчилик ашёларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Археологик тадқиқотларда йиғилган ва турли тасодифлар туфайли топилган сопол идишлар ҳам шулар жумласига киритса бўлади. Хусусан,

Тешиккўприктепадан топилган сопол идишлар мажмуасини юқоридагилар қаторига кириш мумкин.

Тешиккўприктепа Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкӯчаси бўйи (шарқи)да, “Новза” метро бекати яқинида жойлашган. Унинг “Google Earth” дастуридаги координатаси: $41^{\circ}17'10.00''\text{C}$; $69^{\circ}13'5.99''\text{B}$. Бу ёдгорлик денгиз сатҳидан 444 м баландликда ўрнашган бўлиб, у ўтмасбурчакли тўртбурчак шаклда. Ҳозирда ёдгорликнинг баландлиги 6 м.га етадиган арк қисмигина сақланган. Унинг узунлиги – 35 м, кенглиги – 22 м, майдони эса 1,57 га.дан иборат.

XX асрнинг 30-йилларида ўлкашунос Дмитрий Букинич (1882–1939) Тешиккўприктепага бир неча марта бориб, у ердан археологик ашёларни тўплаган. 1947 йили В. И. Спришевский Тешиккўприктепада археологик қазиш ишларини олиб борган [Филанович: 16]. Аммо бу тадқиқотларда қўлга киритилган маълумотлар нашр қилинмаган. 1950 йилларда ТошДУ (ЎзМУ) Археология кафедраси ходимлари археологик кузатиш ишларини олиб борганлар. 1962 йил археологлардан – Константин Шахурин ва Юрий Буряков (1934–2015)лар тадқиқот ишларини ўтказишилар. 1968 йил Тошкент археология экспедицияси, жумладан, экспедициянинг Маргарита Филанович бошқарган пайтдаги гуруҳ аъзолари томонидан текширилган. Тешиккўприктепа ва унинг ўрганилиши, топилмалари билан боғлиқ маълумотлар Маргарита Филановичнинг илмий тадқиқот ишларида қисқагина қайд этилган [Древний Ташкент: 11, 112; Древности Ташкента: 67, 116, 122; Филанович: 15–16, 181]. Тадқиқотларда Тешиккўприктепанинг 5–12-йилларга яъни, Турк хоқонлиги, Араб халифалиги босқинчилиги даври, халифаликка қарам тоҳирийлар ва нисбатан мустақил сомонийлар ва қорахонийлар бошқаруви даврига оидлиги аниқланган. Ёдгорликнинг арки алоҳида хоналарга бўлинганлиги ва қалин ташқи девор билан ўралганлиги, хом ғишт ва пахсадан қурилган яхлит иншооти бўлганлиги кузатилган.

Үрганишларга кўра Тешиккўприкпепа ўз даврида анча тараққий этган. Унинг қалъаси – марказий қисмидаги V–VIII асрларга бинолар қад қўтарган бўлиб, бу бинолар араблар босқини натижасида (VIII аср) бузилган ва ёниб вайронага айланган. IX–XII асрларда арк ва унинг теварак-атрофида ҳаёт яна тикланган. Аҳоли темирчилик, металл буюмлар тайёрлаш билан шуғулланган. Бу пайтда Тешиккўприктепа Шош (Чоч) бошқарув марказ шахри – пойтахти Бинкатга жанубдан кириб келинадиган карвон йўли бўйида жойлашган савдо-хунармандчилик масканларидан бири бўлган. XIII аср бошидаги Чингизхон бошчилигидаги юришлар чоғида у бутунлай вайронага айланган. Шундан сўнг Тешиккўприктепада ҳаёт қайтиб тикланмаган.

1962 йилда Константин Шахурин томонидан Тешиккўприктепа ва унинг теварак-атрофидан топилган жами – 81 дона сопол буюм намуналаридан ҳозирги Ўзбекистон тарихи давлат музейига топширилган. Бу ашёлар мажмууси музейнинг 37-коллекциясида сақланиб келмоқда. Мажмуудаги тадқиқотга тортилган X–XII асрларга оид кулолчилик идишлари 34 донани ташкил қиласиди. Бу ашёларни илмий тахлил қилиш уларнинг даврини аниқлаш билан бирга қандай таомларни тайёрлаш, сақлаш ёки тақсимлашда кенг ишлатилганлигига доир мулоҳазаларни илгари суришга асос бўла олади. Ушбу кулолчилик идишларини шартли равишда сирланган ва сирланмаган сопол идишлар гурухига ажратиш мумкин.

Сирланмаган идишлар. Коллекциядаги бундай идишлар қозонлар (3 дона), қопқоқлар (2 дона), кўзалар (8 дона)дан иборат. Уларнинг барчаси кулолчилик чархи ёрдамида тайёрланган бўлиб, қуидагича тавсифга эга:

Қозонлар. З дона қозонларга тегишли сопол бўлаклари бўлиб, улар қозонларнинг оғиз ва елка қисмлариdir (1–3-расмлар). Бу қозонлар лойига майдаланган оҳактош, чақмоқтош, қум (дресва), шамот қўшилган. Уларнинг пиширилгандаги ранги оч жигаррангда бўлади. Қозонларнинг сирти оқиш-бўз рангда ангобланган. Сиртида оловда қорайган дуд излари бор. Қозонларнинг

офзи ташқарига қалинлашган. Уларнинг синиқларига қараганда бирининг оғиз диаметри – 28 см (1-расм), иккинчисини – 21 см (2-расм), учинчисиники эса 20 см.ни ташкил қилган (3-расм). Қозонлардан бирининг елкасида ёйсимон тутқича бор (2-расм). Бу сопол қозонларга ясалиш техникаси, тузилиши ангобланисига кўра ўхшаш қозонлар Тошкент воҳасидаги қўплаб археологик ёдгорликлардан жумладан, Нўғойқўргон (Кўғайттепа)дан топилган ва улар X-XII юзийлликларга оидлиги аниқланган [Normurodov: II ilova. 39-rasm. № 3]. Ўхшатмаларига қараганда бундай қозонлар ўчоқда яхши ўрнашиши, оловнинг танаси бўйлаб қўпроқ тегиб, ичидаги таомни яхши ва тез пишиши инобатга олиниб таги айлана ёки овалсимон қилиб ясалган. Бу Тешиккўприктепанинг тадқиқотга тортилган қозонларини юқоридаги давр билан даврлаштиришга асос бўла олади.

Тешиккўприктепанинг X-XII асрларга тегишли қозонларининг ясалиш техникаси исикликка, оловга чидамли бўлишини таъминлаган. Бундай қозонлар ҳам қуюқ, ҳам суюқ таомларни, жумладан, сут, қайнатма шўрва кабиларни пиширишга мўлжалланган бўлиши мумкин. Улар табиийлиги билан таомларнинг таъмига салбий таъсир кўрсатмаслиги билан ҳам ажралиб туради. Буни бугунги кунда Ўзбекистоннинг турли худудларида миллий таомлар тайёрланадиган ошхоналарда “кўза шўрва” номи билан пишириладиган таомнинг жуда мазалилиги ҳам тасдиқлайди.

Қопқоқлар. 2 дона қопқоқларнинг бўлаги бўлиб, улар соф тупроқли лойдан дисксимон шаклда ясалган, сирти қаймоқрангда ангобланган. Қопқоқлардан бирининг четлари сақланмаган, устини ўртасида қўзиқоринсимон кўтарилиган тутқичи бор (4-расм). Иккинчиси эса қопқоқнинг бир чети бўлиб, устини четига яқинида айланаси бўйлаб тароқсимон асбоб билан безак берилган (5-расм). Бу идиш қопқоғининг тагида пиширилиш пайтида хумдонга идишнинг ёпишиб кетмаслиги учун тўшалган майда қум ёпишиб қолган. Бу каби ўхшаш қапқоқлар Тошкент воҳасидаги археологик ёдгорликларда олиб борилган тадқиқотиларда топилган ва улар X-XII асрларга оидлиги аниқланган. Бундай қопқоқлар

идишларни ичига турли нарсаларнинг тушиб кетмаслиги учун уларнинг оғзини ёпиб қўйишда кенг ишлатилган. Шунингдек, қопқоқлар таом пиширилаётган қозонларнинг оғзи ҳам ёпилган.

Кўзалар. Кўзаларги тегишли артифактлар 8 дона бўлиб, бу турдаги идишлар ҳам соф тупроқли лойдан кулолчилик чархи ёрдамида ясалган. Уларнинг ичида чарх айланганда ҳосил бўлган қўл бармоқларидан тўлқинсимон излари қолган. Кўзаларнинг деворини ўртacha 0,5–0,9 см қалинликда бўлиб, уларни оғиз диаметри 7,5 (9-расм), 9–10 см (10–11-расмлар)ни ташкил қиласди. Бу кўзаларни асосий қисмини сирти қаймоқрангда (6, 8-расмлар) ва қизғишрангда (13-расм), кам сондагилариники кулрангда ангобланган (7-расм). Қаймоқрангда ангобланган кўзаларнинг катта қисмини пиширигандаги ранги пишган ғишт рангидаги (6, 8, 10–13-расмлар) ва кам сонлиси кулрангда (9-расм). Кўлрангда ангобланган кўзаларнинг пиширилгандаги ранги ҳам кулранг тусга кирган (7, 9-расмлар). Синиқларига қараганда кўзалар тухумсимон, уларнинг таги дисксимон-ясси шаклда бўлган. Уларнинг оғзи ташқарисига томон кенгайган, цилиндир шаклидаги узун ёки қисқа бўйинлилари бўлган (10–13-расмлар). Айримларидаги тутқучлари ва тутқучларининг сақланган синиқларига караганда (6, IX–XII расмлар) тутқучларининг бир учи кўзаларнинг оғзи ёки бўйнига, иккинчи учи елкасига “Г” симон шаклда тик ўрнатилган. Коллекциядаги кўзаларга тегишли артифактлардан бири синиқлари елимлаб бутланган кўза, яна биттаси тагининг диаметри – 4,5 см. бўлган кўзанинг пастки қисми (6-расм), олтитаси ён ва бўйин қисмининг бўлагидир (7–9-расмлар). Кўзалардан бир гурухини сирти елка, қорин қисмларига айланаси бўйлаб бир неча қатор тўлқинсимон чизиқчалар, ёнма-ён ҳалқалар тирнаш йўли билан безатилган (7–9, 13-расмлар). Бу кўзаларга тайёрланиш техникаси, тузилиши, ангобланиши каби жиҳфлари билан бир хил ўшашлиқдаги кўзалар Тошкент воҳасидаги археологик ёдгорликлардан, Фарғона водийсидаги Ахсиент ёдгорликларидан кўплаб топилган ва улар X–XII юзийилларга оидлиги

аниқланган [*Древности Ташкента: 76. – Рис. 33:1, 33:4, 33:6, 33:8, 33:9, 33:12; Буряков: – Рис. 10, – рис. 12; Анарбаев: 427 – 484; Normurodov D. II ilova. 49:18-rasm*]. Бундай кўзалар суюқликларни ташиш, сақлаш, таомланиш пайтида ичидаги суюқликни бошқа идишларга тарқатишда кенг ишлатилган. Бежирим кўзаларнинг аксарияти шаҳарлардан, кўшқ ва қасрлардан топилишига қараганда улар дастархоннинг чиройли безатилишига ҳам ёрдам берган. Айниқса, кўзалар уларда сақланган маҳсулотларнинг табиий сақлашда, ёзниг жазирамасида салқин тутишда катта аҳамият касб этган.

Сирланган идишлар. Сирланган идишлар туваклар (2 дона), кўза (1 дона), косалар (16 дона) ва пиёла (1 дона) дан иборат. Бундай идишларнинг барчаси майин тупроқдан тайёрланган лойдан кулолчилик чархи ёрдамида ясалган. Уларнинг лойининг пиширилгандаги ранги пишиқ ғишт (оч жигар) тусда бўлиб, устидан оқиши рангдаги ангобланган. Ангобнинг устидан эса оқ, қора, қизил, сариқ, яшил, жигарранг, зайдунрангларда геометриқ, эпиграфик, ўсимликсимон безаклар берилган ва сўнг шаффофф-ялтироқ ёки оч сарғиши-ялтироқ сирланган.

Улар қуидагича тавсифга эга:

Туваклар. 2 дона сирланган тувакларнинг оғзи кенг бўлган. Улардан бири шолғомсимон шаклдаги тувакнинг бўлаги бўлиб, унинг бир учи елкасига иккинчи учи бўйнига уланган илмоқсимон бир тутқича сақланган (14-расм). Тувакнинг танаси кенг жойини диаметри – 12–13 см.ни ташкил қиласи. Синиғига қараганда сақланган тутқичига қарама-қарши томонида иккинчи тутқичи бўлган. Унинг сирти қизғиши рангда ангобланиб, кўзли – оқ-сарғиши доира ўртасига оқ хол қўйилган безаклар билан безатилган. Безак устидан сиртига шаффофф-ялтироқ сирланган. Бу тувакка нисбатан ўхшаш бўлган тувак Тошкент шаҳрининг Кўкча маҳалласида олиб борилган қазишмада топилган ва унинг 10-асрга оидлиги аниқланган [*Ильясова: 69. № 39*]. Булардан ташқари тайёрланиш техникаси жиҳатидан билан бир хил ўшашликдаги, аммо безалиши бироз фарқланадиган буюмлар – коса, тувак, чироқлар Тошкент воҳасидаги бир

қанча археологик ёдгорликлардан топилган ва улар X-XII юзийилларгача оидлиги аниқланган [Ильясова: 187. № 116, 272. № 237, 355. № 314, 356. № 315, 572–575].

Иккинчиси овалсимон шаклдаги тувакнинг елка ва бўйнига ўтиш жойи бўлаги бўлиб, унинг сирти оқиши рангда ангобланиб, қорамтири рангда тиккасига тарам-тарам бўялган ҳамда устидан шаффофф-ялтироқ сирланган (15-расм). Тайёрланиш техникаси жиҳитидан нисбатан ўхшаш бўлган идишлар Тошкент воҳасидаги бир қанча археологик ёдгорликлардан топилган ва улар X-XII асрларга оидлиги аниқланган [Ильясова: 187. № 116, 272. № 237, 355. № 314, 356. № 315, 572–575]. Юқоридагилар тадқиқотга тортилган сирли тувакни X-XII асрлар билан саналашга асос бўла олади. Сирланган кўзалар юқорида қайд қилинган сирланмаган кўзаларга нисбатан қадрлироқ ҳисобланган. Бундай сирли тувакларлардан ўзига тўқ хонадон эгалари асосан меҳмон кутиш пайтларида фойдаланилган бўлиши мумкин. Уларнинг кам сонлилиги бунга ишора беради.

Кўза. Ягона ашё сирланган кўзанинг бўйнидан тепа қисми бўлиб, у яшил рангда сирланганлиги билан сирсиз туваклардан фарқланади (16-расм). Унинг дисксимон ташқарига кенгайган ясси тагини диаметри – 7 см.ни ташкил этган. Бир учи елкасига иккинчи учи бўйнига уланган илмоқсимон бир тутқичча бўлган. Аммо тутқичи сақланмаган. Бу кўзага тайёрланиш техникаси жиҳитидан нисбатан ўхшаш бўлган идишлар Тошкент воҳасидаги бир қанча археологик ёдгорликлардан топилган ва улар XI-XII асрларга оидлиги аниқланган [Ильясова: 187. № 116, 272. № 237, 355. № 314, 356. № 315, 572–575]. Сирланган кўза ҳам сирли туваклар каби зарур ҳолларда кенгроқ ишлатилган бўлиши мумкин.

Лаган. 1 дона лаганнинг ёни бироз қияланган (17-расм). Ичига қора, жигаррангда безак (ёзув), яшил рангда доғ туширилган. Синиғидан қараганда оғиз диаметри 31 см бўлган. Тайёрланиш техникаси, тузилиши, бўялиши каби жиҳитлари билан бир хил ўшашлидаги идишлар Тошкент воҳасидаги

археологик ёдгорликлардан кўплаб топилган ва уларнинг X–XI асрларга оидлиги аниқланган [Ильясова: 598].

Косалар. Бу турдаги идиш намуналари 16 донадан иборат (18–33-расмлар). Косаларнинг конссимон (18–20, 26, 33-расмлар) ёки ярим шарсимон (21–24, 27-расмлар) шакллари бор. Уларнинг аксариятини таги ҳалқа шаклида кўтарилиган (таг диаметри – 9 см (22-расм), 10,7 (23-расм) см), кенг оғизининг диаметри 19 см (29–31-расмлар), 21 см (19-расм), 22 см (24-расм), 24 см (32-расм), 26 см (20–21-расмлар), 27 см (18-расм), 29 см (25-расм), 33 см (26-расм) гачани ташкил қиласи.

Косаларнинг бир гурухи зайдунрангдаги бўёқ билан баргли ўсимлик (гул) (18-расм), учбурчаксимон безаклар, тўқ жигаррангдаги ҳалқалар зайдун рангда “з” шаклида (19, 26, 33-расмлар) безаклар, палма баргли ўсимлик шаклидаги безаклар (21-расм), қорамтири ва қизғиши рангда ўртасидан оғзига томон кенгайиб борган гул ўрами (буклет) шаклидаги безаклар берилган ҳамда араб ҳарфларида ёзув ёзилган. Улардан биридаги эпиграфик безакда ал-йумн (*al-yumn* – “الْيَمْنُ”) деган ёзув бори (30-расм). Косаларнинг тайёрланиш техникаси, тузилиши, бўялиши каби жиҳитлари билан бир хил ўшашиликдаги идишлар Тошкент воҳасидаги кўплаб археологик ёдгорликлардан жумладан, Тошкент (Бинкат) шахридан, Банокат-Шоҳрухиядан топилган ва улар X–XI-асрларга оидлиги аниқланган [*Культура и искусство древнего Узбекистана: 182. № 715; Брусянко: 72–73. табл. 45:3; Ильясова: 93. № 63, 573. № 482; Normurodov: II ilova. 49:18-rasm.*]. Айримлари (20, 21, 27-расмлар) айнан, X асрга оид палма барглилари ва араб ҳафдаги ёзувлилари билан бир хилди [Ильясова: 114. № 109]. Тўпгуллилари (22-расм) ва эпиграфик безаклиларининг бир қанчаси (30-расм) XI асрга оид идишлар билган бир хилда [Филанович; Ильясова: 296–313, 507–512]. Бу косалар ўз вазифасига кўра асосан суюқ таомларни солишга мўлжалланган. Косаларда нафақан тоам тарқатилган, балки улар дастурхонга кўрк ҳам бериб турган.

Пиёлалар. 1 дона пиёла синифи бўлиб, бу пиёланинг тузилиши конуссимон, пастдан тепага кенгайган, таглиги ҳалқа шаклида кўтарилиган (34-расм). Пиёлани юзасига зайдунрангдаги бўёк ёрдамида ичига баргли гул ва гул ораларига қизил рангда бўяқли тасвир, сиртирилган оғзидан пастига айланасига зайдун рангда “*з*” шаклидаги ва нуқта кўринишидаги безак берилган. Таги ва тагига яқин ерларидан ташқари ерлари оч сарғиш тиник сир берилган. Унинг бўйи – 4,4 см, оғиз диаметри – 13 см, таг диаметри – 4 см. Тайёрланиш техникаси, тузилиши бўялиши каби жиҳитли билан бир хил ўшашликдаги идишлар Тошкент воҳасидаги кўплаб археологик ёдгорликлардан жумладан, Тошкент шаҳридан, ва Банокат-Шоҳрухиядан кўплаб топилган ва улар XI асрга оидлиги аниқланган [Брусенко: 72–73. 47. табл. 34: 9, 2, табл. 39: 5, табл. 40: 4, 3; Ильясова: 93. № 63, 364. № 323, 365. № 324].

Юқоридагилар нафақат Тешиккўприктепа аҳолисининг X–XII асрлардаги тоамларни пишириш, суюқликларнинг ташиш, сақлаш, тарқатиш масалаларини, ошхонада, кундалик ва маросимларда сирланган ҳолда сирланмаган бежирим кулолчилик буюмларидан кенг фойдаланганликлари хусусида фикр юритишга асос бўлиб хизмат қиласи. Идишлардаги безаклар ўша даврдаги аҳолининг эстетик дунёқарашлари ҳақида тасаввур доираларни кенгайтиради.

Адабиётлар:

1. Normurodov D. Toshkent vohasining qadimgi va o‘rta asrlar davri moddiy madaniyati tarixi (mil. avv. XIII – milodiy XIII asrning boshlari). Toshkent. 2023.
2. Анарбаев А. Ахсикет – столица древней Ферганы. – Ташкент, 2013.
3. Брусенко Л. Г. Глазурованная керамика Чача IX–XII веков. Ташкент. 1986.
4. Буряков Ю. Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. – Ташкент, 1982.
5. Древний Ташкент. – Ташкент, 1973.
6. Древности Ташкента. – Ташкент, 1976.

7. Ильясова С. Р., Ильясова Дж. Я., Имамбердыев Р. А., Исхакова Е. А. “Нет блага в богатстве...”. Глазурованная керамика Ташкентского оазиса IX–XII веков. Москва. 2016. 598 с.
8. Культура и искусство древнего Узбекистана: Каталог выставки. В 2-х кн. – Москва. 1991.
9. Филанович М. И. Ташкент: зарождение и развитие города и городской культуры. – Ташкент, 1983.
10. Буряков Ю. Ф., Қосимов М. Р., Ростовцев О. М. Тошкент областининг археологик ёдгорликлари. – Тошкент. 1975. 45-бет.



А



Б

1-расм. Сопол қозон. А) сиртини кўриниши; Б) ичини кўриниши.




А




Б

2-расм. Сопол қозон. А) сиртини кўриниши; Б) ичини кўриниши.



3-расм. Сопил қозон. А) сиртини күриниши; Б) ичини күриниши.



4-расм. Сопол қопқок. А) устидан күриниши; Б) ёнидан күриниши.



5-расм. Сопол қопқок. А) устидан күриниши; Б) остидан күриниши.




б-расм. Кўзанинг пастки қисми. А) ёнидан кўриниши; Б) остидан кўриниши.



7-расм. Кўзанинг ён бўлаги. А) сиртини қўриниши; Б) ичини қўриниши.



8-расм. Кўзанинг бўлаги. А) сиртини кўриниши; Б) ичини кўриниши.



9-расм. Кўзанинг бўлаги. А) сиртини кўриниши; Б) ичини кўриниши.



10-расм. Кўзанинг бўлаги. А) сиртини кўриниши; Б) ичини кўриниши.



11-расм. Кўзанинг бўлаги. А) сиртини кўриниши; Б) ичини кўриниши.



12-расм. Кўзанинг бўлаги. А) сиртини кўриниши; Б) ичини кўриниши.



13-расм. Кўзанинг бўлаги. А) сиртини кўриниши; Б) ичини кўриниши.



14-расм. Сирли сопол тувак. А) сиртини кўриниши; Б) ичини кўриниши.



А



Б

15-расм. Сирли сопол тувак. А) сиртини кўриниши; Б) ичини кўриниши.



А



Б

16-расм. Сирли сопол кўза. А) сиртини кўриниши; Б) тагининг кўриниши.



А



Б

17-расм. Лаган бўлаги. А) ичини кўриниши; Б) сиртини кўриниши.



18-расм. Лаган бўлаги. А) ичини кўриниши; Б) сиртини кўриниши.



19-расм. Лаган бўлаги. А) ичини кўриниши; Б) сиртини кўриниши.



20-расм. Лаган бўлаги. А) ичини кўриниши; Б) сиртини кўриниши.



21-расм. Лаган бўлаги. А) ичини кўриниши; Б) сиртини кўриниши.



22-расм. Лаган бўлаги. А) ичини кўриниши; Б) сиртини кўриниши.



23-расм. Лаган бўлаги. А) ичини кўриниши; Б) сиртини кўриниши.



24-расм. Лаган бўлаги. А) ичини кўриниши; Б) сиртини кўриниши.



25-расм. Лаган бўлаги. А) ичини кўриниши; Б) сиртини кўриниши.



26-расм. Лаган бўлаги. А) ичини кўриниши; Б) сиртини кўриниши.



27-расм. Лаган бўлаги. А) ичини кўриниши; Б) сиртини кўриниши.



28-расм. Лаган бўлаги. А) ичини кўриниши; Б) сиртини кўриниши.



29-расм. Лаган бўлаги. А) ичини кўриниши; Б) сиртини кўриниши.



30-расм. Лаган бўлаги. А) ичини кўриниши; Б) сиртини кўриниши.



31-расм. Лаган бўлаги. А) ичини кўриниши; Б) сиртини кўриниши.



32-расм. Лаган бўлаги. А) ичини кўриниши; Б) сиртини кўриниши.



33-расм. Лаган бўлаги. А) ичини кўриниши; Б) сиртини кўриниши.



34-расм. Лаган бўлаги. А) ичини кўриниши; Б) сиртини кўриниши.

SOME REMARKS ON THE 10TH–12TH CENTURY DINING Crockery FROM TESHIKKOPRIKTEPA

Abstract: which is located in Tashkent city, it was finded in archalogic heritage of Teshikkopriktepa, in 1962, it was given to The State Museum of History of Uzbekistan that is in 10th-12th century, it describes the glazed and unglazed types of pottery, and comments on the use of cauldrons for cooking, tuvak and kuza for transporting and storing liquids, and spit for deal out foods and products.

Keywords: Tashkent, Teshikkopriktepa, ceramics, cauldron, lid, pot, jug, cup, bowl, glaze, engobe.

НЕКОТОРЫЕ ЗАМЕЧАНИЯ О СТОЛОВЫХ ПОСУДАХ ТОШИККО-ПРИКТЕПЫ X-XII ВЕКА

Аннотация: статья посвящена керамическим сосудам X–XII веков из 37-й коллекции, которая была найдена на археологическом памятнике Тешиккуприктепа в городе Ташкенте и передана Государственному музею истории Узбекистана в 1962 году. В нем были представлены керамические изделия как глазурованного, так и неглазурованного типа, что отражало использование казанов в комплексе для приготовления блюд, горшков и кувшинов для транспортировки и хранения жидкостей, а также чаш (пиялушек) и плошек (касушек) для раздачи жидкостей, и блюд.

Ключевые слова: Ташкент, Тешиккоприктепа, керамика, казан (котёл), крышка, горшок, кувшин, чашка, чаша, глазурь, ангоб.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14499148>



Ойбек Рашидов

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
профессори, тарих фанлари доктори (DSc),

E-mail: olamgir.1982@mail.ru

ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ ВА ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИНИ ЎЗБЕКЛАШТИРИШ СИЁСАТИ

Аннотация. Мазкур мақолада совет ҳокимияти даврида Ўзбекистондаги бошқарув структурасидаги давлат идораларининг ўзбеклаштириш сиёсати хусусида муҳим маълумотлар келтирилган. Давлат ва жамоат арбоби Файзулла Хўжаев ва бир гурӯҳ миллий етакчилар давлат идораларини ўзбеклаштириш борасида ибратли ишларни амалга оширганлиги, шунингдек, ўзбек тилида иш юритилиши, маҳаллийлаштириш комиссияси ташкил этилиши, ҳукumatнинг қуи ва юқори бошқарув органларига тубжой миллат вакиллари жалб этилганлиги билан боғлиқ муҳим жиҳатлар чуқур таҳлил этилган.

Калит сўзлар: большевик, совет, маҳаллийлаштириш, ўзбеклаштириш, мусулмонлаштириш, коммунист, миллий сиёсат, миллатчилик, ўзбек интеллигенцияси, шовинизм, тоталитар.

Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларда миллий республикалардаги бошқарув тизимиға ерли кадрларнинг жалб этилмаганлиги ва маҳаллий тилларда иш юритилмаганлиги сабабли қатор муаммолар юзага келди. Бунинг олдини олиш максадида большевиклар томонидан давлат идораларини маҳаллий аҳолига яқинлаштириш режаси ҳисобланган “маҳаллийлаштириш” сиёсати ҳаётга тадбиқ этилди. Совет мафкурасига хизмат қиласидан маҳаллий кадрларга эҳтиёж туғилганлиги сабабли туб аҳолидан коммунистлар тайёрлаш ва уларга ўз она тилисида таълим олиши ҳамда иш юритишига рухсат берилиши лозим бўлди.

Совет ҳокимиятининг давлат идораларини маҳаллийлаштириш сиёсати бошқа миллий республикалар сингари БХСРда ҳам ҳаётга тадбиқ этилди. 1923 йилнинг августида БХСР Марказий Ижроия Комитети ҳузурида маҳаллийлаштириш комиссияси тузилди. Аксарият архив ҳужжатлари ва матбуот материаларида ушбу комиссия “Идораларни мусулмонлаштириш комиссияси”[1, 16] номи билан, баъзиларда эса “Идораларни маҳаллийлаштириш комиссияси” [2, 50] деб юритилган.

1923 йилнинг октябрида Идораларни маҳаллийлаштириш комиссияси томонидан БХСРнинг барча муассасаларига бир хил мазмундаги буйруқ юборилади. Ушбу буйруқда идораларни бошқаришда европа миллатига мансуб ходимлар ўрнини маҳаллий миллат вакиллари билан алмаштириш ҳамда иш юритишини маҳаллий тилда олиб бориш лозимлиги таъкидланади. Натижада республикада маҳаллий кадрлар салмоғини ошириш ва давлат аппаратини аҳолига яқинлаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1923 йилдан эътиборан Бухоро Коммунистик партияси марказий комиссиясининг қарори билан хукумат муассасаларини туб миллатга мансуб ходимлар билан тўлдиришга киришилди. Европалик ишчиларнинг 8 фоизи ишдан бўшатилиб, 10-15 фоизинигина раҳбарлар сифатида қолдиришга қарор қилинди.

БХСР ҳукумати ва унинг раҳбари Файзулла Хўжаев томонидан республика ҳудудидаги бошқарув ишларига мумкин қадар маҳаллий миллат вакилларини жалб қилишга ҳаракат қилинди. Ф.Хўжаев туркман, қозоқ ва тожик халқлари вакилларининг қурултойларида “давлат тузилишимизни ерлилаштиришимизга жумхуриятимизда яшовчи майдат миллат ва қабилаларнинг ҳуқуқларини қозонмоғимизга тўғри келур”, деб таъкидлаган [3, 51]. Шунингдек, унинг фикрича, БХСРда доҳилия (ички), адлия ва бошқа нозирликларда, ижроқўм идораларида куръер, дарбон, доимий мирзолар, хўжалик бўлими мудирлари, кичик мирзолар, дафтардорлар кабилар маҳаллий аҳоли вакиллари ўзбек, туркман, тожик ва қирғиз қабилардан бўлиши керак эди [4, 51].

Большевиклар томонидан 1923 йили Бухоро Коммунистик партияси таркибини “тозалаш” тадбирлари ўтказилди. Натижада янгиланган партия аъзолари таркиби 35 фоиз деҳқонлар, 13,5 фоиз ишчилар, 8,5 фоиз косиблар, 5 фоиз зиёлилардан ташкил топди. Бухоро Компартияси ижроия бюроси масъул котиблигига Мавлонбеков, РКП(б) нинг Бухоро Компартиясидаги муҳтор вакиллигига А.Знаменский келди [5, 283]. Шу аснода большевиклар томонидан Бухорода миллий кадрлар фаолияти қаттиқ назорат остига олинди. Совет давлати янги тузилган ёш республикани ўзининг йўриғига юритишга уриниши оқибатида қўпгина муаммолар келиб чиқди. БХСР ҳукумати раҳбари Файзулла Хўжаев ва бир гуруҳ миллий етакчилар давлат идораларини маҳаллийлаштириш борасида ибратли ишларни амалга оширдилар. Ўзбек тилида иш юритилиши, маҳаллийлаштириш комиссияси ташкил этилиши, ҳукуматнинг қуий ва юқори бошқарув органларига тубжой миллат вакиллари жалб этилганлиги бу борадаги амалий қадамлар бўлди.

Ўзбекистон ССР ташкил топиши арафасида ва ундан кейинги дастлабки йилларда давлат идораларини маҳаллийлаштириш борасида ечимини кутаётган муаммолар талайгина эди. Ўзбекистон ССР Инқилобий қўмитасининг 1924 йил 31 декабрда собиқ Бухоро ва Хоразм Республикаларидаги барча ташкилотларда,

шунингдек, Ўзбекистон ССР бўйича ҳамма волост ташкилотларида иш юритиши маҳаллий миллат вакиллари тилига ўтказиш тўғрисида”ги 48-рақамли қарори қабул қилинган [6, 9]. Бунга биноан маҳаллийлаштириш комиссияси Ўзбекистон Инқилобий Қўмитаси хузуридаги “Давлат аппаратини маҳаллийлаштириш Комиссияси” деб номланди.

Ўзбекистон ССР ташкил топган дастлабки йилларда ҳукумат олдида маҳаллийлаштириш борасида тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этиш ҳамда мазкур соҳани ижобий томонга йўналтириш каби муҳим вазифалар турар эди. Даставвал давлат идораларида иш юритиши маҳаллий тилларда олиб бориш борасида қатор тадбирлар амалга ошириш лозимлиги белгиланиб олинди. Жумладан, 1926 йил 2 ноябрда Ўзбекистон МИК Президиуми котибияти 60-рақамли буйругининг 4-моддасида қўйидагича келтирилди: “Иш юргизиши ерлилаштириш, яъни русча ва ўзбекча тилда қўйиш хусусидаги бир неча маротаба такрорланган қарорлар ва текширишларни ташкил этиб, Ўзбекистон ССР МИК бутун шўъбаларга ҳамда марказий ижроия қўмитаси хузуридаги комиссиянинг масъул котиблари ушбу кундан эътиборан Марказий ижроия қўмитасидан ўзбекча таржима қилинмаган рус тилидаги ёзишмаларнинг бирор донаси чиқмаслиги таъминлансин. Марказий ижроқўм умумий шўъбасининг дафтари (регистрация)га тегишли бўлган почталар таржима қилинмаган ҳолда маълум қилинмасин” [7, 4]. Мазкур тадбир давлат идораларини маҳаллийлаштириш тизимида фақат иш юритиш билан белгиланиб, бошқарувда маҳаллий ходимларнинг салмоғи масаласи эътибордан четда қолганлигини кўрсатади.

1927 йилда Давлат аппаратини маҳаллийлаштириш комиссияси қайта тузилиб, Сафоев раҳбарлигига “Ўзбеклаштириш марказий комиссияси”га айлантирилди [8, 127]. Давлат идораларини маҳаллийлаштириш масаласи большевиклар миллий сиёсати тарғиботчиси саналган коммунистик партия съездларида ҳам кун тартибига қўйилган. 1927 йил 16-24 ноябрда Самарқандда

бўлиб ўтган Ўзбекистон Коммунистик партиясининг III съездида маҳаллийлаштириш масаласи кенг муҳокама қилинган ҳамда “Давлат аппаратини миллийлаштириш ва ерли миллат ишчиларини ишлаб чиқаришга жалб қилиш тўғрисида”ги қарор [9, 238] қабул қилинган.

Ўзбекистон ССР дастлабки йилларда ҳукумат раҳбари Файзулла Хўжаев кадрларни тайёрлаш олдида турган муҳим вазифалар ҳақида сўзлаб, шундай деган эди: “Совет қурилиши ишларидаги яна бир заиф томонимиз шуки, у ҳам бўлса, совет ўзбеклаштириш ишидир. Марказий совет аппаратида ўзбеклар фоизи нисбатан оз, область аппаратлари кўпроқ ўзбеклашган бўлса ҳам, лекин бу аппаратда ҳам ўзбеклаштириш даражаси етарли эмас. Ўзбеклаштириш кўнгилдагидек ўтказилмаётганлигининг сабаби шуки, аҳолининг маданий савияси паст ва аҳоли орасида маҳсус тайёргарликка эга бўлган кишилар деярли бутунлай йўқ” [10, 309].

Ф.Хўжаев давлат идораларини Ўзбеклаштириш ишларини ижобий томонга буриш ва бу борада олиб борилаётган ишларга танқидий баҳо бериб, шундай таъкидлаган: “Ўзбеклаштириш сўзда эмас, амалда ўтказилиши, совет аппарати оммага яқин бўлиши, майда миллатларнинг манфаат ва ҳуқуқларига хизмат кўрсатиши лозим. Соет аппаратининг барча кераксиз бўғинларини, унинг ҳаддан ташқари кенгайиб кетган қисмларини тугатиш, қаттиқ иқтисодий тежашни жорий қилиш бюрократизм, сансоларлик билан ҳамда алоҳида чиновникларча лоқайд муносабатда бўлиш билан қураш олиб боришни лозим бўлган юксакликка кўтариш керак. Инқилобий қонунчиликни энг узоқ бурчакларда ҳам жорий қилиш ва ҳамма жойда, ҳамма ерда унга оғишмай амал қилиш лозим” [11, 310].

Маҳаллийлаштиришнинг сиёсий мақсадлари унинг иқтисодий унумдорлигига мувофиқ келмасди. Чунки у таржималар билан таъминлаб берадиган, маҳаллий халқни янги ишлар билан таништирадиган ва европаликларга маҳаллий тилларни ўргатадиган маҳсус ёлланувчи шахсларга

эҳтиёж сезарди. Маҳаллийлаштиришга янги иқтисодий сиёсатнинг кириб келиши сифатида қаралиб, кўпгина харажатлар маҳаллий бюджетта юкланган эди. Ерли аҳоли аъзолари иш ўрганувчи сифатида ёлланиб, уларга кам ҳақ тўланган. Иқтисодий улуш борасидаги тортишувлар ишчилар меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келарди – бу эса ўз-ўзидан маҳаллийлаштиришга қарши ҳаракатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўларди. Бу асосан кичик саноатлашган секторларда хукмронлик қиласидан европалик ишчилар томонидан амалга оширилган[12, 166]. 1928 йил 31 майда Бирлашган Давлат сиёсий бошқармаси (ОГПУ) томонидан Бутуниттифоқ Коммунистлар (большевиклар) партияси Марказий Комитетига юборилган Ўзбекистондаги сиёсий кайфият тўғрисида маълумотлар берилган “Ўзбек интеллигенцияси орасида шовинизмнинг ривожланиши ва ўсиши ҳақидаги агентуранинг ҳужжатли маълумотлари” номли ҳисоботда маҳаллийлаштириш, панўзбекизм, антисовет тарғиботи ва бошқа масалалар кўриб чиқилади. Бунда миллий манфаатларни ҳимоя қилиб чиқсан ватанпарварларнинг маҳаллийлаштириш сиёсатининг бир ёқлама олиб борилаётганлиги ҳақидаги фикрлари келтирилган. Жумладан, Мунаввар Қори Абдурашидхонов: “Европаликларнинг ўzlari маҳаллийлаштириш ғоясини ўzlari инкор қилишади: маҳаллий ходимларни лавозимларга тайинлашади, лекин “мос эмас” деб уларни тез ҳайдашади, миллий кадрларни тайёрлашмайди. Билимли инсонлар “идеология” сабабли четлаштирилади, русларга эса ҳеч қанақа тўсиқ қўйишмайди” [13, 575].

Маҳаллийлаштириш ишлари етарлича назорат қилинмаганлиги ва баъзи европа миллатига мансуб раҳбарларнинг эътиборсизлигини оқлаш мақсадида Россия коммунистлар партияси Ўрта Осиё бюросининг бошлиғи Зеленский шундай деган эди: “Кўп ўртоқлар маҳаллийлаштириш деганда бутун идора ишларини ерли халқа топшириш деб, ёки уларнинг хукумат аппаратида миқдорига муносиб суратда қатнашишлари деб англайдилар. Бу усулда маъно бериш миллий шовинизм қўринишидан бошқа нарса эмас. Маҳаллийлаштириш

хукумат аппаратини ерли халқ манфаатига яқинлаштиришдан бошқа нарса әмас. Бу яқинлаштиришга руслар томонидан ерли халқ тилини ўрганиш йўли билан ҳам эришиш мумкин” [14, 8]. Демак, совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда юритган миллый сиёсатида янги ҳисобланган давлат идораларини маҳаллийлаштириш масаласи ҳам большевиклар фойдасига хизмат қилиши белгиланган эди.

1928 йил 11 декабря СССР МИК IV сессияси йиғилишида Ш.Элиава Ўзбекистон ССРда фаолият юритаётган маҳаллий кадрлар фаолиятига ишончсизлик билдириб, четдан русийзабон кадрларни олиб келишни қун тартибига кўяди. Унинг сўзига кўра “Ўзбекистон Республикасида ишчи пролетариати йўқ. Ўзбекистонда пролетариат – бу жуда ноаниқ категория... У ерда малакали ишчилар йўқ. Агар у ерда шундай ишчиларнинг бўлишини истасак четдан рус ва украинлардан кўпроқ кадрларни олиб боришимиз керак”[15, 358] дейди. Ўзбекистон ССРда давлат идораларини маҳаллийлаштиренинг уч йиллик режаси асосида ерли миллатга мансуб кадрлар тайёрланаётган бу пайтда юқоридаги таклиф мантиқсиз кўринарди. Аммо, илгаригидек Россия, Украина ва бошқа совет республикаларидан Ўзбекистон ССРга “тажрибали” кадрлар мунтазам жўнатилиб турилди.

Бу ҳақда хорижда яшаган муҳожир туркистонликлар томонидан нашр этилган “Yaş Türkistan” журналида қўйидаги маълумот келтирилади: “Ер ишлари халқ комиссарлиги Россия ва Українанинг юксак мактабларидан 170 талаба билан маҳда (шартнома – О.Р.) тузди. Бу талabalар мактабларини битиргач, Ўзбекистонга узоқ муддат ишлаш учун келажаклар... Бу йил маҳда қилинган талабаларнинг таъминоти учун 120 минг сўм берилган. Таъминот киши бошига ойига 50 сўм билан 120 сўм орасида таъмин этилган...” [16, 9].

Файзулла Хўжаев маҳаллийлаштириш сиёсатида йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида 1931 йил 20 февралда Бутун Ўзбек Советлари IV қурултойининг 1-мажлисида киноя билан шундай деган эди: “Биз марказий

органларнинг ёишмалари дехқонларга етиб бормаяпти, деб тез-тез нолиймиз. Ахир рус тилида ёзилган бу хужжатлар дехқонларга қандай етиб борсин, ҳалиям дехқонлар ўзбек тилида гаплашишса. Мана, бизда маҳаллий кадрлар масаласи қанчалик оғир бўлиб турибди. Бунинг устига худди мана шу жабҳада биз улуғрус давлатчилиги шовинизмининг қаттиқ қаршилигига дуч келяпмиз. Шовинистлар ҳали ҳам чекинишни хоҳламаяптилар, эгаллаб олган марраларини топширганлари йўқ” [17, 52].

1931 йил 11 декабря СССР Марказий Ижроия Комитети Президиумининг “ЎзССР аппаратини ўзбеклаштириш тўғрисида”ги қарори [18, 46] чиқди. Ушбу қарорнинг кириш қисмида Ўзбекистон ССРнинг ўзбеклаштириш комиссияси фаолияти кескин танқид қилинди. Қарор қисмида эса республиканинг барча муассаса ҳамда ташкилотлари биринчи ўринда қисқа муддатда давлат аппаратини маҳаллийлаштириш ва иш юритишни ўзбек тилига ўтказиш ишини яқунлаши лозимлиги таъкидланди [19, 46].

1932 йил 5 январда Ўзбекистон Компартияси МКнинг давлат аппаратини ўзбеклаштириш масаласи бўйича қарори қабул қилинди. Бунда ўзбеклаштириш соҳада ишчилар, колхоз (жамоа хўжалиги дехқонлари), камбағал ва ўртаҳол дехқонлар оммаси ташаббускорлигини ошириш асосида эришилган маълум ютуқлар қайд қилинди. Чунончи, республика муассасалари бўйича ўзбеклаштириш ўртacha фоизи охирги йилда 28,3 фоиздан 47,7 фоизга ошганлиги таъкидланган. Шунингдек, Маориф ҳалқ комиссарлиги ўз фаолиятини тўлалигича ўзбек тилига ўтказганлиги, туман идораларини маҳаллийлаштириш ва ўзбеклаштириш бўйича сезиларли даражада ишлар қилинганлиги алоҳида қайд этилган [20, 1].

Бироқ Ўзбекистон Компартияси МК ушбу ютуқларнинг мутлақо етарли эмаслигини қайд қилди. Мехнаткашлар оммаси билан чамбарчас боғлиқ қатор ҳалқ комиссарликлари, муассасаларда (Ўзбекбирлашув ва б.) ўзбеклаштириш суръатлари қониқарли эмаслиги, баъзи муассасалар (ЎзССР МИК, ХКС,

Милиция бош бошқармаси) бўйича эса пасайиб бораётганлиги таъкидланди. Бу билан боғлиқ равишда ЎзССР МИК ва унинг ҳузурида тузилган Марказий ўзбеклаштириш комиссиясининг ўзбеклаштириш соҳасида олиб бораётган ишлари суст эканлиги таъкидланган [21, 1].

Юқорида келтириб ўтилган камчиликлар бўлишига қарамай Ўзбекистон Компартияси МК республикада давлат идораларини ўзбеклаштириш ишларини 1933 йилнинг 1 апрелидан бошлаб тўхтатиш тўғрисида 127-рақамли қарорни қабул қилган.

Хулоса қилиб айтганда, большевикларнинг Ўзбекистон ССРда давлат идораларини маҳаллийлаштириш сиёсатида республикадаги кўп сонли миллатларнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий ҳаётини Марказ манфаатларига бўйсундирилишида яққол кўринди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида европалик русийзабон ходимлар учун яратилган имкониятлар маҳаллий миллат вакиллари учун жорий этилмади. Ўзбекистондаги совет партия ва хўжалик раҳбарлари Марказ буйруқларини бажаришга мажбур қилинди. Натижада миллий етакчилар бундай шароитда миллий масалада адолатли ва холис сиёsat юритишида ожиз қолиб, большевиклар партиясининг ижро чиларига айланишиди. Давлат идораларини маҳаллийлаштириш жараёнида Марказдан жўнатилган “тажрибали” кадрлар ва русийзабон раҳбар ходимлар томонидан қанчалик тўсқинликлар бўлишига қарамасдан миллий кадрлар соҳани ижобий томонга силжитиш учун астойдил курашдилар. Ўзбекистонда давлат идораларини маҳаллийлаштириш ишларидаги муаммоларни бартараф этишда Файзулла Хўжаевнинг ўрни бекиёсдир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 474-йиғма жилд, 15,16-варақлар,16-варақ орқаси.
2. Ўзбекистон Миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 474-йиғма жилд, 24,42,50-варақлар.
3. Ҳайитов Ш, Бадриддинов С. Бухоро тарихидан лавҳалар (XIX-XX асрлар) – Бухоро. 2007. – Б-51.
4. Ҳайитов Ш, Бадриддинов С. Бухоро тарихидан лавҳалар (XIX-XX асрлар) – Бухоро. 2007. – Б-51.
5. Наимов Н. Мен яшашни истайман! Роман-хроника. – Бухоро: “Бухоро”, 1994. – Б.283.
6. Ўзбекистон Миллий архиви, Р-87-фонд, 1-рўйхат, 10-йиғма жилд, 9-варақ.
7. Ўзбекистон Миллий архиви, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 3654-йиғма жилд, 4-варақ.
8. Норжигитова Н. XX асрнинг 20 – 30 йилларида Ўзбекистонда сиёсий элитанинг миллий таркиби. “Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон” мавзусидаги илмий – амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2003. – Б.127.
9. Ўзбекистонда XX асрнинг 20-30 йилларидағи сиёсий ва ижтимоий жараёнлар (Архив ҳужжатлари ва бошқа материаллар асосида). Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи: Қ.Ражабов. – Тошкент: “Navro’z”, 2014. – Б. 224-238.
10. Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. II том. – Тошкент: “Фан”, 1978. –Б.309.
11. Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. II том. – Тошкент: “Фан”, 1978. –Б.309-310.

12. Adeeb Khalid. Making Uzbekistan. Nation, Empire and Revolution in the Early USSR. – London.: Cornell University press, 2015. –P.166.
13. ЦК РКП (б) – ВКП (б) и национальный вопрос. Кн. 1. 1918-1933 гг. Сборник документов. Составители: Л.С.Гатагова, Л.П. Кошелева, Л.А. Роговая. – Москва.: РОССПЭН, 2005. – С. 575.
14. Жунай. Туркистанда ерлилаштириш // “Yaş Türkistan”. 1930 январь №.1. – Б.8. Нашрға тайёрловчы Ayaz Tahir. 1-cild (1-13 sayilar). – Istanbul. 1997.
15. Мустафа Шоқай. Шығармаларынын толық жинағы. 12 томдық. Т. IX. – Алматы: «Дайк-Пресс», 2014. –Б.358.
16. Туркистанда ерлилаштириш // “Yaş Türkistan”. 1930 йил.№1. – Б.9. Нашрға тайёрловчы Ayaz Tahir. 1-cild (1-13 sayilar). – Istanbul. 1997.
17. Ражабов Қ. Файзулла Хўжаевнинг Ўзбекистон давлатчилиги тарихида тутган ўрни / “Файзулла Хўжаев – инсон, сиёсат арбоби ва миллат фидойиси” мавзусидаги Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Бухоро,2018. –Б.52.
18. Ўзбекистон Миллий архиви, Р-86-фонд, 10-рўйхат, 4-йиғма жилд, 46-варап.
19. Ўзбекистон Миллий архиви, Р-86-фонд, 10-рўйхат, 4-йиғма жилд, 46-варап.
20. Ўзбекистон Республикаси Президент администрацияси архиви, 58-фонд, 8-рўйхат, 612-йиғма жилд,1-варап.
21. Ўзбекистон Республикаси Президент администрацияси архиви, 58-фонд, 8-рўйхат, 612- йиғма жилд,1-варап.

FAYZULLA KHODJAEV AND THE POLICY OF UZBEKIZATION OF STATE ADMINISTRATIVE SYSTEM

Annotation. This article provides important information about the policy of Uzbekization of state offices in the governance structure of Uzbekistan during the Soviet era. The fact that the state and public figure Fayzulla Khodjaev and a group of national leaders carried out exemplary work on the Uzbekization of state offices, as well as the important aspects related to conducting business in the Uzbek language, the establishment of a localization commission, and the involvement of representatives of the indigenous people in lower and higher government bodies, are analyzed in depth.

Keywords: Bolshevik, Soviet, localization, Uzbekization, Islamization, communist, national policy, nationalism, Uzbek intelligentsia, chauvinism, totalitarian.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14499034>

Xurshid Jumanazarov

Fanlar akademiyasi Tarix instituti yetakchi
ilmiy xodimi,
Tarix fanlari doktori.

E-mail: husridzumanazarov5@gmail.com

TURKISTON O'LKASIDA

HAMMOMLARNING TIBBIY VAZIFASI HAQIDA

Annotatsiya: ushbu maqolada Turkiston o'lkasida jamoat tozaligi va shaxsiy gigiena qoidalarini amalga oshiruvchi maskan hisoblangan hammomlarning xalq salomatligida tutgan o'rni yoritib berilgan. Hammomlarda tibbiy muolajalarni tashkil qilinishi, hammomda faoliyat yurituvchi hodimlarning bu borada qay darajada ahamiyat kasb etishi masalalari tahlil qilingan. Shuningdek, ayollarning hammomga borishi masalasi hamda u yerda amalga oshiriladigan marosimlarga ham alohida urg'u berilgan.

Kalit so 'zlar: hammom, parxona, xodim, vaqf, xaltador, bibixalfa, qullar, tish va qon olish muolajasi.

Kirish. Sharq mamlakatlari, jumladan, Turkiston o'lkasida hammomlar qadimdan jamoat ozodaligini saqlash hamda jamiyatda inson tozaligini ta'minlovchi maskan sifatida qadrlangan. Shu bilan bir qatorda hammomlar salomatlik asrash hamda bemorlarni davolash punkti sifatida ma'lum va mashhur bo'lgan. Ulug' hakim Ibn Sino "Tib qonunlari" asarida hammomning fazilatlari xususida to'xtalib, "... uning manfaatlari uyquni yaxshilashi, tanani toza qilishi, charchoqni oldini olishidadir"[2,35-55], – deb ta'kidlagan va aksariyat xastaliklarni davolashda hammomdan foydalanishni tavsiya qilgan. Davlat arbobi va shoir Alisher Navoiy ham o'zining "Shifoysi" va

“Safoiya” shifoxonalarini hammom bilan yonma-yon qurdirgan[11, 15]. Chunki birinchidan, sog‘liqni saqlash faoliyati shaxsiy tozalikka asoslangan bo‘lsa, boshqa tomondan esa aholi hammomlarni ham shifo maskani sifatida qabul qilgan.

Sharq mamlakatlarida jamiyatning hammomga bo‘lgan munosabati esa Herman Vamberining quyidagi fikrlarida ham yaqqol namoyon bo‘ladi: “Sharqda biror shaharning afzalligini ko‘rsatmoqchi bo‘lishsa, ishni avval uni hammomlari haqida yozishdan boshlaydi. Aksincha, shaharni yomon otliq qilishmoqchi bo‘lishsalar, bunga teskari gap tarqatadilar”[4, 98-104]. Bundan ko‘rinadiki, hududning ozodalik holati, aholining tozaligi va ayrim kasalliklarni davolash maskani sifatida qaralgan hammomlarning faoliyati shaharning bugungi til bilan ifodalaganda reytingini belgilab bergen.

Asosiy qism. Turkistonda hammomlar aholi salomatligini asrash va kasallikdan saqlanishda muhim ahamiyat kasb etgan. Shu sababli, hammomlarni qurish va ularning ishlash tartibi ham xuddi kasalxonalar kabi bo‘lgan. Aksariyat shaharlarda tashkil qilingan hammomlar shifoxonalarga yaqin yoki uning yonida qurilgan. Odatda, hammomlarning muntazam faoliyati va ozodaligini ta’minlash, binoni isitish kabi jihatlar xarajat talab qilganligi sababli ushbu mablag‘lar davlat tomonidan qoplangan. Hammomlarni qurish ham hukmdorlarning tashabbusi bilan amalga oshirilgan. Chunki, aholini salomatligi va jamiyatni pokiza saqlanishi mamlakatning tinchligi, bir maromda faoliyat yuritib turgan iqtisodiy hamda siyosiy mexanizmiga ijobiy ta’sir o‘tkazgan. Ikkinchi tomondan, jamoa bo‘lib yashash va jamoaviy an’analarga bo‘ysunib yashovchi turkistonlik aholi orasida hammomlarga doim ehtiyoj baland bo‘lgan. Ya’ni, hammom faoliyat turi, joylashgan joyiga qarab yaxshi foyda keltiruvchi moddiy resurs ham edi. Shu sababli davlat arboblari, mutasaddi shaxslarning jamoat maskanlari qatorida hammomlarni barpo etishi umumiy ehtiyojdan tashqari shaxsiy qiziqish oqibatida ham ro‘y bergen. Ana shunday hammomlardan biri Anushaxon hammomi Xivaning mashhur joylaridan biri bo‘lib, Abulg‘oziy Bahodirxon davrida, ya’ni 1657-yilda qurilgan[5, 21].

So‘ngi o‘rta asrlarda aholining tozalik bilan bog‘liq ehtiyojlari o‘sib borishi bilan hammomlarga bo‘lgan talab ham oshgan va ulardan tushadigan foyda ham ko‘paydi. Natijada, aholining boy qatlami tomonidan yangi hammomlar qurish va oldingilarini xususiy mulk sifatida xarid qilish odati kuchaygan. Jumladan, “Tarixi jadidayi Toshkand” asarida Toshkentda hammomlar xususiy bo‘lganligi va mulkdor nomi bilan atalganligi keltirilgan hamda shunday 5 ta xususiy hammom nomi qayd etilgan[10, 38]. 1884-yilda shaharda shu turdagи 11 ta hammom faoliyat yuritgan. Qo‘qon xonligida ham hammomlar shaxsiy mablag‘lar asosida tashkil qilingan. Jumladan, xonlikning markaziy shaharlaridan biri bo‘lgan Marg‘ilonda hammomlar alohida shaxslar tomonidan qurilgan. Ana shunday hammomlardan biri shahardagi Katta bozor yonida edi[9, 88] va bu hammomning joylashgan o‘rnı barcha uchun qulay bo‘lgan. Bu esa maskanda mijozlar sanoni oshirgan va natijada hammom o‘z harajatlarini qoplagan.

Hammomlarning tuzilishi qanday edi va kimlar faoliyat yuritardi?

Turkistonda uzoq davr mobaynida hammomlar nafaqat odamlarning poklanish joyi, balki aholi salomatligini saqlovchi “tibbiy muassasalar” vazifasini ham bajargan. Turkistonagi hammomlarning tuzilishi hamda rejasiga ko‘ra ham davolashga mo‘ljallangan va ixtisoslashganligini aytish jozi. Odatda, o‘lkada qurilgan hammomlar keng supalik, oldi ochiq xonali bo‘lib, u yerda uqalash va boshqa davolash muolajalari bajarilgan. Ushbu muolajani qabul qilishning ham o‘ziga xos tartibi mavjud bo‘lgan. Muolajalar mijozlar xohishi va davolash usulining mosligidan kelib chiqib, ketma-ketlikda qo‘llanilgan.

Shubhasiz, shu o‘rinda, hammomlarda kimlar faoliyat yuritganligi va davolash bilan kimlar shug‘ullanganligi borasida o‘rinli savollar paydo bo‘ladi. Mazkur savollarga javob berishdan oldin shuni ham ta’kidlash kerakki, hammomlarda maxsus tabiblik rutbasi mavjud bo‘lmagan. Chunki, hammomlarga uqalash muolajasini olish haqida tabib tavsiyasini olgan yoki ushbu davolash usulidan anchadan beri foydalanayotgan bemorlar, shuningdek, tabib ko‘rigi zarur bo‘lmagan sog‘lom

odamlar kelgan. Ya’ni, tashrif buyurgan bemorning xastaligiga hammomda shifo topish mumkinligi haqida oldindan tashxis qo‘yilgan. Shundan kelib chiqqan holda, har bir hammomda bir necha tajribali uqalovchilar va boshqa yordamchi xodimlar faoliyat olib borgan[12, 290]. E’tiborli tomoni shundaki, hammomlarda erkaklar hamda ayollar uchun alohida ishchilar bo‘lgan va ular turli nomlar bilan atalgan. Jumladan, *xodim* – uqalovchilar, *xaltador* – tanani kirdan tozalovchilar, *bibixalfa* – hammomda xotin-qizlarga xos turli kasallarni davolash bilan shug‘ullanuvchilar va boshqalar. Shuningdek, ayrim maxsus hammomlarda qo‘sishimcha ravishda giyohlardan choy tayyorlovchilar, mijozlarga yog‘, surtma dori, dorivor damlama sotuvchi – dorigarlar hamda sartaroshlar xizmati ham yo‘lga qo‘yilgan[7, 127].

Uqalovchi mijozning yoshi, salomatligi, kasalga chalingan bo‘lsa, xastalikni turi kabi holatlarni hisobga olib, muolojada qatiq, asal hamda parranda, ot, tuya yog‘idan keng foydalangan. Uqalovchilar bemorning mizozi, terisining ta’sirchanligi hamda ichki a’zolarining holatidan kelib chiqib muolaja qilgan. Xaltador va boshqa yordamchilar davolashdan ko‘ra ko‘proq badanni tozalash ishlari bilan shug‘ullangan. Shuningdek, hammomlarda ayrim muolaja xonalari bo‘lgan va tashrif buyuruvchilar sog‘lig‘idan shikoyatiga qarab ushbu xizmatdan foydalangan. Jumladan, Anushaxon hammomida uqalash xonasidan tashqari tish va qon olish ishlari ham bajarilgan[5, 21].

Hammomlarda an'anaviy ravishda maxsus giyohlar savdosi tashkil qilingan va undan giyohlardan tayyorlangan choylar ham badanni turli xiltlardan (*inson tanasida to‘planib qolgan zararli moddalar*) tozalagan. Hammomlarga tashrif buyuruvchi avval parxonada obdon terlagan va zarur hollarda giyohlardan tayyorlangan damlamalarni ichgan. Mijozni tanasi yumshab muolajaga tayyor bo‘lgach, uqalash uchun maxsus supaga taklif qilingan.

Hammomlardan foydalanish tartibi va davolash ishlari qay ko‘rinishda amalga oshirilgan?

Aynan ushbu savollarga javob beradigan bo‘lsak, avvalo, shuni ta’kidlash kerakki, hammomlardan foydalanish ma’lum to‘lovlardan asosida amalga oshirilgan va

mazkur mablag‘lar binoning kundalik xarajatlariga sarflangan. Hammomlarning jamiyat salomatligini saqlashdagi o‘rni hisobga olinib, aholi uchun arzon narx belgilangan. Jumladan, birgina Samarqandda hammom narxi arzimagan pul turgan va bayram hamda boshqa muhim voqeliklardan oldin yanada arzonlashgan. Ba’zan, samarqandliklar va hatto shaharga kelgan mehmonlarga ham hammomdan tekinga foydalanishga ruxsat berilgan[4, 98-104].

Ko‘p hollarda boshqa ijtimoiy inshootlar kabi hammomlar ham vaqf hisobidan yashagan. Lekin mijozlar uchun qulay, talab yuqori bo‘lgan joylarda tashkil qilingan ayrim hammomlarning daromadi yaxshi bo‘lgan. Bu kabi tushumi yuqori hammomlarning mablag‘i esa teskarisi, boshqa sohalar xarajatiga vaqf ko‘rinishida taqdim qilingan. Jumladan, Qo‘qon xoni saroyida xizmat qilgan Mahmud dasturxonchi o‘z mablag‘iga 1838-yilda Oqmasjid madrasasini qurdirgan. U madrasa xarajatlari uchun bitta hammomini vaqf qilib bergen[3, 17]. Shuningdek, Xudoyorxon mablag‘i evaziga qurilgan hammomning daromadi masjid[6] hamda yuqorida keltirgan Marg‘ilondagi Katta bozor yonida qurilgan hammomning daromadi Xishtin madrasasiga vaqf qilingan[9, 88]. Narx va tushum masalasi muntazam nazoratga olingan. Shu nuqtai-nazardan, hammomlar joylashgan joyi va hajmiga qarab tabaqlashgan.

Hammomlardan kimlar foydalangan?

Hammomlardan kimlar foydalanishi mumkinligi masalasiga kelsak, ushbu jamoat inshooti an'anaga ko‘ra erkaklar boradigan maskan hisoblangan, biroq Xivadagi Anushaxon hammomiga qullar kiritilmagan[5, 21]. Ushbu hammomga qullarning kiritilmasligi sababini uning katta nufus va obro‘ga egaligi hamda qullarning jamiyatdagi mavqeい bilan izohlash mumkin. Chunki, hammom ichida tashrif buyuruvchilar tabaqlashmagan, alohida imtiyozli xonalar bo‘lmagan va barcha birdek umumiylar xonalardan foydalangan[1, 47]. Bunday vaziyatda bu yerga qullarni kelishi inshootning obro‘siga putur yetkazishi hisobga olingan.

Turkistondagi hammomlarning umumiy tuzilishi va ish faoliyatiga nazar solinsa, aksariyat masalalarda erkaklarga mo‘ljallangan qulayliklar yaratilganini qayd etish joiz. Ayollarning hammomlarga borganligi yoki bormaganligi masalasida qarashlar turfa xil: bir manbada “hammomlar asosan, erkaklar maskani bo‘lib, ayollarni borishi odobsizlik hisoblangan”[8, 151], deya qayd etilgan bo‘lsa, boshqasida haftaning ma’lum kunida yoki ayrim marosimlarni bajarish uchun ayollar ham hammomga borganligi ta’kidlanadi. Jumladan, turkistonlik ayollar orasida yaqinda farzand ko‘rgan ayol chillasi chiqishi munosabati bilan qaynonasi va boshqa qarindoshlari bilan hammomga kelgan. U yerda maxsus rasm-rusumlar bajarilib, giyohlardan tayyorlangan dori-darmonlar bilan muolaja qilingan va obdon cho‘miltirilib, “chilla”dan chiqarilgan[12, 290]. Demak, ayollar hammomga jismonan poklanish joyi deb emas, balki jinsga doir va tug‘ruq bilan bog‘liq turli marosimlarni o‘tkazish, ham jismoniy ham ruhiy tiklanish maskani sifatida qaragan. Bundan xulosa qilish mumkinki, ayollar ham hammomdan foydalangan va u yerda turli marosimlar o‘tkazilgan. Hammomda ayollarga qarovchi bibixalfalarning borligi ham turkistonlik xotin-qizlar muntazam bu yerdan foydalanib kelganini ko‘rsatadi.

Ushbu davrda aholiga tabaqa bo‘yicha (*yuqorida tilga olingen qullar masalasida*) ayrim cheklar qo‘yilgan bo‘lsa-da, davolanish, poklanish va boshqa masalalarda jins bo‘yicha cheklar qo‘yish mushkul edi. Chunki, shaxsiydan ko‘ra jamoat hammomlarida poklanish alohida an’ana darajasiga chiqqani sabab ayollar bu jarayondan uzilib qolmagan. Boshqa tomondan, aholi orasida jamoat hammomlari insonning tanasi bilan birga ruhiy olamini ham poklaydigan g‘ayritabiiy kuchga ega maskan sifatida ifodalangan. Insonlar tanadagi kirlar bilan birga, ruhiyatdagi salbiy kuchlar, yomon kayfiyatni ham uydan tashqarida-hammomda suv bilan yuvib, badan va ruhni poklab qaytishni xosiyatli deb bilishgan.

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash joizki, Turkistonda zamonaviy tibbiyot joriy etilgunga qadar ayrim shaxsiy tozalikni saqlashdan tashqari, shamollah bilan bog‘liq xastaliklar ham hammomlarda davolangan hamda bu yerda maxsus amallarni biladigan

mutaxassislar ishlagan. Bu davrda hammomlar kishi badanini toza saqlashdan ham ko‘ra undagi turli kasalliklarni davolashga ixtisoslashganligi bilan ajralib turgan. Shuningdek, davlat barcha shaharlarda hammomlar qurish va uni faoliyatini ta’minlashga alohida e’tibor qaratgan. To‘g‘ri, hammomlar shifoxona vazifasini to‘liq bajara olmagan, lekin shunday bo‘lsada, aholi orasida davo topish maskani sifatida ham nom qozongan va kundalik turmushda alohida o‘rnii bo‘lgan.

Foydalanimilgan adabiyotlar:

1. Lansdell H. Russian Central Asia includin Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv. Vol II. – London: Sampson Low, 1885.
2. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 1993.
3. Алимов И. XIX асрда Қўқон хонлигининг Андижон беклигидаги мактаб ва мадрасалар // O‘zbekiston tarixi. 2007. №1.
4. Вамбери Г. Очерки и картины восточных нравов. – Спб., 1877.
5. Гойибов М. ва бошқ. Хива табобати. – Тошкент: Абу Али ибн Сино, 1995.
6. Ибрагимов И. Пять дней в Коканде // ТВ. 1872 год, № 20.
7. Крестяковский В. В гостях у эмира Бухарского. – Спб., 1887.
8. Логофет Д. Бухарское ханство под русским протекториатом. Т.2. – Спб., 1911.
9. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. – Тошкент: Маънавият, 1999.
10. Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солих тавсифида. – Тошкент: Фан, 1983.
11. Ўролов А. Ўтмишдаги даволаш ва шифобахш муассасалар. – Тошкент: Фан, 1990.
- 12.Халқ табобатида табиий гиёхлардан фойдаланиш усуллари / Ўзбекистон худудида табиий фанлар йуналишидаги илмий тадқиқот ва экспедициялар

(XIX аср – XX аср бошлари). Масъул мухаррир Д. Зияева. – Тошкент: Akademnashr, 2019.

О МЕДИЦИНСКОЙ ФУНКЦИИ БАНЬ В ТУРКЕСТАНСКОМ КРАЕ

Аннотация. В статье освещена занимаемое место бани в сохранении здоровья населения Туркестана, которое помогало в реализации личной гигиены. В ней также освещены способы проведения медицинских процедур и работы, выполненные сотрудниками бань. Особый акцент сделан на вопрос посещения бань женщинами, а также банным традициям народа.

Ключевые слова: баня, прачечная, сотрудник, вакуф, халтадар, бибхалфа, рабы, процедура взятия крови и удаление зубов.

ON THE MEDICAL FUNCTION OF BATHROOMS IN THE TURKESTAN REGION

Abstract. This article highlights the role of baths in health care in Turkestan, which are considered a place where the rules of public cleanliness and personal hygiene are implemented. The organization of medical procedures and the importance of employees working in baths are analyzed. Also, special emphasis is placed on the issue of women visiting baths and rituals performed in baths.

Keywords: bathroom, laundry, employee, waqf, khaltadar, bibhalsa, slaves, blood sampling procedure, and tooth extraction.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14498958>

Ahrorbek Azizov

Fanlar akademiyasi Tarix instituti
kichik ilmiy xodimi, tarix fanlari bo‘yicha
falsafa doktori (PhD)

e-mail: aahazizov@gmail.com

QADIMGI TURON AHOLISINING HAYVONOT OLAMIGA OID MAROSIMIY TASAVVURLARI

Annotatsiya. Ushbu maqolada qadimgi turonliklarning e’tiqodiy qarashlarida hayvonot olamiga oid tasavvurlarning gavdalanishi olib berilgan. Qadimgi manzilgohlardagi dafn marosimlari topilmalarining tahlili orqali hayvonlarning hudud ahолиси турмуш тарзи ва дунyoqarashidagi ahamiyati yoritib berilgan.

Kalit so‘zlar: Gari-Mar, Gari-Asp, Anov, Nomozgoh, Qavat III, Ulug‘tepa, Sopollitepa, Oyoqog‘itma.

Eng qadimgi zamonlardan turli hayvonlar insoniyat taraqqiyotida muhim ahamiyat kasb etib kelgan va ulardan xar xil maqsadlarda foydalanib kelingan. Qadimgi Turon ahолиси турмуш тарзida aks etgan hamda xo‘jaligida foydalanilgan qaror topgan hayvonlarning nafaqat moddiy, balki, ma’naviy ahamiyati shakllangan.

Turon hududida vujudga kelgan qadimiy manzilgohlar va keyinchalik shaharlar ahолиси qarashlarida hayvonlar bilan bog‘liq bo‘lgan tasavvurlar e’tiqodiy ahamiyatga kasb etgan. Arxeologik tadqiqotlar fanga qadimgi madaniyatlardagi jonivorlarga nisbatan mavjud bo‘lgan e’tiqodiy qarashlarni talqin etuvchi juda ko‘plab moddiy manbalarni taqdim qildi. Ularni tahlil qilish orqali hayvonlarga nisbatan munosabat

qadimgi davrlardan qanday bo‘lganligi va o‘zgarishlarga uchrash jarayonini tadqiq etish mumkin bo‘ladi. Shuningdek, tasavvurlarning ko‘rinishlari va turlarini yaqindan tadqiq etish imkonini yaratadi. Qadimgi manzilgohlardan jonivorlarning turli haykalchalari, suratlari tushirilgan idishlar va devoriy suratlar qadimgi aholi ijtimoiy, iqtisodiy, diniy va siyosiy hayotida hayvonlarning ahamiyati yuqori bo‘lganligini tasdiqlaydi.

Qadimgi diniy e’tiqodiy tasavvurlar va mifologik qarashlarga ko‘ra hayvonlar xudolarning yerdagi surati, inson va xudo o‘rtasidagi vositachi, homiy, saqlovchi tumor, ajdod kabi sifatlar bilan ulug‘langan. Hayvonning xonakilashtirilishi unga nisbatan diniy-mifologik tasavvurlarning rivojlanishi va ularni marosimiy hayotning bir qismiga aylanishiga sabab bo‘lgan. Bandan tashqari, ushbu hayvonlar bilan bog‘liq mifologik tizim shakllanib, marosimiy hayotning ajralmas qismiga aylandi. Afsonaviy jonivorlar turkumi vujudga keldi. Ularni qonuniylashtiruvchi hamda sehr kuchiga ishonch o‘laroq marosimiy amaliyotlar qo‘llana boshladi va bora-bora ushbu ishinch ko‘rinishlari odat ya’ni qonunga aylandi.

Qadimgi Turon hududida hayvonlarning ilk xonakilashtirish izlari sakkiz ming yil avval vujudga kelgan Gari-Mar va Gari-Asp manzilgohlaridan topilgan[1. – C. 36.]. Qizilqumdagи Oyoqog‘itma yodgorligida ot bilan bog‘liq turli arxeologik osori-atiqalar ochilgan[2. – P. 15.]. O‘z o‘rnida shuni ham ta’kidlash o‘rinlik, bronza davriga kelib mushuk ham xonakilashtirilgan bo‘lib, uning suyak qoldiqlari Qavat III, Ulug‘tepa yodgorliklaridan hamda temir davriga oid Ko‘kcha-Tepa va Qiziltepa yodgorliklaridan topilgan[3. – [https:](https://)]. Ushbu moddiy manbalar orqali inson turmush tarzida hayvonlar muhim o‘rin egallaganligi va vaqtlar o‘tishi bilan xonakilashtirilgan hayvonlardan marosimlarda foydalanilganligidan dalolat beradi. Natijada, ular mahalliy e’tiqodiy qarashlari tizimida mustahkam o‘rin egallay boshlagan.

Shubhasiz, hayvonlarni qo‘lga o‘rgatilishi natijasida undan ulov maqsadida ham foydalanilgan. Diqqatga sazovor jihatи shundaki, hayvonlarning aravaga qo‘shila

boshlanganligi Farg‘ona vodiysi hududidan topilgan qoyatosh suratlarida saqlanib qolgan[4. – C. 170.].

Mintaqa janubidagi miloddan avvalgi III mingyillikka oid Anov madaniyati yodgorliklaridan tos qismiga ilashib chiqayotgan ilon tasvirlangan ma’buda haykalchasi, Namozgoh IV hamda Anov III yodgorliklaridan esa buralib turgan ilon suratli idishlar topilgan[5. – C. 35.]. Terrakotalar va idishlardagi tasvirlangan hayvonlar ushbu hudud aholisining diniy hayotida katta ahamiyat kasb etgan. Ma’lumki, ilon ko‘plab qadimgi xalqlarda ajdod jonivor sifatida e’tiqod qilingan.

Bunday terrakotalar bilan birgalikda jonivorlarning suyak qoldiqlari qadimiylar qabrlarda ko‘p uchraydi. Taniqli arxeolog Ahmadali Asqarov tomonidan Sopollitepada olib borilgan qazishma ishlari natijasida ochilgan 138 ta qabrning 63 tasida jonivorlarning suyaklari aniqlangan. Suyaklar asosan, qo‘y va echkiga tegishli bo‘lib, ularning orqa oyoqlari, ko‘krak, kurak hamda qovurg‘a suyaklari jasad bilan birga dafn etilgan[6. – C. 42.]. Sopollitepadagi qabrlarda nafaqat uy hayvonlari, balki yovvoyi hayvonlarning suyaklari ham topilgan[6. – C. 119.]. Bundan tashqari, ushbu manzilgohdagi buyumlarda hamda devorlarda tog‘ echikisi, to‘ng‘iz, sher, to‘qay mushugi[6. – C. 78.] va ikki o‘rkachli tuya suratlari ham uchraydi[6. – C. 120.].

Turon aholisida marhumlar hayvon bilan yoki mayitsiz qabr bo‘lsa, jonivorning o‘zi dafn etilgan. Bundan tashqari, Farg‘ona vodiysida joylashgan Vorux yodgorligidagi qabrlarda hayvon suyaklari kuydirilgan holatda dafn etilganligi aniqlangan[7. – C. 19.]. Ushbu holat dafn etish marosimlari hayvonlar ishtirokida turli usullarda amalga oshirilganligi va ular ma’lum vazifani bajarishga bo‘lgan ishonch haqida ma’lumot beradi. Ya’ni, qabrga qo‘yilishi ko‘zda tutilgan jonivor avval kuydirilgan va so‘ngra dafn etilgan.

Dafn marosimlari asosan, qo‘y, ot, tuya hamda echki yordamida bajarilgan. Jumladan, Sopollitepa va Jarqo‘tondan topilgan 13 ta qabrdagi qo‘y suyagi qoldiqlari aniqlangan[8. – C. 13.]. Mayitsiz qabrlarda esa hayvon suyaklarining qo‘yilishi ularning muhim marosimiy ahamiyaga ega bo‘lganligini tasdiqlaydi[8. – C. 48.].

Bunday odat keng tarqalgaligini Xorazm vohasi va unga tutash hududlardagi arxeologik yodgorliklardagi qabrlarda uchraydigan hayvon suyaklari ham isbotlaydi.

Aholi orasida hayvonlarga nisbatan e'tiqodiy qarash tabiiy xilma-xillik natijasida turlicha shakllangan. Bunday e'tiqodiy qarashlarning ildizlarini qadimiy aholi mashg'ulotlari va turmush tarzi hamda hududiy joylashuvi tashkil etadi. Xususan, suv havzalariga yaqin aholi dunyoqarashida baliqqa nisbatan e'tiqodiy qarash kuchli o'rinni olgan. Masalan, Xorazmdagi Jonbosqal'a arxeologik materiallari orasidan turli hayvon suyak qoldiqlari bilan birgalikda baliq suyaklari ham topilgan[9. – C. 11-12.]. Baliq qiltirig'i aholi orasida saqlovchi tumor sifatida foydalanib kelingan. Xususan, yosh bolalarning bosh kiyimlariga baliq qiltirig'i osib qo'yilgan.

Bundan tashqari, Xorazmda qadimdan it bilan dafn etish marosimi mavjud bo'lgan. Ushbu dafn marosimi uchun alohida it boqilgan[10. – C. 27.]. Itga nisbatan tasavvurlarning qadimdan ijobiy tarzda shakllanganligi shuni ko'rsatadiki, Xorazm zardushtiylik vujudga kelganligi bois, ushbu diniy tasavvurlar jonivorlarga nisbatan yaxshi munosabatda bo'lish hamda marosimlarni o'tkazishda muhim ahamiyat kasb etgan. Shuning uchun ham zardushtiylik panteonidan joy olgan hayvonlarga nisbatan alohida e'tibor berib kelingan.

Qadimgi qabrlar ma'lum bir tur hayvonning ayrim hududlarda marosimiy ahamiyati yuqori bo'lganligi tufayli O'rta Osiyoning shimolida ot, qolgan hududlarida esa qo'y va echki bilan dafn etish odati tusiga kirgan. Xususan, keng dasht hududlarida yilqichilik bilan shug'ullanib kelgan aholi dafn marosimlarini ot ham dafn etilgan. Arxeolog olimlarning ta'kidlashicha, miloddan avvalgi VII – VI asrlarda O'rta Osiyoda yilqichilik taraqqiy etgan[11. – C. 63.] va ushbu mashg'ulot dafn marosimlariga sezilarli ta'sir o'tkaza olgan.

Ot bilan dafn etish odati dunyoning boshqa xalqlarida ham keng tarqalgan. Masalan, otni dafn etish marosimi slavyanlarda ham mavjud bo'lgan. Ularning tasavvurlariga ko'ra, ot ham aslida inson bo'lib, u insonga aylanishi uchun maxsus marosim bajarilgan. Marosimda otning boshi olingan va shu holda dafn etilgan[12. –

C. 22.]. Ushbu marosim inson va hayvon o‘zaro bog‘liqligi to‘g‘risidagi tasavvurlarning bir ko‘rinishi hisoblanadi, ya’ni jonivor qayta tirlishi uchun uni dafn etadilar.

Ayrim manzilgohlardagi dafn marosimlarida foydalanilgan hayvonlar turi zardushtiylikdagi jonivorlarning beshta guruhga bo‘linishiga to‘la mos keladi. Shunday manzilgohlardan biri Gonurtepa bo‘lib, mashhur arxeolog R. Sataev tomonidan o‘rganilgan. Ushbu yodgorlikda asosan, ot va tuyu bilan dafn qilingan qabrlar borligi aniqlangan. Bundan tashqari, kenotaflar ham mavjud bo‘lib, jonivorlarning o‘zi dafn etilgan qabrlar soni 54 tani tashkil etadi[13. – C. 26.]. Bu esa ushbu hudud o‘troq aholisining kundalik turmushi hamda marosimiy hayotida hayvonlarning ahamiyati yuqori bo‘lganligini tasdiqlaydi[13. – C. 42.].

Hayvonlar bilan dafn etilgan qabrlar Enesey daryosi havzasidagi qadimiy ko‘chmanchilar manzilgohlaridan ham topilgan. Ushbu hududdagi Afanasev davriga oid bir qancha qabrlar ochilganda ularda asosan qo‘y, ot, va buqa suyak qoldiqlari borligi aniqlangan [14. – C. 6.]. Turon hududidagi kenotaflarda asosan, qo‘y hamda ot dafn etilgan bo‘lsa, shunga o‘xhash qabrlar Sharqiy Turkiston hududida ham uchraydi. Ushbu yodgorlik Xitoyning Sinsyan provinsiyasidagi Syaoxe (Goubey) qo‘rg‘onidan topilgan, aylana shaklida dafn etilgan otlar qo‘yilgan maxsus qabrlar hisoblanadi[15. – C. 70.]. Ushbu yodgorlikda otdan tumor sifatida foydalanilganligini u yerdan aniqlangan topilmalar ham tasdiqlaydi.

Taniqli arxeolog Yu.A. Zadneprovskiyning fikricha, islom kirib kelguniga qadar Turonda dafn marosimlari ancha qat’iy bo‘lib, qadimgi ko‘rinishlaridan jiddiy o‘zgarishga uchramagan[16. – C. 27-36.]. An’anaga ko‘ra, mayit atrofiga himoyachi hayvonning jasadi qo‘yilgan, lekin ayrim qabrlarda ikki xil vazifani bajaruvchi hayvonlar birgalikda ko‘milgan. Bunga misol tariqasida Paziriq qo‘rg‘onidagi mayit atrofiga marhumning buyumlari, ot bilan birgalikda shoxlari sariq rangga bo‘yalgan tog‘ echkisi suyaklari qo‘yilganligini keltirish mumkin[17. – C. 26.]. Bu Turon hududidan topilgan jonivor bilan dafn etish marosimining yana bir o‘ziga xos

ko‘rinishi hisoblanadi, ya’ni ot va echki danf mazmuniga ko‘ra ikki xil vazifani bajargan.

Qadimdan hayvonlarga nisbatan munosabatni belgilashda diniy dunyoqarash muhim rol o‘ynagan. Xususan, zardushtiylikda ma’bud va ma’budalarning sifatlari turli hayvonlar ko‘rinishida ifodalangan. Asosan, bunday ma’lumotlar “Avesto”ning “Yasht” qismida yaxshi saqlangan.

Ushbu kitobda eng ko‘p jonivor sifatlari Varaxranga berilgan va u oq ot, tuya, arxar hamda qobon varag‘n qushi ko‘rinishida tasavvur qilingan[18. – Б. 96-100.]. Boshqa ma’bularga nisbatan ham o‘ziga xos turlicha sifatlar ilgari surilgan. Ulardan biri Tishtr [18. – Б. 74.] bo‘lib, u buqa yoki oq otga evrila oladigan ma'buda hisoblangan.

Zardushtiylarning tasavvurida ilohiy qushlar ham bo‘lib, ular ma'bud va ma'bulalar qatoridan o‘rin olgan. Bular: Semurg‘[19. – С. 155.] va Humo qushlaridir. Bundan tashqari, Senmurv[20. – С. 9.], Apaosha[21. – С. 14.], Barvi[18. – Б. 18.], Zahhok[18. – С. 155.], Aji-Dahaka[22. – С. 122-123.] kabi ijobiy hamda salbiy mavjudotlar ham ushbu asardan o‘rin olgan.

Zardushtiylikda ilohlarning bunday qiyofalarga kira olishi o‘ziga xos mifologik zanjirni tashkil etadi va panteondan muhim o‘rin egallagan. Ushbu jonivorlar tizimi zardushtiylikda besh qismga bo‘linadi: suvda yashovchilar, yer ostida yashovchilar, osmonda yashovchilar va uy hayvonlari. Uy hayvonlarini ular “Gav” deb umumlashtirganlar[18. – Б. 85.].

Dafn marosimlarida turli jonivorlardan foydalanish hududiy, aholi mashg‘uloti va diniy-mifologik tasavvurlariga ko‘ra shakllangan. Bunday jonivorlar safida tumor sifatida nafaqat xo‘jalikda inson uchun hayotiy zarur bo‘lgan hayvonlar, balki it kabi jonivorlardan ham foydalanilgan[23. – С. 119.].

Qadimgi Turon aholisi dunyoqarashi asrlar osha turli o‘zgarishlarni boshidan kechirdi. Shunga qaramay, eng qadimgi hayvonot olami bilan bog‘liq tasavvurlar saqlanib keldi. Ushbu tasavvurlarning saqlanishi asosiy omillaridan biri sifatida ayrim

marosimlar katta ahamiyat kasb etdi. Islom dini kirib kelishi natijasida, aksariyat amallar bajarilishi to‘xtagan bo‘lsada, ayrim ishonch ko‘rinishlari turmorlar yoki ayrim jihozlar shaklida islomiq qarashlarga qorishib ketdi va o‘zbek madaniyatining ajralmas tarkibiy bo‘lagini tashkil etdi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Сарианиди В.И. Бактрия сквозь века. – Москва: Мысл, 1984.
2. Lasota-Moskalewska A., Szymczak K. and Khudzhanazarov M. A problem of the earliest horse domestication. data from the neolithic camp ayakagytm “the site”, Uzbekistan, Central Asia // ARCHAEOLOGIA BALICA 11. I Domestication to Images of the Horse and Horsemen. – 2009.
3. Haruda A.F. and others. The earliest domestic cat on the Silk Road // Scientific Reports nature research. [www.nature.com/scientificreports.](http://www.nature.com/scientificreports/) – 2020. – №10, (11.08.2020)
4. Новоженов В.А. Чудо коммуникации и древнейший колесный транспорт Евразии. Под редакцией Елены Ефимовны Кузьминой. – Москва: Тайс, 2012.
5. Кожин П.М., Сарианиди В.И. Змея культовой символике анауских племен. / История, Археология. Этнография Средней Азии. – Москва: Наука, 1968.
6. Аскаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977.
7. Литвинский Б.А. Курганы и курумы Западной Ферганы. – Москва: Наука, 1972.
8. Аскаров А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. – Ташкент: Фан, 1983.
9. Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма. – Москва: Наука, 1968.
10. Рапопорт Ю.А. Из истории религии древнего Хорезма. – Москва: Наука, 1971.
11. Сагдуллаев А.С. Бактрийская легенда. – Ташкент: Узбекистан, 1990.
12. Пикалов Д. Мифология и космогония ираноязычных кочевников Евразии. – Москва, 2011.

13. Сатаев Р. Животные в культуре Древней Маргияны. – Москва, 2016.
14. Бернштам А.Н. Избранные труды по археологии и истории кыргызов и Кыргызстана. Т. II / Сост.: К. Ташбаева, Л. Ведутова. – Бишкек: Айбек, 1998.
15. Варенов А.В. Княжеские курганы скифо-сакского времени на могильнике Цзяохе (Яр-Хото) в Синьцзяне // Вестник НГУ. Серия: История, Философия. – 2010. Т. 9. Выпуск 7.
16. Заднепровский Ю.А. Об этнической принадлежности памятников кочевников Семиречья усуньского периода II в. до н. э. — V в. н. э. // Страны и народы Востока. Т. X. – М., 1971.
17. Грязнов М.П. Первый Пазырыкский курган. – Ленинград, 1950.
18. Авесто: Яшт китоби / М. Исҳоқов таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001.
19. Снесарев. Г.П. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – Москва: Наука, 1983.
20. Тревер К.В. Сэнмурв-Паскудж, собака-птица. – Ленинград: Государственный Эрмитаж, 1937.
21. Авста русских переводах (1861–1996) / Составления, общая редакция, примеч., справ. разд. И. В. Рака. – Санкт-Петербург: Нева, 1997.
22. Демидов С.М. Растения и животные в легендах и верованиях туркмен / Серия «Этнография туркмен». – Москва: Старый сад, 2020. Вып. 1.
23. Новиков А.В., Гаркуша Ю.Н. Вопросы интерпретации погребений домашних собак на городище Усть-Войкарское // Вестник угроведения. – 2016. – № 2 (25).

РИТУАЛЬНЫЕ МИРОВОЗЗРЕНИЯ НАСЕЛЕНИЕ ДРЕВНЕГО ТУРАНА О ЖИВОТНОМ МИРЕ

Аннотация. В данной статье раскрывается воплощение представлений о животном мире в религиозных воззрениях древних туранцев. Значение животных в образе жизни и мировоззрении жителей региона подчеркнуто посредством анализа находок погребальных обрядов на древних поселениях.

Ключевые слова: Гари-Мар, Гари-Асп, Анау, Намазгах, Кават III, Улуг-Тепа, Сапалли-Тепа, Аякагитма.

RITUAL WORLDVIEWS OF THE POPULATION OF ANCIENT TURAN ABOUT THE ANIMAL WORLD

Abstract. This article reveals the embodiment of ideas about the animal world in the religious views of the ancient Turanians. The importance of animals in the lifestyle and worldview of the region's inhabitants is emphasized through the analysis of finds of burial rites in ancient settlements.

Key words: Gari-Mar, Gari-Asp, Anau, Namazgah, Kavat III, Ulug-Tepa, Sapalli-Tepa, Ayakagitma.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14499176>

Ақмал Самеджанов

“Гидроэнергетика” МЧЖ директори,

E-mail: mahalliy_deputat@mail.ru

Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети сиёсий
фанлари бўйича фалсафа доктори “Сиёсий
фанлар” кафедраси катта ўқитувчи, (PhD),
Ф.Х. Хикматов тақризи асосида

СҮНГИ ХОН ВА АМИРЛАР

Аннотация. Мақолада Кўқон хонлиги, Хива хонлиги ва Бухоро амирлигининг сўнгти ҳукмдорлари хаёти, сўнгги йиллари ёритиб берилиши билан бир қаторда, мазкур ҳукмдорларнинг фаолияти, ҳокимиятдан четлаштирилиши сабаблари тавсиф этилади. Мақола ушбу ҳудудда республика бошқарув шаклини ташкил этишга доир дастлабки омилларни ўрганиш учун ҳам тавсия қилинади.

Калит сўзлар: хонлик, амирлик, ҳукмдор, монархия, республика, инқилоб, исён.

Кириш. 2025 йил 17 февралда Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлиги тўғрисидаги декларация қабул қилинганлигига 100 йил тўлади. XX асрнинг 20-йилларида республикани ташкил этиш енгил кечмаган, бунинг учун бир нечта ҳудудда инқилоблар уюштириш, инқилобларни легитимлаштириш, 2 та монархияни, 1 та генерал-губернаторликни тугатиш, сиёсий тузумни ўзгартириш, муҳолифат кучларини сиёсий майдондан четлаштириш, уларни

маънавий синдириш, омма онгига уларни халқ душмани сифатида сингдириш ва зарур бўлса жисмоний йўқ қилиш, янги сиёсий кучларни шакллантириш, уларни тегишли ваколат билан юридик жиҳатдан таъминлаш, 3 та худудий-маъмурий бирликлар: ТАССР, БССР ва ХССР ваколатли органларининг ягона давлатга бирлашишга розилигини расмийлаштириш, бўлажак республика ҳудуди ва чегараларини белгилаш, йирик ваколатли анжуман ташкил этиш, унда республика ташкилий масаласига доир муҳим қарорларни тайёрлаш ва уларни яқдиллик билан қабул қилиш зарур эди. Эътиборли томони шундаки, ушбу жараёнларнинг биронтаси маҳаллий аҳолининг бевосита ва асл ташаббуси ҳамда мустақил ҳаракати билан амалга оширилишига имкон берилмади, маҳаллий қатор илгор ғоялар муаллифлари ва қатъиятли маърифатпарварлар, сиёсатчилар, янги ташкил этилган маҳаллий сиёсий ташкилотлар, ҳаракатларни сиёсий майдондан четлаштириш чоралари кўрилди, мустақиллик даъволари миллатчилик, буржуа миллатчилик, опортунизм, пантуркизм, шовинизм, Ғарб империалистларига сотқинлик, жосуслик билан тенглаштирилди, диндорлар эса реакцион гурух, халқ душмани сифатида тавсиф этилди. Яна бир эътиборли жиҳати, юқоридаги масалалар юзасидан ваколатли қарорлар қабул қилишда сайланган ва тегишли ваколат олган жамоа (комиссия, Совет, Инқилобий кўмита ва ҳок.)лар таркибида маҳаллий аҳоли вакиллари дастлаб йўқ эди ёки жуда озчиликни ташкил этган. Асосий ташкилий масалалар ҳал этиб бўлинганидан кейин ушбу жамоалар таркибида маҳаллий аҳоли улушини ошириш чоралари кўрилди. Юқорида санаб ўтилган барча жараёнлар “ташқаридан” лойиҳалаштирилди, XXI аср бошларида уюштирилган “рангли инқилоблар” сингари. Ушбу жараёнларни мустақил ҳал этиш имкониятлари йўқ қилинганлиги боис янги ташкил этилган республика мустамлакага айланишга маҳкум эди.

Бугунги Ўзбекистон худудини ташкил этган сўнгги салтанатлар XIX аср сўнгги чораги ва XX асрнинг биринчи чорагида барҳам топди. Хусусан, 1876 йил 19 февраляда Кўқон хонлиги, 1920 йил 2 февраляда Хива хонлиги ва шу йилнинг

2 сентябрида Бухоро амирлиги тугатилди. Ҳар бирининг ўрнида республика бошқарув шаклидаги янги сиёсий тизимларга асосланган давлатлар шаклланди. Ушбу тарих саҳифаларида сўнгги ҳукмдорларнинг ҳаёти, якуни ибратлидир.



**Сайд Муҳаммад Худоёрхон
Шералихон ўғли (1835-1886)**

ўзбекларнинг минг уруғидан бўлган Кўқон хони бўлиб, тарихда 3 маротаба ушбу хонлик тахтини эгаллагани билан ҳаёти ўзига хос қизиқарли эканлигини англаш мумкин.

Ўша давр нашриётида у тўғрида “Бугунги кунда Ўрта Осиёнинг энг ажойиб ҳукмдорларидан бири - ҳеч шубҳасиз Худоёр-хон Коканский” [1], - деб ёзишган.

1844-1858, 1862-1863, 1865-1875 йилларда хонликни бошқарган Худоёрхон 1835 йилда Кўқонда туғилган.

Унинг ҳукмронлик даври қўшни Бухоро амирлиги билан ихтилофлар, хонлик ички ҳаётида маҳаллий мулкдорлар ўртасида тўқнашувлар, ахолининг норозилик чиқишлари, хонликнинг рус қўшинларидан енгилиши, қатор ерларининг Россия империяси тасарруфига олиниши билан тавсиф этилади.

1868 йил январида Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман ва Кўқон хони Худоярхон ўртасида савдо шартномаси имзоланган бўлиб, ушбу шартнома Кўқон хонлигини иқтисодий жиҳатдан Россияга боғлиқлигини мустаҳкамлади. Бу хизматлари эвазига Россия империяси Худоёрхонни I дажали Муқаддас Станислав ордени (1869) билан ва “Светлость” титули (1872) билан тақдирлади.

Худоёрхон даврида қишлоқ хўжалигига эътибор берилган, янги анҳор ва ариқлар қазилган. Бугун Кўқон шаҳрининг қўрки ҳисобланган Худоёрхон қасри

қурилди, “Мадрасаи Олий”, “Мадрасаи Ҳоким ойим”, “Мадрасаи Султон Муродбек”лар қад ростлади.

1873-1876 йилларда Қўқон хонлигига Худоёрхонга қарши ва кейинчалик Россия Империясига қарши Пўлатхон (Ишоқ Мулла Ҳасан ўғли) бошчилигига исён кўтарилади. Бу исён рус қўшинлари ёрдамида бостирилади. Эътиборли томони, ушбу жараёнларда Худоёрхон ўғли Насриддинбек Андижон вилояти беги сифатида ва акаси Муродбек Марғилон беги сифатида хонга қарши чиқадилар. Худоёрхон таҳтдан ағдарилади.

Худоёрхон 1875 йил ёзида Хўжандга ва ундан Тошкентга келади ва Туркистон генерал-губернаторидан таҳтни қайтариш бўйича музокараларни олиб боришга интилади. Бироқ, генерал-губернатор фон Кауфман уни Петроградга бориб, Чор Россияси подшоси билан бу масалада учрашишни таклиф қиласди. Худоёрхон розилик билдиради. Аслида эса, Туркистон генерал-губернатори таҳтдан айрилган Худоёрхонни Оренбургга жўнатиб, у ердан чиқармайди ва унга ажратилган уйда 2 йил оиласи билан яшайди. Хон ўтмай хотинлари ва хизматчиларини Туркистонга қайтариб юборади, ўзи ҳам қайтиш чораларини излай бошлайди. Эътиборли томони, Туркистон генерал-губернаторлиги собиқ Қўқон хонлари, яқин қариндошлари учун пенсия тайинлайди.

1875 йил 22 сентябрда Насриддинбек ўзини хон деб эълон қиласди ва бу вазиятдан фойдаланган Пўлатхон ҳам ўзини Қўқон хони деб эълон қиласди. М.Д.Скобелев бошчилигига рус қўшинлари Пўлатхон қўшинларини тор-мор этиб, ўзини қатл эттиради.

1876 йил 19 февралда Қўқон хонлиги расман тугатилади ва ерлари Россия Империяси таркибига Фарғона вилояти сифатида киритилади.

Худоёрхон Оренбург генерал-губернаторидан лочин овига қатнашишга ижозат сўрайди. Бу овлар 3-4 кун давом этиб, овчилар ов манзилларида қолиб кетардилар. Шундай овлардан бирида – 1877 йил ноябрда, Эргаш уруғидан

бўлган қирғизлар Худоёрхонга қочишига ёрдам берадилар. Унинг кетидан юборилган Урал ва Оренбург казаклари уни топа олмай қайтиб кетадилар.

Чордара туркманлари олдига келган Худоёрхон Ҳирот шаҳрига ўтказиб юборилади. Ҳирот хукмдори ҳам уни Бадахшонга юборади. У ерда ҳам паноҳ топа олмай Пешоварга кетади.

Пешоварда уни фарғоналик савдогарлар яхши кутиб оладилар. Пешоварга у пулсиз келган эди, барча пулини сургунда Оренбургда тутатиб бўлганди. Фарғоналик тадбиркорлар унга пул бериб, уни Бомбейга юборадилар. У ерда уни Кўқон тадбиркорлари кутиб олади. Эрон, Ироқ, Араб ярим оролида бўлиб, Маккани зиёрт қиласди.

Хон ҳаёти ҳақида “Туркистон вилоятининг газети”да 1881 йил 15 марта қўйидагича хабар босилади: “Илгари Хўқандда хон бўлғон Худоёрхон Бўмбай шаҳридан ёзғон мактубида зохир қиласурким, ўтган йилларда Ўрунбурхдин Маккага кетиб, касал бўлиб, ўзиға муолажа қилмоқ учун Бўмбай шаҳрига келибдур. Аммо Ўрунбурхдин подшоҳ ҳазратларидин берухсат кетгани учун Маккадин қайтар маҳалда Худоёрхон улуғ императори аъзам ҳазратлариға маъruz айлаб, гуноҳин афв қилмоқни илтимос қилғон экан. Энди эшитиладурки, Туркистон вилоятининг улуғ генерал-губернатори Худоёрхондин маъафв айлаб, Ўрусия мамлакатига қайтмоқлари хусусида розилиқ берибдурлар”.

Она юртга қайтиш иштиёқида у яна Афғонистонга етиб келди. XIX аср 80-йиллар бошларида Шарқий Ҳиротдаги Карух қишлоғида камбағал қўринишида пайдо бўлди. 1886 йилда бу ерда вафот этди. Қабри Ҳиротда жойлашган [2].

Хоннинг қисмати ҳақида “Тарихи Мухйии Хўқандий” китобида бундай битилган: “Бўмбайдин яна Боғдод тарафи билан дарё орқали бирмунча муддат Ғавсул Аъзам ва Имоми Аъзам мозорларида чилла ўтириб, у ердан Илоҳ иродаси билан Эрон йўлидан Қобул тарафга дарвеш либосида бир неча дарвешлар билан Ҳазор денгизига, ундан Ислом шайх Ҳиротий маскан тутган Каррух деган жойга келди... Хон Эронда эканидаёқ амир Абдураҳмонхон эшитиб қолиб, Ҳирот

ҳокимиға Кўқон хонининг барча буюмларини Ҳиротга олиб келиш ва у ердан икрому эҳтиром билан Кобулга етказиш хусусида фармон беради. Бироқ Карруҳда хоннинг бетоблиги зўрайиб, Ҳиротдан келган сардор ва аскарбошилар билан учрашганда, уларга асло рўйхуш бермаган, уларнинг Ҳирот шахрига таклифларини қабул ҳам қилмаган. Карруҳда хон бевафо дунё лаззатларидан воз кечиб, бу дунёдан кўз юмди. Марҳум хон вафотидан сўнг Абдураҳмон амири ила Карруҳ мавзеида хонга ниҳоятда яхши мақбара қурилди, қорихона бино қилдириб, кўпдан-кўп ҳужралар солинди. Хон Ҳирот шайхулисломи бўлмиш Эшон шаҳид Ислом шайх мозорига дафн этилди” [3].



Худоёрхон вафоти ҳақидаги манбаларда у Маккада билагига чиққан ёмон ярани Бўмбайда инглиз докторига операция қилдирган бўлса ҳам яра тузалмагани ва хоннинг ўлимига шу яра сабаб бўлгани қайд этилган. Сўнгги вақтда топилган материалларга, жумладан Худоёрхон билан ҳаж сафарида, ундан сўнг Карруҳда бирга бўлган, хонни дафн этиш маросимида шахсан қатнашган хивалик савдогар Турдибойхўжа Ўтамишевнинг

гувоҳлигича, хон Карруҳга яқинлашган чоғда қаттиқ кўкрак оғриғи касалига учраб, бир ой чамаси ётганидан сўнг шу дард туфайли вафот этади.

Худоёрхон ўз хотинлари, яқинлари, хизматкорлари ва бойлиги билан Хўжандга чекинганида унинг катта ўғли **Сайд Мухаммад Насридин** хон (1850-1882) этиб кўтарилади. Айнан шу инсон Кўқон хонлигининг сўнгги – ўн учинчи хони бўлди. Эътиборли томони, у ҳам Кўқон таҳтига оз фурсат булса ҳам, бир эмас, икки маротаба ўтириди.

У 1850 йилда Кўқонда ўзбекларнинг минг уруғидан бўлган хукмдорлар оиласида туғилади. 1865-1875 йилларда Андижон вилоятига бек лавозимида раҳбарлик қилган.

Худоёрхонга қарши Пўлатхон бошчилигидаги исён даври (1873-1876)да отасига қарши чиққан, отасига қарши ўз атрофида йирик амалдорларни ва отасини чекинтиришга кучи етадиган қўшинни йиғишга муваффақ бўлди. Натижада Худоёрхон 1875 йил 22 июлда Чор Россиясининг Туркистон генерал-губернаторидан ёрдам сўрайди. Қисқа муддатда Насриддинбек Кўқон хони этиб кўтарилади.

Кўқон хони ағдарилганлиги ва унинг ўрнига ўғли Насриддинбек ўтирганлиги тўғрисида фон Кауфманга Насриддинбекнинг ўзи хат йўллайди ва алоҳида хатни хонликнинг йирик амалдорлардан бири Абдураҳмон-офтобачи юборган эди. Бунга жавобан фон Кауфман (1865 йил 4 август) содир бўлган холатни тан олиб, янги хонга 4 та шарт қўяди: 1) Худоёрхон билан 1868 йилда тузилган шартномаларни тан олиш ва Кўқонда содир бўлган сўнгги воқеалар сабаб савдогарларнинг тўхтаган кредитини тиклаш; 2) рус элчилик аъзоларидан тортиб олинган буюмлар учун заарни қоплаб бериш; 3) Кўқонликлар томонидан ўлдирилган икки рус йигитлари “ҳони учун” тўлов; 4) Худоёрхон ва у билан қолган содик маъмурлар ва атрофдагилар учун пенсия тайинлаш.

Насриддинхон ўз жавоби билан фон Кауфманни куттириб қўйди ва оқибатда фон Кауфман ўз хатларида уни олдингидек “хон” эмас, “хонзода”да деб мурожаат қилди. 1875 йил 28 августда фон Кауфман ва Насриддинхон учрашади, музокаралардан сўнг яна “хон” деб мурожаат қилиш тартиби тикланади.

1875 йил 22 сентябрда Марғилон шаҳрида Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман ва Насриддинбек ўртасида шартнома имзоланади. Унга кўра Наманган, Чуст шаҳарлари Чор Россияси мулкига ўтиб кетди, хонликка 2 млн рубль контрибуция солинди.

Лекин унинг ҳукмронлиги қисқа бўлди: 1875 йил июль — 1875 йил 9 октябрь. Халқ исёни оқибатида 1875 йил 9 октябрда Насриддинбек Кўқонни ташлаб, отаси каби Хўжанд орқали Тошкентга қочади. Кўп ўтмай минг сулоласи хонзодалари ҳам Тошкентга жўнатиб юборилади.

1976 йил январда Насриддинхон яна Кўқонга қайтиб, хон тахтини эгаллайди. 15 февралда Кўқон рус қўшинлари томониан эгалланади ва 19 февралда Императорнинг Фармони Олий қабул қилиниб, хонлик тугатилади, ерлари Фарғона вилояти маъмурий бирлиги сифатида Россия империяси мулкига қўшилади.

Тошкентда маълум муддат туриб, Туркисон генерал-губернаторлиги маъмурияти уни Владимир шаҳрига юборади, унга ва 9 та собиқ маъмурга пенсия тайинланади [4]. 1880 йилда бетоблиги туфайли Тошкентга қайтиб келишга рухсат олади ва ўлимигача - 1882 йилгача Тошкентда яшайди. Тошкентда дафн этилади. Умуман олганда, хонликнинг сўнгги хонлар авлодлари Даҳмаи Олий, Даҳмаи Шохон (Кўқон шаҳри), Тешик қопқоқ (Тешик қафқа), Минор, Жўрабек додҳоҳ (Тошкент шаҳри) қабристонларида дафн этилади [5].

Шу билан 1709 йилдан бошланган маҳаллий минг сулоласи вакилларининг бек унвонида ва 1805 йилдан хон унвонидаги ҳукмронлиги 1876 йил 19 февралида тугатилди ва Кўқонни 166 йил бошқарган сулола ҳокимиятни қўлдан чиқарди.



Ўзбеклардан бўлган қўнғиротлар сулоласи амалда 1770 йилдан ва расман 1804 йилдан 150 йил давомида Хива хонлигини бошқариб келди. Сулоланинг ҳукмронлиги 1920 йил 2 февралгача давом этди. Сўнгги хон **Сайд Абдулла Фозий** 1871 йилда тугилган бўлиб, Асфандиёрхон тахтдан туширилиб, қатл этилганидан кейин 1918 йилнинг март ойида хонлик тахтига ўтирди ва расман хонликни 1920 йил 2 февралгача бошқариб келди. Амалда эса бутун ҳокимият туркманларининг ёмуд қабиласидан

бўлган ҳарбий ишлар бўйича вазир Жўнаидхон қўлида тўпланган эди. Айнан унинг ташкилотчилиги остида давлат тўнтариши натижасида Асфандиёрхон тахтдан туширилиб, қатл этилган ва хонлик тахтига Сайд Абдуллахон ўтирган.

1919 йил кузида коммунистик партия вакиллари саъй-ҳаракати билан хонни тахтдан ағдариш ва республикани ташкил этиш жараёни фаоллашади. Қизил армия кўмагида Жўнаидхон қўшини тор-мор этилди, 1920 йил бошида Сайд Абдуллохон ҳибсга олинди ва 2 февралда тахтдан воз кечиб, шу йилнинг 12 июнда чиқарилган ҳукмга асосан ўзи ва оиласи аъзолари (эркак кишилар: собиқ хон Сайд Абдулла, ўғиллари Абдулла, Рахматулла, Ёқуб Юсуф, акаси Махаммаддиёр, жиянлари Абдурасул, Мадъяр, Носир ва Ибодулла) 3-5 йил муддатга Хоразм Xалқ Совет Республикаси ҳудудидан бадарға қилинади [6].

Дастлаб, улар Тошкент шаҳрига, 2 кундан кейин поездда Самара шаҳрига юборилиб, у ерда 3 ҳафта, сўнг икки ҳафта Москвадаги Ординск лагерида, 10 ой Андрайковск лагерида, 2 ой Ивановск лагерида яшадилар.

1922 йил 12 февралда уларни қўйиб юборишади. Бошида улар иш қидириш, кун кечириш учун Екатеринослав (Днепр), сўнг Верховцевога келишади ва бу ерда иш топишади. 1924 йил июлида Кривой Рогдаги “Дубовая балка” (кейиначлик “Большевик”) деб номланган конга оила аъзоларининг 3 нафари қоровул ва отбоқар бўлиб ишга киришади ва унинг олдида ташкил этилган қишлоққа жойлашишади [7]. Рус, украин тилларини билмаслиги, қўлида ҳунари йўқлиги уларнинг иш топишига тўсиқнлик қиласди.

Хонликнинг қолган катта оиласи (аёллар, қариялар, болалар, таъсир доирага эга бўлмаган эркаклар) янги республикада қолдирилди. Хон оиласи ва яқинларига тегишли бўлган мол-мулқ, ерлар тортиб олинди.

Бу пайтда Хоразм республикасида қолган хон оиласи аъзолари камбағал ҳолатда эканлиги, очликда юрганлиги, кичик болалар тиланчилик қилаётганлиги қайд этилади. Бу вазиятдан хабар топган собиқ хон ва унинг олдида бўлган хон авлоди эркаклари юртига қайтишда амалий ёрдам бериш бўйича Украина

раҳбариятига мурожаат қиладилар, улар эса СССР тегишли идоралариға мурожаат қилишади, аммо мурожаатларга рад жавоби берилади.

Бу пайт сабиқ хон ва у билан бўлганлар бир баракда яшаганлар. Сабиқ хоннинг ўзи “Большевик” номини олган конда қоравул бўлиб ишлади.

1932 йилда Украинада тарихга Голodomor номи билан кирган оммавий очарчилик бошланди. Шу йилда Сайд Абдулла касал бўлиб, маҳаллий касалхонага тушиб қолади. Касаллик ва очлик туфайли сабиқ хон 1933 йилда Украинанинг Днепропетровск вилоятининг Кривой Рог шаҳрида 62 ёшида вафот этди ва шу ердаги маҳаллий қабристон (Гвардейское)да дафн этилди.

Сургун қилинган сабиқ хон акаси Мухаммадиёр бу даврда 70 ёш атрофида бўлиб ишлай олмас эди ва шу боис тиланчилик билан кун кечирган. Ибодулла ҳам болалигидан кар бўлиб, тиланчилик қиласарди.

1933 йилда уларга Ватанига қайтишга рухсат берилди. Сайд Абдуллахон ўғиллари Раҳматулла ва Ёқуб Юсуф бир гуруҳ қариндошлари яшаётган Тошкентга келди. Сабиқ хон акаси қария Мухаммадиёр Хоразмга қайтиш ниятида дастлаб Тошкентга қайтди ва бу ерда тиланчилик билан кун кечирди. 1936 йилда юртига – Хивага қайта олмай, Тошкентда вафот этди. Қолганлар ҳам аста-секинлик билан Украинадан қайтишни бошлайди. Шуни ҳам қайд этиш керакки, хоннинг сургун қилинган оила аъзоларига Хивага қайтишга рухсат берилмаган, бироқ СССРнинг қолган ҳудудларига монеликсиз боришлари мумкин эди. 1934 йилда Кривой Рогда сабиқ хон Сайд Абдулланинг жиянлари Носир ва Абдурасул қолиб, қоравулчилик қилиб кун кечиришарди.

Бухорода 1756 йил декабрда бошланган манғитлар сулоласининг ҳукмронлиги 164 йил давом этиб, 1920 йил 2 сентябрда барҳам топди.

Сайд Мир Мухаммад Олимхон ибн Абдуллаҳад Бухоро амирлигининг сўнгги амири бўлиб, 1880 йил 3 январда Бухоро шаҳрида ўзбеклардан бўлган



хукмрон позицияда бўлган манғитлар сулоласи оиласида таваллуд топган. Отаси Бухоро амири Сайд Абдуллаҳадхон (1857-1911).

Отаси Россия империясида обрўли кишилардан ҳисобланган. Хусусан, у Император томонидан 5-Оренбург казак қўшинлари шефи, Император Александр III ўқчи полки рўйхатида турган, Оренбург казак қўшинлари Оренбург станицаси фахрий казаки, Муқаддас Анна I даражали орден (1888 йил), Бриллиантлар билан

безатилган Оқ бургут ордени (1889), Бриллиантлар билан безатилган Муқаддас Александр Невский ордени (1893), “Светлость” титули (1893), кўкракда тақиб юриш учун бриллиантлар билан безатилган Ҳукмдор Император Александр III портрети (1895), генерал-лейтенант (1895), “Олий ҳазратлари” титули (1896), кавалерия генерали (1900), Муқаддас Владимир I даражали орден, генерал-адъютант (1902), Муқаддас Андрей Первозванский ордени билан мукофотланган [8].

Отаси вафотидан сўнг, эртаси куни, Сайд Олимхон Россия императорига отаси вафот этганлиги тўғрисида телеграмма юборади. Ушбу телеграммага жавобан шу куннинг ўзидаёқ Император Жаноби Олийлари Сайд Олимхон номига қўйидаги мазмунда телеграмма юборади:

“Олий Ҳазратлари Амир Сайд Абдуллаҳадхоннинг тўсатдан вафот этганлиги тўғрисидаги қайгули хабардан чиндан ғамга ботиб, Сиз учраган оғир қайфу боис Сизга ўзимнинг руҳий таъзиямни изҳор қиласман. Шу билан бирга Сизни Бухоро бошқарувига тушганингиздан табриклайман, Сизга Ўзимнинг алоҳида баракам ифодаланишини, Олий Ҳазратлари мақомини тилайман ва

келгусидаги фаолиятингизда баҳт ва муваффақият тилайман. Мен ишонч билдираманки, Сизнинг улушкингизга тушган Амир мақомида мамлакатни бошқариш мураккаб вазифаси ижросида Сиз Олий Ҳазратлари марҳум отангиз намунаси ва доно васиятларига оғишмай риоя қиласиз ва Менинг ўзгармас мурувватли хомийлигим остида ва Менинг доно маслаҳатларимга мувоффик Бухоро фаровонлиги ва ривожланишига, Россия билан яқин бўлишига, бухоролик халқ баҳтига хизмат қиласиз” [9].

Эътиборли томони шундаки, Рус императори Бухоро амирига “Олий Ҳазратлари” (Высочество) титулини тақдим этмоқда, ўзи эса “Жаноби олийлари” (Величество) титулида эди ва император титули Бухоро амири титулидан устун бўлган. Келгусида ҳам Россия империясининг барча амалдорлари Бухоро амирига нисбатан “Олий Ҳазратлари” деб мурожаат қилган.

Амир Олимхон отаси вафотидан кейин 1911 йил 10 январдан 1920 йил 2 сентябргача Бухоро амирлигини бошқарди.

Бошланғич таълимни Мир Араб мадрасасида олган, 1893 йилда отасининг кўрсатмаси билан Санк-Петербургдаги Николаевск кадет корпусида давлат бошқаруви ва ҳарбий ишни ўрганди. 1896 йилда унга флигель-адъютант ҳарбий унвони берилган. Шу йилда Россия империяси уни Бухоро Амири Олий Ҳазратларининг меросхўри мақомини тасдиқлади.

Амир ўзбек, тожик ва рус тилини яхши ўзлаштирган. Санкт-Петербургдан қайтгандан 2 йил кейин – 1898 йилда Насаф беклигини бошқаришга тайинланди, сўнг амирликнинг йирик худуди - Кармана беклигини бошқариб келди.

1911 йил 7 январда отаси Саид Абдуллаҳадхон вафотидан кейин Бухоро амири этиб кўтарилди. Амир Олимхон Россиядан ташқари, Эрон, Афғонистон, Усмонли Туркияси, қўшни Хива хонлиги билан ҳамкорликни олиб борди. У даврда амирликда ижтимоий ҳаётида янгиликлар кўзга ташланади: янги шаклда таълим берувчи мактаблар, газета ва журналлар пайдо бўлади. Отаси даврида пайдо бўлган жадидчилик ҳаракати фаоллашади.

Санкт-Петербургда масчит, амир уйини қурдирди. Бугун ушбу иншоотлар Санкт-Петербургнинг архитектура ёдгорлиги сирасига киради. Олимхон ҳикмронлиги даврида Бухорда “Олимхон мадрасаси”, “Ситораи Моҳи Ҳоса” саройи қурилган.

Чор Россиясидаги 1917 йил февраль инқлиби, императорнинг ҳокимиятдан воз кечиши, Муваққат ҳукумат ўрнатилиши, октябрь ойида Муваққат ҳукумат ҳокимияти ағдарилиши, ҳокимиятга большевикларнинг келиши амирлик сиёсий тизимиға ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ичкарида амирга қарши сиёсий куч тўплаш ва сафарбар этиш имкониятлари чекланганлиги боис ташқаридан инқилобни ташкил этиш лойиҳалаштирилиб, 1920 йил августда амир ҳокимиятини тутатишга доир исёнлар ва ҳарбий ҳаракатлар бошланади.

Қизил Армия қўшинларидан енгилиб, Бухоро аркини ташлаб кетишга ва Шарқий Бухоро чегараларида ушбу қўшин билан жанг қилишга тўғри келди, бироқ барча жангларда енгилиб, 1921 йил 4 март куни қўшни Афғонистон амирлигига чиқиб кетди ва у ерда оиласи, яқинлари билан бошпана топди.

Россия Империяси банкларидағи ҳисоб-рақамлари блокланди, хорижий банклардаги ҳисоб-рақамларидан ҳам фойдалана олмади. Сўнгти йилларда Қобулда яшади, Афғонистон амирлиги собық амир ва хонадон аъзолари, яқинлари (200 кишига яқин)га ғамхўрлик кўрсатди, Қобулда Қалъаи Фоту қароргоҳини амир оиласи учун ажратди. Умрининг охирида кўзи кўр бўлиб қолди. Унинг автобиографик “Бахоро ҳалқининг хасратлари” асари бизнинг кунгача етиб келган. 1944 йил 5 май куни 64 ёшида вафот этди ва Афғонистоннинг Қобул шаҳридаги Шадои Солиҳин қабристонига дафн этилди.

Қўқон, Хива хонлилиги ва Бухоро амирлигининг сўнгги ҳукмдорлари ҳаётининг сўнгти йиллари ачинарли бўлиб, ушбу ҳолатга ўзлари айбдор деган хулосалар билан бир қаторда, уларни ҳимоя қилувчи қатор позицияли тадқиқотчилар бор. Ушбу кичик мақолада, уларнинг ижобий ёки салбий

имижига эмас, балки ўша даврдаги мавжуд ҳолатни ёритишга эътибор қаратилди.

Ушбу хукмдорларнинг сўнгги йилларида доир маълумотлар рус манбаларида кенг ёритилган, бироқ маҳаллий манбаларда бундай маълумотлар бўлсада, ушбу адабиётларнинг ўзи кенг кутубхоналарга тақдим этилмаган. Айниқса, интернет ижтимоий тармоқлардаги дисбаланс яққол кўзга ташланади.

Шу боис маҳаллий манбаларни, айниқса ўша даврда ёзилган адабиётларни Интернет ижтимоий тармоқларга кенг жойлаштириб, ўз манбаларимиз билан маҳаллий ўқувчиларни таъминлашда устувор позицияга эга бўлиб боришимиз керак.

Шу билан бирга, “рангли инқилоблар” тактикасини ўрганиш, ташқаридан туриб инқилобларни ташкил этиш механизмларни таҳлил этиш, таъсир кучларини аниқлаш ва уларни олдини олишда XX аср бошларидағи юртимиздаги инқилобларни, ўша давр сиёсий етакчилари, сиёсий элитанинг хулқ-атворини ўрганиш муҳимдир.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Сеид Магомет Худояр-Хан Коканский // «Нива», 1873, № 18. — С. 276-279, 285.
2. Диваев А. [Последние дни Худояр-хана](#) // [Туркестанские ведомости](#). — 1916. — № 20, 26 января / 8 февраля. — С. 120—134; <https://etarix.uz/maqolalar/489-maqola.html>; Алибеков М. Домашняя жизнь последнего кокандского хана. — Ежегодник Ферганской области, т. II, Н.-Маргелан, 1903; Кауфманский сборникъ изданный в память 25 лъть истекшихъ со дня смерти покорителя и устроителя Туркестанского края генераль-адъютанта К.П. фонъ-Кауфмана I-го – М. 1910. С. LVI-LVII (информация в тексте статьи и с носках).

3. “Туркистон вилоятининг газети”, 1881 йил 15 март; Худоёрхоннинг вафоти // Ш.Юсупов. Тарих Уммони сирлари / <https://e-tarix.uz/maqolalar/489-maqola.html>

4. Кауфманский сборникъ изданный в память 25 лъть истекшихъ со дня смерти покорителя и устроителя Туркестанского края генераль-адъютанта К.П. фонъ-Кауфмана I-го – М. 1910. С. LVI-LVII, LVIII, LXI, LXIII (информация в тексте статьи и с носках).

5. Умаров Ш. Худоёрхон авлодлари тарихи. – “Адабиёт учқунлари”, 2016.

6. Айрим манбаларда сургун қилинган Хива хони оиласи ва яқинлари вакиллари 14 киши деб кўрсатилган. Улар орасида собиқ Мухаммад Рахимхоннинг 3, ва собиқ Сайд Абдуллохоннинг 2 нафар ўғиллари ҳам бўлган (Бекмуҳаммад У. Хоразм ва хоразмликлар. – Олтинчи китоб – Бухоро шаҳри. “Дурдон” 1923, Б. 121-122).

7. Абдурасул, собиқ хон акасининг ўғли, бу пайт маҳаллий милиция мактабига ўқишига кирган ва оила аъзолари билан яшамасди.

8. Военно-историческая льтопись 2-го закаспийского железнодорожного батальона, нынъ 2-го закаспийского железнодорожного батальона. Часть 1-я. – Киевъ, 1910. “Его высочество Эмир Бухарский”, страница не пронумерована.

9. Военно-историческая льтопись 2-го закаспийского железнодорожного батальона, нынъ 2-го закаспийского железнодорожного батальона. Часть 1-я. – Киевъ, 1910. “Его высочество Эмир Бухарский”, страница не пронумерована.

ПОСЛЕДНИЕ ХАНЫ И ЭМИРЫ

Аннотация. В статье описаны жизнь и последние годы последних правителей Коканского ханства, Хивинского ханства и Бухарского эмирата, а также деятельность этих правителей и причины их отстранения от власти. Статья также рекомендуется для изучения исходных факторов, связанных с установлением республиканской формы правления.

Ключевые слова: ханство, эмират, правитель, монархия, республика, революция, мятеж.

THE LAST KHAN AND AMIRS

Annotation. The article describes the life and last ears of the last rulers of the Kokan Khanate, the Khiva Khanate and the Bukhara Emirate, as well as the activities of these rulers and the reasons for their removal from power. The article is also recommended for studying the initial factors associated with the establishment of a republican form of government.

Key words: khanate, emirate, ruler, monarchy, republic, revolution, rebellion.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14499062>

Azizbek Muminov

Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston
Milliy universiteti Tarix fakulteti 2-kurs magistranti
Email: amuminov337@gmail.com
Dotsent, t.f.f.d (PhD) J.Tog’ayev taqrizi ostida

XX ASR BOSHIDA TURKISTONDA MAHALLIY TA’LIMNING AHVOLI VA AHOLINING SAVODXONLIK DARAJASI

Annotatsiya: Ushbu tadqiqot ishida XX asr boshida Turkiston o’lkasidagi mahalliy ta’lim tizimining ahvoli, ta’limdagi mavjud muammolar jadidlarning asarlari va maqolalari orqali tahlil qilinadi. Maqolada jadid matbuotida e’lon qilingan ma’rifatparvarlarning mahalliy ta’limiga oid asarlari, ularda uchraydigan tarixiy va statistik ma’lumotlar analiz va sintez qilinadi. Bundan tashqari, maqolada mahalliy ta’lim tizimining ayanchli ahvoliga sabab bo’lgan omillar ham sanab o’tiladi.

Kalit so’zlar: jadidlar, yangi usul maktablari, maorif, isloh, maktab, madrasa, inqiroz, Turkiston, Rossiya, mahalliy ta’lim, eski maktab, ilmsizlik, boshlang’ich ta’lim.

Kirish. XX asr boshida Turkistonda mahalliy an’anaviy ta’lim tizimi nihoyatda ayanchli ahvolda bo’lib, o’lkada mutaassiblik kuchaygan, aholi esa borgan sari ilm-ma’rifatdan uzoqlashib borayotgandi. Bunga bir tomondan, xonliklarning jahon ilmfani rivojidan orqada qolganligi sabab bo’lsa, ikkinchi tomondan, Rossiya imperiyasining Turkistonda yurgizgan mustamlakachilik siyosati ham aynan aholini

ilmsiz, johil qilib boshqarishga asoslangan edi. Ushbu tadqiqot ishida Turkistondagi mahalliy ta’limning ahvoli va aholining savodxonlik darajasi muhokama qilinadi.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. XX asr boshida Turkistonda mahalliy ta’lim tizimi holati bo'yicha ma'lumotlarni o'sha davrda jadid ma'rifatparvarlari tomonidan matbuotda e'lon qilingan maqola va ularning asarlaridan hamda ayrim tadqiqotchilarining asarlaridan olish mumkin. Jadidlardan Behbudiy, Munavvar qori, Is'hoqxon Ibrat, M.Sh.Muxtoriy, G'ozi Yunus, Abdurauf Fitrat, Abdulla Qodiriy, Botu va boshqalar o‘z asarlarida mahalliy ta’limdagi ahvolni ta'riflab, barchani ogoh bo‘lishga, ilm olishga chaqiradi. Tadqiqotchilardan D.Jamolovaning “Buxoro amirligida jadidlar va qadimchilar faoliyati (XIX asr oxiri – XX asr boshlari)” dissertatsiyasi va shu nomdagи monografiyasida, S.A.Xalimovaning Ubaydulla Asadullaxo‘jaev va “Sadoi Turkiston” nomli monografiyasida, M.B.Alijonovning “XX asr boshlaridagi ijtimoiy-siyosiy va madaniy jarayonlarda G‘oziy Yunusning tutgan o‘rni” nomli dissertatsiyasida, T.Q.Qozoqovning “Farg‘ona vodiysida jadidchilik harakati” nomli monografiyasida va boshqa bir qator tadqiqotchilarining asarlarida ham o’rganilayotgan mavzuga doir ma'lumotlar uchraydi.

Tadqiqot metodologiyasi. Tadqiqot ishini yoritib berishda tizimlilik, qiyosiy va statistik tahlil, analiz va sintez usullaridan unumli foydalanishga harakat qilindi. Bunda XX asr boshida matbuotda e'lon qilingan maqola va asarlardagi ma'lumotlar batafsil o‘rganilib, ulardan tegishli xulosalar chiqarildi. Maqolalardagi statistik ma'lumotlar chuqur tahlil qilinib, natijalar umumlashtirildi va qo'yilgan maqsad hamda vazifalar bajarildi.

Tahlil va natijalar. Jadid matbuotida mahalliy ta’lim tizimiga bag’ishlangan maqolalar juda ko’p e’lon qilingan. Biz quyida ularning ayrimlarini ko’rib chiqish bilan cheklanamiz. Shu o'rinda aytib o'tish lozimki, jadidlar orasida eski maktablar xususida ikki xil qarash mavjud bo'lgan. Masalan, birinchi guruh optimistik ruhdagi jadidlardan Mahmudxo‘ja Behbudiy va Hoji Mu'inlar eski maktablarning o'qituvchilarini saqlab qolgan holda isloh etishlik mumkin deb hisoblagan bo'lsalar, ikkinchi guruh nisbatan

pessimistik ruhda bo'lib, ulardan biri G'oziy Yunus bunday turdag'i maktablarni yangilab bo'lmasligini, ularni faqatgina yopib tashlashlik lozimligini ta'kidlagan [1:15]. Is'hoqxon Ibratning ham fikrlarini shunday ruhda deyish mumkin. Gap shundaki, 1907-yili "Turkiston viloyatining gazeti"da eski maktablar tarafidori Mulla Husanxo'ja eshon bilan Is'hoqxon Ibrat o'rtasida keskin munozara bo'lib o'tadi. Mulla Husanxo'ja domla eski maktablarni yengil-yelpi isloh qilish shiori bilan chiqadi, Ibrat esa eski maktablarni tubdan o'zgartirish, ular o'rnida zamon talablariga javob beradigan maktablar ochish tarafidori bo'ladi. Shu munosabat bilan Ibrat 1907-yilda Munavvar qorining taklifiga binoan Toshkentga keladi, uning maktabidagi bitirish imtihonlarida qatnashadi, olgan taassurotlarini maqolada bayon etadi. Uning 1907-yilda "Turkiston viloyatining gazeti"ning 72-sonida e'lon qilingan "Eski maktablar xususida" nomli maqolasidagi ushbu jumlalar ham uning eski maktablar xususidagi qarashlari keskin bo'lganidan dalolat beradi: "Bolalarni eski maktablar ila jamoalarg'a taqsim qilib, kelish-ketish, kaltak va qamchi mas'alalarin isloh qilmoq-da albatta lozimdur. Lekin o'qulajak kitoblar – mazkur eski kitoblar, o'qulajak domlalari-da – eski domlalari, maktablari-da eski hasharot uyalari bo'lduqinda bu mas'alalar ming marotabalar isloh etilsa-da, bekor, behudadur. Agar vijdon, insof ila muhokama qilsak, tavaqqufsiz va taraddudsiz eski maktablarimizni asoslaridan yiqib, joylariga tartib va intizom bilgan yangi usul domlalarning himoyasida bo'lgan maktablar vazh etmaki lozimdur [7:155]".

"Sadoi Turkiston" gazetasi xodimlari Turkiston bo'ylab sayohatga chiqadilar, shahar va qishloqlarda bo'lishib, xalqning turmush tarzini, xususan maorif ishlarining qandayligini o'z ko'zlar bilan ko'radilar. Buni gazetada bosilgan turkum maqolalar yorqin ko'rsatadi. Jumladan, Nushiravon Yovushevning "Sayohat parchalari" sarlavhali turkum ocherkida Turkiston shaharlaridagi maorif ishlarining oqsoq manzarasi batafsil chizib berilgan. Chunonchi, muallif Namangan shahridagi maorif ishlariga to'xtalib, "ilum va maorif ishlarina kelsak, bu ham Turkistonning boshqa shaharlari kibi baloliq beshikindan chiqolmay turadur" deb yozadi. Muallif zo'ravonlik

qurboni bo‘layotgan mahalliy xalqlarning ayanchli qismatidan o‘kinib “maorifsz millat yashamas”, degan qat’iy xulosa chiqaradi. “Sadoi Turkiston”ning zahmatkash publisist xodimlaridan Munavvar qori Abdurashidxonov ham ushbu ijodiy safarda ishtirok etgan. Uning Namangan shahri ahliga maorif yuzasidan o‘z taklif, mulohazalarini bildirgani gazetada yozilgan. Shuningdek, Turkistonning boshqa yirik shahlarida ham bo‘lib, ma’rifatchilarga yangi o‘quv dasturlarini tuzishda ko‘mak beradi[13:50]. Munavvar qori o‘zining 1906-yil 14-iyunda “Taraqqiy” gazetasida e’lon qilingan “Bizni(ng) jaholat – jahli murakkab [5:162-167]” maqolasida mahalliy mакtab va madrasalar va ulardagi o‘qitish tizimini qattiq tanqid qiladi. Muallimlarning o‘quvchilarni qiyin va murakkab darsliklar bilan ovora qilib, umrlarini xazon qilayotganini achinib so’zlaydi. Munavvar qori, hatto, kattalar ham tushunishga qiynaladigan Navoiy, Fuzuliy, Xo’ja Hofiz va Bedil kabi mumtoz adabiyot namoyandalari asarlarini hali savodi ham chiqmagan, ilmdan bexabar, din-u oxiratni hali mohiyatiga yetmagan bolalarga o‘qitib ularni qiyashni, umrini behudaga ketkazishni qattiq qoralaydi. Buning o‘rniga bolalarning savodini osonroq yo’l bilan chiqarishni, dunyoviy fanlarni oson va qiziqrли yo’l bilan o‘qitish lozimligini ta’kidlab, eski va yangi usul maktablari natijalarini o’zaro taqqoslaydi. Bundan tashqari, u ta’lim maskanlarida bolalarni tayoq bilan urishni qoralab, maktablarning bir nizomda faoliyat yuritishini taklif qiladi. Munavvar qori o‘z hislarini “Agar bizlarning maktablarimiz boshqa millatlar maktablari kabi bir nizomg‘a qo’yilib, yaxshi muallimlik vazifasini lozimincha ado qilurlik kishilardin muallimlar tayin qilinsa edi, ma’sum avlodlarimizning ruhini hayotig’a, dunyo va oxiratining saodatig’a birinchi sabab o’ladurg’on ilm va maorifdin bu darajada mahrum o’lmakig’a sabab bo’lmas eduk [5:166]”, deya ifodalaydi.

Mahalliy ziyorilar Turkistondagi o‘quv tizimning barcha bosqichlarini tubdan yangilash zarur va shart ekanligini gazeta sahifalarida chop etilgan maqolalarda isbotlab berishgan. O‘sha paytlarda yangi usul maktablari yo‘lga tushayotgan bo‘lsa ham, yangi tartibdagi madrasalar yo‘q edi. Shuning uchun ham “Sadoi Turkiston” bu

muammoni kechiktirmay hal etish kerakligini xalqqa anglatishni o‘zining burchi deb biladi. “Hozirgi madrasalarimizda o‘quv” sarlavhali maqolada Samarqand, Buxoro, Andijon kabi yirik shaharlardagi madrasalarning o‘quv tizimini keskin tanqid qiladi. Gazetaning 1914-yil 20-iyun sonida bosilgan ushbu maqola Turkistonning ertasi bo‘lgan yoshlar birgina din ilmi bilan cheklanib qolayotganligini chuqur nadomat bilan bayon qiladi[13:54].

Keyinchalik M.Sh.Muxtoriy ham “Turkiston xabarları: matbuot” maqolasida o‘lkadagi mahalliy ta’limning ahvolini quyidagicha ta’riflaydi: “Turkiston maktabalarında, Turkiston madrasalarında shogirdlarimizni hayot kishisi qilib chiqaraturg‘on birgina muallim, birgina kitob yo‘qlig‘i Turkiston xalqi kabi zakiy va tab’an har narsaga musta’id bir millatni butun xurofotparast etib qoldirg‘on edi [4]”. Shuningdek, bu maqolada ham madrasalarning faqat diniy ta’lim berib, yoshlarni dunyoviy ta’limdan mosuvo etishi ularni iste’dodsiz bo’lib qolayotganiga sabab bo’layotgani ta’kidlangan.

G’ozi Yunus o‘zining “Eski maktablar haqinda” she’rida eski maktablarning rivojlanishga to’siq bo’layotganini ta’kidlab, ochilgan yangi maktablarda o’qish lozimligini uqtiradi [3]. G’oziy Yunus “Ulamoi-kiromlarimizdan fatvoyi-shar’iy so‘raymiz” , “Qori bo‘lishni xohlovchilarg‘a” maqolalari bilan o’lka ulamoyi kiromlariga o‘z maqolalari orqali bundan buyon ta’limni isloh etmasdan turib yashab bo‘imasligini uqtirishga harakat qildi deb yozadi tadqiqotchi M.Alijonov [1:16].

Atoqli ma’rifatparvar Dadamirza qori ham maktab va ta’lim islohi haqidagi o‘z fikrlarini “Sadoyi Farg‘ona” gazetasidagi maqolalarining birida davom ettirib, o‘z qarashlarini atroflichcha bayon etadi. U o‘zining maqolasida: “bizga nima kerak?” - deb savol berilsa, kishilar juda ko‘p hisobsiz keraklarni aytadilar, har qancha aytsalar haqlidirlar, ammo mening fikrimcha: “...hamma keraklardin ortuqroq kerak maktabdur...”, - deydi. U bu maqolasida o‘lkadagi mavjud o‘quv tizimi, maktablarning ahvoli, aholining ilmgä munosabati, ilmsizlikning taraqqiyotga ko‘rsatayotgan salbiy ta’sirini ko‘rsatib o‘tgan holda, maktablar islohi davr talabi ekanligini isbotlab beradi:

“...Shuning uchun bo‘lsa kerak, bir maktab bolamizni o‘ndan biri ahli savod bo‘lib qolmish, to‘qqiz hissasi avom qolmoqda. Ilm degan aziz va sharofatlik narsadan mahrum qolmoqda va jaholat qurboni bo‘lub islom kishisini boshqalarga masxara qildurmakdadur...”. Shu bois, Dadamirza qori islohotni mактабдан boshlashni taklif qiladi. Uning fikricha, insonga ilmga, san'atga va adabiyotga intilish uchun qobiliyat berilgan. U: “Ilm-ma'rifat ma'lum bir kishilar uchungina kerak, barcha ommaning ilmli bo‘lishi shart emas”, -deguvchilarning fikriga keskin qarshi chiqadi [10:64-65].

Turkiston jadidlarining “otasi” hisoblangan Mahmudxo’ja Behbudiy ham bu masalada qator maqolalar e’lon qilib, mavjud muammolarni sanab o’tadi. U, shuningdek, bularning barchasiga yechim sifatida ilm va maorifni o’rganmoq va ta’lim tizimini isloh etmoq, deya javob beradi. Uning qator maqola va asarlarida o’lkadagi ilm-fan va maorifning yuksalishiga to’siq bo‘lib kelayotgan jamiyatdagi illatlar haqida so’z boradi. Behbudiy jamiyatdagi muammolarning asl sababini jaholatda deb biladi. Shu o’rinda e’tiboringizga Behbudiyning “Padarkush” asaridan bir parchani havola qilishga ijozat bergaysiz: “Bizlarni xonavayron, bachagiryon va bevatan va bandi qilg’on tarbiyasizlik va jaholatdur: bevatanlik, darbadarlik, asorat, faqr-u zarurat va xorliklar hammasi ilmsizlik va betarbiyalikning mevasi va natijasidur. Dunyoga taraqqiy qilgan xalq ilm vositasi ila taraqqiy qiladi. Asir va zabun bo’lganlar-da beilmlikdan. Modomiki, bizlar tarbiyasiz va bolalarimizni o’qutmaymiz, bul tariqa yomon hodisalar va badbazxtliklar oramizda doimo hukm-farmo bo‘lsa kerak. Bu ishlarni yo’q bo’lmog’ig’a o’qumoq va o’qutmoqdan boshqa iloj yo’qdur [6:50]”.

Abdurauf Fitrat esa o’zining “Najot yo’li” asarining “Ahvolimiz bayonida” qismida yo’limizdan adashib parishonlikka tushganimizni yozadi: “Hayotning (yakkama-yakka) kurash maydonida va jahon xalqlari orasida islom olamining farsax-farsax orqada qolganligini bayon qilishga ehtiyoj yo’qdir. Biz Turkistonliklar esa boshqa islomiy jamiyatlarga nisbatan dunyoyi jahon parishonlikka tushib, yo’limizdan adashganmiz. Ajabo, bu parishonlikning sababi nedir?”. Va bu ahvolga sabab sifatida,

haqiqatan ham, tushkunlik va xarobligimizning sabablaridan biri ilmsizlik va harakatsizlidir, deya javob beradi[11:63].

XX asr o'zbek adabiyotida muhim o'rinnegi jadid namoyandasiga Abdulla Qodiriy ham "Ko'r bizning ahvolimiz, g'aflatda qanday yotamiz" deb boshlanuvchi "Ahvolimiz" she'rida kishilarning farzandlariga ilm o'rgatmasligini va jamiyatdagi turli illatlarni tanqid qiladi. She'r so'nggida esa yoshlar va ziyolilarini "Kelingiz yoshlar, ziyolilar bu kun g'ayrat qiling. Uxlaganlarni agar Qodir esak uyg'otamiz", deya jamiyatni ogoh bo'lishga chaqiradi [9:504]. Botuning "Yoshlar uchun", "Uyg'otish" kabi she'rlarida ham aynan shunday ruhni sezish mumkin [12:36-37].

To'lagan Xo'jamyorov (Tavallo) o'zining "Ilm natijalari" maqolasida o'lkadagi ta'limning ahvolini jonli misollar bilan ta'riflab, yurtdoshlarga quyidagi xitob bilan murojaat qiladi: "Ey qardoshlarim, yoshlarning baxtlik yashamoqlari bizning ijтиҳодимизга bog'lidur. Agarda yoshlar tarbiyatsiz o'ssalar, bir kun bular siz bilan bizni duoibad qilurlar, nafrat etarlar. Agarda bizlar yoshlikdin yaxshi tarbiya qilsak, dunyoda rohat yashab, boshqalar kabi dunyodin bearmon ketarlar. Agarda bizlar uxbab yotsak, millatimizning bog'i hayotiga pechaklar o'tquzub, umid gullarin qurutarmiz. Bizlarga dunyoda na kerak: o'qimoq, dunyo maishatidin bahralanmak, Yevropa maktablarinda tarbiya ko'rmak. Yetar bizlarga ulog' chopmoq, bachcha o'yynamoq, to'y to'ylamoq. O'rnak bo'lsin bizga Yevropa maktablari, saboq bo'lsun"[2:238].

Mo'minjon Muhammadjonovning "Bizda muallimlar"[2:219] maqolasi ham o'sha davr mahalliy ta'lim tizimidagi ayanchli ahvol va mavjud muammolar haqida muhim ma'lumotlarni beradi. Maqola "har bir millatning taraqqiy va taoliysi borib ikki narsaga tiraladir: birinchisi pulga va ikkinchisi usuli ta'limdan xabardor muallimlarki, bu ikkisidan birgina bo'lmasa ham, olam xarobalikka yuz tutadir", deb boshlanadi. Muallif maqolada Yevropa muallimlarining ilm-u hunarda nihoyatda yuksalgani, bizda esa muallimlarning mayda-chuyda masalalar bilan ovora bo'lib qolganimizni tanqid ostiga oladi. Maqolada mahalliy ta'lim ta'rifi quyidagi so'zlarda ochib beriladi: "Biz Xudo va payg'ambar tarafidan man qiling'on nafsoniyat va xusumatdan solinadurgan

masjidi zararlar ko'p, maktab yo'q. Bola bechoralarning necha yil umrlarini oxurlarda va hifzi sihatga to'g'ri kelmaydurg'on qabrga o'xshag'on qorong'u uylarda churutadirg'on domlalar bor. Tezlik ila ko'b narsalarning bilduradurg'on muallimlar yo'q darajasida ozdirlar". Maqlada shuningdek qancha mehnat va mashaqqatlar-u qiyinchiliklar bilan topgan pulini to'y va bazmlarga sarf qilib yuborayotgan insonlar qattiq tanqid ostiga olinadi. Muallimlarni esa o'z maslak-maqsadlaridan chekinmaslikka chaqiradi. Endi esa jadid namoyandalaridan Uchqunning Turkistonda mahalliy ta'lif tizimi va savodxonlik darajasi qanday bo'lganini yoritib beruvchi "Ilm va maorif"[2:204-208] maqolasini tahlil qilsak. Uchqun ushbu maqolasida dunyoda ilmga nisbatan bildirilayotgan rag'bat, hukumatlar tomonidan qaratilayotgan e'tibor, ajratilayotgan mablag'lar haqida so'z yuritib, statistik ma'lumotlar asosida Rossiya va Turkistondagi ayanchli ahvolni ochib beradi. Uchqun bu maqolasida jahon mamlakatlarida majburiy ta'lifning mavjudligi aholi savodxonligi ko'rsatkichiga katta ta'sir ko'rsatishini raqamlarda isbotlab beradi, bu paytda Rossiyada esa miqdor juda past bo'lib, bunga majburiy ta'lifning mavjud emasligida ekanini ta'kidlab o'tadi. Quyida dunyo mamlakatlarida o'sha paytda har yuz kishi hisobida necha kishi o'qish yozishni bilishi haqida ma'lumot beriladi:

1-jadval

№	Davlatlar	O'qish yozishni biladiganlar miqdori (har 100 kishi hisobida)
1	Yangi Zelandiya	99 kishi
2	Germaniya	98 kishi
3	AQSH	92 kishi
4	Angliya	90 kishi
5	Fransiya	85 kishi
6	Avstriya	52 kishi
7	Rossiya	16 kishi

Shu o'rinda alohida ta'kidlab o'tish kerakki, bu paytda Turkistonda ahvol juda ayanchli bo'lib, muallif buni "biz Turkiston musulmonlariniayirub hisob qilinsa, ruscha tugul o'z tilimizda o'quv, yozuv bilguvchi kishi, yuzdan birgina topilmog'i ham ma'lum emas", deya ta'riflaydi.

Uchqun ushbu maqolasida jahon mamlakatlarida o'z davrida ta'limga ajratilgan mablag'larning miqdorini o'zaro taqqoslab, masalaning asl mohiyatini ochib bergen. E'tiboringizga maqolada keltirilgan ayrim raqamlarni jadvalda havola qilmoqchimiz. Ushbu jadvalda 1900-yillarda boshlang'ich ta'limga aholi jon boshi hisobiga ajratiladigan mablag' davlatlar kesimida beriladi:

2-jadval

Nº	Davlatlar	Ajratiladigan mablag' miqdori
1	Yangi Zelandiya	6 so'm 50 tiyin
2	AQSH	4 so'm 86 tiyin
3	Germaniya	2 so'm 45 tiyin
4	Shvetsariya	2 so'm 43 tiyin
5	Belgiya	1 so'm 99 tiyin
6	Gollandiya	1 so'm 99 tiyin
7	Fransiya	1 so'm 66 tiyin
8	Yaponiya	54 tiyin
9	Rossiya	19 tiyin

Agar shu mablag'larni shu maktablarda o'qiydigan har bir o'quvchiga taqsim qilinsa miqdor quyidagicha bo'ladi:

3-jadval

Nº	Davlatlar	Ajratiladigan mablag' miqdori (yiliga)

1	Yangi Zelandiya	40 so'm
2	AQSH	23 so'm 60 tiyin
3	Belgiya	19 so'm 88 tiyin
4	Gollandiya	19 so'm 88 tiyin
5	Ruminiya	18 so'm
6	Angliya	15 so'm 75 tiyin
7	Shvetsariya	15 so'm
8	Rossiya	10 so'm 93 tiyin

Bu hali hammasi emas. Rossiya uchun ko'rsatilgan 10 so'm 93 tiyinning hammasi xazinadan ajratilmay, balki zemstvo, qishloq va shaharlardagi jamiyatlar hamda ota-onalar berib turadigan pullar hisobiga ko'rsatkich shu miqdorni tashkil etadi. 1900-yilda Rossiya g'aznasining 150 dan bir qismigina ibtidoiy (boshlang'ich) maktablar uchun ajratilgan. Bu aholi jon boshiga taqsimlanganda 7 tiyindan ziyodroqdan to'g'ri keladi. Turkistonda esa hatto shu 7 tiyindan ham ajratilmagan, bundan tashqari o'lkada turli jamiyatlar ham yo'q, buning ustiga aksariyat aholi qashshoq daromadi past bo'lib, muallif aytganidek, haftada bitta non yoki 2 tiyin bilan cheklanadi. Yuqoridagi ma'lumotlardan xulosa qilish mumkinki, bu davrda mahalliy ta'limning ahvoli o'ta ayanchli ahvolda bo'lgan. Darhaqiqat, muallif ta'kidlaganidek, "Turkiston musulmonlari Rusiyadagi boshqa millatlarg'a qaraganda neqadar johil va neqadar keyinda qolg'ondurlar". Lekin, "baliqning suvsiz yashamog'i mumkin o'lmag'oni kabi, insonning ham ilmsiz yashamog'i mumkin emas".

Xulosa va tavsiyalar. Turkiston mahalliy ta'lim tizimidagi ayanchli ahvol va kamchiliklar haqida yana ko'plab jadid namoyandalari maqolalarini va ulardagi sanab o'tilgan muammolarni keltirish mumkin. Biz mavzuning natijalarini umumlashtirish va xulosalash maqsadida e'tiboringizga so'nggi misolni keltiramiz. Abduvahhob Ibodiy o'zining "Turkiston ahli nima uchun inqirozga yuz tutdilar" nomli maqolasida inqirozning beshta asosiy sababini sanab o'tadi [8:200]. Jumladan, birinchi sabab

sifatida maktab va madrasalarning ta’lim usulini zamonga muvofiq isloh qilmasdan, muallim va mudarrislarning bu borada o’z vazifalarini bajarmaganliklari asos qilib ko’rsatiladi. Ikkinchi sabab esa maktab va madrasalardagi o’qitiladigan kitoblarni keraklilarini saralab, nokeraklarini qisqartirish, ta’lim usullarini yangilash o’rniga, hamon qiyin yo’lni tanlab orqaga tortish ekanligi aytiladi. Muallif uchinchi sababda quyidagilarni yozadi: “bul yengillatmoq to’g’risida muhokama qilib, madaniy qavm va millatlarning muallim va mudarrislaridan ibrat olib, maktab va madrasalarining tartib-taomillariga qarab, alardin ma’lumot olub fikr yurg’uzmoqni “harom”dek bilib, bizlarning ota-bobolarimiz shul yo’l bilan kelganlar deb fahm etib, o’z aqidalarincha islohni zo’r gunoh sanaganlaridur. Vaholanki, maktab va madrasalarni zamonag’a qarab isloh qilmoq ulug’ shariatimizni arkonlaridan erdi”. Buning ustiga muallimlarning maktab va madrasalarni maishat joyga aylantirib, o’z manfaatlari yo’lida foydalanishi inqirozning to’rtinchi sababidir. Taraqqiy etgan millatlar chet shaharlarga borib, ko’plab tajriba va bilim olib kelib, o’z millatiga o’rgatayotgan bir paytda, butun islom olami bunday ishlarga xohish bildirmay, ota-bobolarimiz qoldirgan ilmni ham tanimaydigan darajaga yetganidan xorlik bilan umr o’tkazmoqdalar. Bu esa muallif ta’kidlagan so’nggi sababdir. Bular Turkiston o’lkasida mahalliy ta’lim tizimining ayanchli ahvoli va bunga sabab bo’lgan asosiy omillardir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Alijonov M.B. XX asr boshlaridagi ijtimoiy-siyosiy va madaniy jarayonlarda G’oziy Yunusning tutgan o’rni: tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)...dis.avtoref. – Toshkent, 2023.
2. Borar yo‘ling Turkistondir...[Math] / Z.Abdurashidov, N.Egamqulova. – Toshkent: Akademnashr, 2023.
3. G’ozzi Yunus. Eski maktablar haqinda // Tarjimon: A.Yo‘ldoshev. “Ishtirokiyun” gazetasi. 1919-yil 9-iyul.

4. Muxtoriy M.Sh. Turkiston xabarlari: Matbuot // Tarjimon: S.Nurmuhamedov. “Mehnatkashlar tovushi” gazetasi. 1918-yil. 29-o‘ktabr.
5. Odob-axloq kitobi / Jadid namoyandalari: M.Behbudiy va boshq. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2019.
6. Беҳбудий М. Танланган асарлар // Тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар: Б. Қосимов. – Тошкент: Маънавият, 2006.
7. Ибрат И.Т. Танланган асарлар / масъул муҳаррир: Б.Қосимов. – Тошкент: Маънавият, 2005.
8. Ирзаев Б. Қўқон тарихидан лавҳалар [Матн]. – Тошкент: Akademnashr, 2020.
9. Қодирий А. Танланган асарлар / нашрга тайёрловчи Х.Қодирий. . – Тошкент: Sharq, 2014.
10. Қозоқов Т.Қ. Фарғона водийсида жадидчилик ҳаракати (монография). – Наманган, 2018.
11. Фитрат А. Танланган асарлар: 6 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2010.
12. Ходиев М.Б. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2004. — 36-37 б.
13. Ҳалимова С.А. Убайдулла Асадуллахўжаев ва “Садои Туркистон”. Монография. – Тошкент: “Университет”, 2021.

СОСТОЯНИЕ МЕСТНОГО ОБРАЗОВАНИЯ И УРОВЕНЬ ГРАМОТНОСТИ НАСЕЛЕНИЯ В ТУРКЕСТАНЕ В НАЧАЛЕ XX ВЕКА

Аннотация: В данной исследовательской работе через труды и статьи современников анализируется состояние местной системы образования в Туркестанском крае в начале XX века, существующие проблемы в образовании. В статье анализируются и синтезируются труды просветителей по местному образованию, опубликованные в современной печати, а также обнаруженные в

них историко-статистические данные. Кроме того, в статье перечислены факторы, обусловившие плачевное состояние местной системы образования.

Ключевые слова: джадиды, новые школы, образование, реформа, школа, медресе, кризис, Туркестан, Россия, местное образование, старая школа, невежество, начальное образование.

THE STATE OF LOCAL EDUCATION AND THE LEVEL OF LITERACY OF THE POPULATION IN TURKISTAN AT THE BEGINNING OF THE 20TH CENTURY

Abstract: This research study analyzes the state of the local education system in Turkestan at the beginning of the 20th century, the existing problems in education through the works and articles of the Jadids. The article analyzes and synthesizes the works of enlighteners on local education published in the Jadid press, as well as the historical and statistical information found in them. In addition, the article also lists the factors that caused the deplorable state of the local education system.

Keywords: Jadids, new method schools, education, reform, school, madrasa, crisis, Turkestan, Russia, local education, old school, ignorance, primary education.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14498911>

Ixtiyor Abdusharipov

O‘zMU Tarix fakulteti magistranti
e-mail: abdusharipovixtiyor54@gmail.com

XORAZM HUDUDIDAGI ARXEOLOGIK TADQIQOTLAR VA MANBALAR TARIXIDAN

Annotasiya. Ushbu maqola Xorazm hududidagi bronza davri arxeologik yodgorliklarini va ularning tarixiy manbalardagi aksini o‘rganishga bag‘ishlangan. Xorazm bronza davri Markaziy Osiyoning o‘ziga xos madaniy va ijtimoiy jarayonlarini ifodalaydi va ushbu davrda shakllangan turli madaniyatlar yuqori rivojlanish darajasi bilan ajralib turgan. Maqolada qadimiy qo‘rg‘onlar, mozorlar va turli xil ashyoviy topilmalar orqali bronza davridagi Xorazm aholisi turmush tarzi, iqtisodiy faoliyati, diniy e’tiqodlari va texnologik bilimlari yoritilgan. Bundan tashqari, maqola Xorazmnинг bronza davriga oid madaniy obidalarni tadqiq qilishda mahalliy va xorijiy arxeologlarning o‘rganish ishlari va ularning ilmiy natijalari haqida ham ma’lumot beradi. Shu bilan birga, maqolada Xorazm hududidagi qadimgi madaniyatlar va ularning mintaqaviy hamda xalqaro aloqalari haqida ilmiy nazariyalar keltirilgan. Ushbu tadqiqotlar bronza davri Xorazmining Markaziy Osiyoda va undan tashqaridagi boshqa qadimiy madaniyatlar bilan aloqadorligini ochib beradi va ushbu madaniy boylikning ilmiy ahamiyatini ta’kidlaydi.

Kalit so‘zlar: bronza davri, qadimgi, arxeologik yodgorliklar, qadimgi qo‘rg‘onlar, qishloq xo‘jaligi, hunarmandchilik, madaniy aloqalar.

Kirish. Xorazm hududi bronza davri arxeologiyasi Markaziy Osiyoning o‘ziga xos tarixiy rivojlanish jarayonini o‘rganishda katta ahamiyatga ega. Bronza davri miloddan avvalgi 3-2-ming yilliklarni qamrab oladi va bu davrda Xorazm o‘zining ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy taraqqiyoti bilan ajralib turgan. Qishloq xo‘jaligi va chorvachilik rivoji, hunarmandchilik va metallurgiyaning takomillashishi kabi jarayonlar o‘z navbatida ilk ijtimoiy tabaqalashuvni yuzaga keltirib, mintaqada murakkab ijtimoiy paydo bo‘lishiga olib kelgan.

Arxeologik topilmalar bu davrda Xorazmda rivojlangan turmush tarzini va amaliyotlarini o‘rganish uchun muhim manba sifatida xizmat qiladi. Ayniqsa, bu hududdagi bronza davri madaniyatları O‘rta Osiyoning boshqa mintaqalaridagi madaniy markazlar bilan iqtisodiy va madaniy aloqada bo‘lganini ko‘rsatadi. Arxeologik tadqiqotlar va manbalar shuni ko‘rsatadiki, Xorazmning bronza davri tarixiy taraqqiyoti nafaqat mahalliy, balki xalqaro miqyosdagi tadqiqotchilar uchun ham katta qiziqish uyg‘otadi [1, 150-155c.]. XIX asrning oxiri va XX asrning boshlarida arxeologlar tomonidan boshlangan o‘rganish ishlari bronza davri Xorazmining turli xil xususiyatlarini, jumladan, ularning ijtimoiy-iqtisodiy va diniy hayotini o‘rganishga imkon berdi. XX asrda taniqli arxeolog S.P. Tolstov rahbarligidagi Xorazm arxeologiya-ekspedisiyasi bu hududda keng ko‘lamli tadqiqotlar olib borib, bronza davri obidalari va ularning tarixiy ahamiyatini o‘rganishga katta hissa qo‘shgan [2, 217-221c.].

Mazkur maqola Xorazm hududidagi bronza davri arxeologik yodgorliklari va ularning muhim manbalardagi o‘rni haqida yanada chuqurroq tasavvur berishga qaratiladi. Shu bilan birga, ularning mintaqaviy va xalqaro tarixiy jarayonlarga ta’siri, qadimgi tsivilizatsiyalar o‘rtasidagi aloqalar va ular orqali ifodalangan madaniy unsurlarni yoritib beradi.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review). Qadimgi Xorazm tarixini o‘rganishda arxeologik ma’lumotlar muhim ahamiyat kasb etgan. XX asrda Xorazm vohasining bronza asri va ilk temir davri arxeologiyasi, madaniyati va tarixini o‘rganilishiga katta hissa qo‘shtigan bir qator olimlar – S.P.Tolstov, Y.G‘.G‘ulomov, M.A.Itina, B.V.Andrianov, M.G.Vorobyeva, O.A.Vishnevskaya, B.I.Vaynberg, V.N.Yagodin, D.Durdiyev, X.Yusupov, M.M.Mambetullayev, L.T.Yablonskiy, G‘.Xodjaniyazovlarning tadqiqotlari e’tiborga molik.

Bronza davriga oid Suvyorgan, Tozabog‘yob va Amirobod madaniyatları yodgorliklarida amalga oshirilgan tadqiqotlarning natijalari S.P.Tolstov nashrlarida [3, 352c.] , Y.G‘.G‘ulomovning monografiyasida [4, 324b.] va M.A.Itinaning ishlarida yoritilgan [5, 52-69c.] . Topilgan arxeologik materiallar tahlili asosida bronza davri ijtimoiy-iqtisodiy masalalari umumlashtirildi [6, 240c.].

1959-1960 yillarda M.G.Vorobyeva mil. avv. I ming yillikning o‘rtalariga oid Dingilja uy-qo‘rg‘onini o‘rgandi [7, 70-80c.]. XX asrning 70-80- yillarda O.A.Vishnevskaya Ko‘zaliqirda yangi tadqiqotlarni amalga oshirdi [8, 532-533c.].

Quyi Amudaryoning so‘l sohil yerlarida ilk temir davri chorvador qabilalari yodgorliklarining o‘rganilishi natijalari bir qator maqolalarda o‘z aksini topdi [9, 530-532c.].

XX asr 70-80-yillarda Ko‘zaliqir madaniyatiga oid Katta Oybo‘yirqal'a va Xumbuztepada keng arxeologik tadqiqotlar boshlandi [10, 529c.].

O‘tgan asrning 60-70-yillardan qadimgi Xorazm tarixini yoritishda arxeologik ma’lumotlardan keng foydalanildi [11, 38-42c.].

XX asrning 90-yillarda Janubiy Orolbo‘yi saklari, Ko‘zaliqir va Quysisoy madaniyatiga oid arxeologik materiallar L.T.Yablonskiy, O.A.Vishnevskaya, Y.A.Rapoport va B.I.Vaynbergning nashrlarida umumlashtirildi [12, 185c.]. Yangi tadqiqotlarning natijalari M.M.Mambetullayev, S.B.Bolelov, S.R.Baratov, R.Abdirimov, Sh.Matasulov, M.Madaminov, V.N.Yagodinlarning maqolalarida hamda G‘.Xodjaniyazov va Q.Sobirovning monografiyalarida o‘z aksini topgan [13,

7-18c.]. Xorazm vohasi bronza davri yodgorliklarning o‘rganilishi 1938-1940 yillarda boshlanib, XX asrning 80-yillari o‘rtalarigacha davom etgan. Mazkur davrga oid Suvyorgan, Tozabog‘yob va Amirobod madaniyatlari yodgorliklarining asosiy qismi Amudaryoning qadimgi Oqchadaryo o‘zani (deltasi) atroflarida aniqlangan.

Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology). Markaziy Osiyo mintaqasida bronza davri quruq va issiq iqlim sharoiti qaror topadi. Bu dasht hududlarida, ayniqsa shimoliy o‘lkalarda chorvachilik xojalik shaklining rivojlanishi uchun qulay sharoit yaratса, ayrim otroq dehqonchilik o‘lkalarida rivojlangan madaniyatlarning inqirozga uchrashishiga olib kelgan. Natijada butun davr mobaynida madaniy-xojalik shakliga ko‘ra keskin farq qiladigan ikki mintaqa qaror topadi. Tabiiy-geografik jihatdan qulay bo‘lgan janubiy o‘lkalarda eneolit davridayoq vujudga kelgan ilk shaharlar ixtisoslashgan hunarmandchilik, savdo, madaniyat rivojlangan markazlari sifatidagi ahamiyati o‘sadi. Shimoliy o‘lkalarda esa o‘zlashtiruvchi xojalik shakli (ovchilik) asosida chorvachilik shaklining vujudga kelishi, mazkur davrning keyingi bosqichlarida sodda dehqonchilining paydo bo‘lishi bilan tavsiflanadi [14, 320-332c.].

Bronza davri metallurgiya taraqqiyotining to‘rtinchi-mis asosida metallarga quyish asosida ishlov berish usulidan foydalanishning boshlanishiga togri keladi. Yuqori haroratdagи issiqlikni saqlaydigan moslamalar (xumdon, metall eritish pechlari) va kulolchilik charxidan foydalanishning boshlanishi hunarmadchilik taraqqiyotiga sezilarli ta’sir qildi. Hunarmandchilik ishlab chiqarishining ixtisoslashuvi va oxir oqibatda ijtimoiy mehnat taqsimoti sifatida ajralib chiqishi bilan yakunlanadi. Bu esa ayrboshlash asosidagi ichki savdo munosabatlarining vujudga kelishiga olib keladi. Jamiatda shakllanayotgan aholining turli qatlamlari ehtiyoji talablariga javob beradigan zargarlik san’ati takomillashib boradi. Bular qadimgi sharqning sivilizatsiya dastlab shakllangan o‘lkalarida chuqur kechayotgan jarayon bo‘lib, ular bilan birgalikda yirik shahar markazlari rivojlanib boradi. Markaziy Osiyoda bu jarayon nisbatan ilgariroq sodir bo‘lgan hudud Turkmanistonning janubiy

qismida Kopetdag va qizilqum o‘rtasidagi kichik daryo va soylardan tashkil topgan tor vohalar hisoblanadi [15, 38b.]. Bu hududda neolit davrida shakllangan otroq dehqonchilik madaniyat eneolit davri davomida takomillashib, bronza davri qadimgi Sharq sivilizatsiyasiga xos madaniyatning vujudga keklishi bilan yakunlanadi.

Tahlil va natijalar. Xorazm vohasi bronza davri yodgorliklarning o‘rganilishi 1938-1940 yillarda boshlanib, XX asrning 80-yillari o‘rtalarigacha davom etgan [3, 48c.] . Mazkur davrga oid Suvyorgan, Tozabog‘yob va Amirobod madaniyatlari yodgorliklarining asosiy qismi Amudaryoning qadimgi Oqchadaryo o‘zani (deltasi) atroflarida aniqlangan [16, 313c.].

Bu davrda Janubiy Orolbo‘yi jamoalari o‘ziga xos xususiyatlardan iborat tabiiy sharoitga moslashgan geografik hududga tegishli moddiy madaniyat va xo‘jaliklar shakllarini rivojlantirib uy-joylar qurilishi an’analari, mehnat qurollari va ro‘zg‘or buyumlarining turlari mahalliy aholi turmush tarziga mos kelgan. S.P.Tolstov, B.V.Andrianov va M.A.Itina Janubiy Oqchadaryo deltasida ko‘p sonli sug‘orish inshootlari qoldiqlarining mavjudligini qayd etib o‘tganlar [17, 5-11c].

Maqolada Xorazm vohasi bronza davri tarixiga tegishli ayrim bahsli masalalar va yetarlicha o‘rganilmagan muammolarga e’tibor berilgan. Vohadagi bronza davri yetakchi xo‘jaligi to‘g‘risidagi masala shular jumlasidandir. XX asrning 60-yillariga kelib, ayrim nashrlarda, Xorazm vohasi bronza davri aholisining tirikchilik manbasi chorvachilik edi, asosiy belgilarga ko‘ra, tozabog‘yobliklar dasht qabilalari bo‘lib, Janubiy Orolbo‘yidagi bronza davri Andronovo madaniyatining bir ko‘rinishi, ya’ni varianti sifatida talqin qilingan [18, 213-215c.] . So‘nggi yillarda Tozabog‘yob va Amirobod madaniyati vakillari dasht madaniyatlarining ijtimoiy- iqtisodiy an’analari asosida rivojlanib borganlari to‘g‘risidagi fikrlar V.M.Masson, A.A.Asqarov va S.Baratovning maqolalarida o‘z aksini topgan [19, 30c.].

Maqolada Janubiy Orolbo‘yi hududlarida O‘rta Osiyoning janubiy viloyatlariga nisbatan qadimiy qabilalarning ijtimoiy- iqtisodiy va madaniy notekis rivojlanish holati qayd etib o‘tilgan.

Xulosa va takliflar. Xorazm hududidagi bronza davri yodgorliklari, o'sha davrning iqtisodiy va madaniy rivojlanishini o'rganish uchun muhim manba sifatida katta ahamiyatga ega. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, bronza davrida Xorazm aholisi qishloq xo'jaligi va chorvachilik bilan faol shug'ullangan, hunarmandchilik, metallurgiya kabi sohalarda ham yuksak darajaga erishgan. Bu rivojlanish nafaqat mintaqaviy o'zgarishlar bilan, balki qadimgi Xorazmning boshqa madaniy va siyosiy markazlar bilan bo'lgan aloqalari bilan ham bog'liqdir.

Qadimiy qo'rg'onlar, mehnat qurollari va diniy marosimlarga oid ashyolar bronza davridagi Xorazmning ijtimoiy tuzilmasi va diniy e'tiqodlari haqida qimmatli ma'lumotlar beradi. Bu topilmalar Xorazm aholisining yuksak madaniy rivojlanishga ega bo'lganini hamda ular o'zlariga xos diniy va marosimiy an'analarga ega bo'lganligini tasdiqlaydi. Ayni paytda, Xorazm bronza davri madaniyatining boshqa mintaqalar bilan o'zaro ta'sirga kirishgani va bu jarayon orqali boyib borganini ham ko'rish mumkin.

Shuningdek, bronza davri Xorazmini o'rganishda S.P. Tolstov va boshqa tadqiqotchilar rahbarligida olib borilgan Xorazm arxeologiya ekspeditsiyasi, bu hududdagi yodgorliklar haqida chuqur ilmiy ma'lumotlar to'plashga asos bo'ldi. Ushbu tadqiqotlar keljakda mintaqaviy arxeologiya uchun yangi ilmiy yondashuvlarni ishlab chiqish, bronza davri Xorazmini chuqurroq o'rganish va unikalqaro arxeologiya maydoniga kiritishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Maqolada keltirilgan xulosalar bronza davri Xorazm madaniyatining yuqori darajadagi o'ziga xosligini, xalqaro tsivilizatsiyalarga bo'lgan ta'sirini va mintaqaviy hamda global madaniy merosdagi o'rnini ochib beradi. Shu tariqa, Xorazm madaniyati haqida bilish keljakdagi arxeologik tadqiqotlarda ilmiy yo'l-yo'riq bo'lib xizmat qiladi va bu qadimiy hududning chuqur tarixiy ildizlariga nisbatan yangi qarashlarni shakllantiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А. Городище Кюзели-гыр. К вопросу о раннем этапе истории Хорезма // ВДИ. – М., 1977.
2. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М.: ИВЛ, 1962.
3. Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.: МГУ, 1948
4. G‘ulomov Y.G‘. Xorazmning sug‘orilish tarixi. – Toshkent: Fan
5. Итина М.А. Новые стоянки тазабагябской культуры // МХЭ. – М, 1959
6. Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья // Тр. ХАЭЭ. – М.: Наука, 1977
7. Воробьева М.Г. Раскопки архаического поселения близ Дингильдже // МХЭ. – М., 1959.
8. Вишневская О.А. Раскопки на городище Кюзели-гыр // АО 1971. – М.: Наука, 1972
9. Вайнберг Б.И. Новая культура раннего железного века в левобережном Хорезме // АО 1971. – М.: Наука, 1972.
- 10.Мамбетуллаев М., Ходжаниязов Г. Раскопки городища Большая Айбутиркала // АО 1977. – М.: Наука, 1978.
- 11.Воробьева М.Г. Проблема «Большого Хорезма» и археология // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979.
- 12.Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья (археология и антропология могильников). – М.: Институт археологии РАН, 1996.
- 13.Мамбетуллаев М.М. Археологические обоснования возраста Хивы // Хива-жемчужина мировой цивилизации. – Ташкент, 1997.
- 14.Лившиц В.А. “Зороастрыйский” календарь // В кн.: Бикерман Э. Хронология древнего мира. – М., 1975
- 15.Abdullayev H. “Avesto” va Xorazm vohasi folklori // O’zbekiston tarixi, 2001. 3-son.

16. Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – Ташкент, 1957
17. Толстов С.П., Андрианов Б.В. Новые материалы по истории орошения в Хорезме // КСИЭ. – М., 1957
18. Заднепровский Ю.А. Памятники Андроновской культуры. К вопросу о суюрганской культуре // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. – М. – Л.: Наука, 1966
19. Массон В.М. Цивилизации древнего Хорезма (этапы и пути самондентификации) // ИМКУ. – Самарканд, 1999

ABOUT THE HISTORY OF ARCHAEOLOGICAL RESEARCHES AND SOURCES IN THE KHOREZM REGION

Abstract. This article is dedicated to the study of Bronze Age archaeological sites in the Khorezm region and their depiction in historical sources. The Bronze Age of Khorezm reflects the distinctive cultural and social processes of Central Asia, characterized by highly developed civilizations that emerged during this period. The article explores the lifestyle, economic activities, religious beliefs, and technological knowledge of the Khorezm population during the Bronze Age, as revealed through ancient fortresses, burial sites, and various artifacts. Additionally, the article provides insights into the research efforts of local and international archaeologists and their scientific findings concerning Bronze Age cultural monuments in Khorezm. The article also presents scholarly theories on ancient cultures within Khorezm and their regional and international connections. These studies reveal the significance of Bronze Age Khorezm's relationships with other ancient civilizations within and beyond Central Asia, underscoring the scientific importance of this rich cultural heritage.

Keywords: Bronze Age, ancient, archaeological sites, ancient fortresses, agriculture, craftsmanship, cultural relations.

ИЗ ИСТОРИИ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ И ИСТОЧНИКОВ ХОРЕЗМА

Аннотация. Эта статья посвящена исследованию археологических памятников бронзового века в регионе Хорезм и их отражению в исторических источниках. Бронзовый век Хорезма отражает характерные культурные и социальные процессы Центральной Азии, которые характеризуются высокоразвитыми цивилизациями, возникшими в этот период. В статье рассматриваются образ жизни, экономическая деятельность, религиозные верования и технологические знания населения Хорезма в бронзовом веке, что иллюстрируется древними крепостями, захоронениями и различными артефактами. Кроме того, статья предоставляет информацию о научных исследованиях местных и международных археологов и их научных находках, касающихся культурных памятников бронзового века в Хорезме. В статье также представлены научные теории о древних культурах в Хорезме и их региональных и международных связях. Эти исследования подчеркивают значимость отношений бронзового века Хорезма с другими древними цивилизациями как в Центральной Азии, так и за её пределами, подчеркивая научное значение этого богатого культурного наследия.

Ключевые слова: бронзовый век, древний, археологические памятники, древние крепости, сельское хозяйство, ремесленничество, культурные связи.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14499296>

Maxmudjon Suyarov

SamDU Tarix fakulteti

2-bosqich magistranti

Email: suyarovmahmud2@gmail.com

Dotsent M. Hoshimova taqrizi asosida

SALAVKIYLAR DAVLATINING JAHON SIVILIZATSIYASI RIVOJIGA QO'SHGAN HISSASI

Annotatsiya: Salavkiylar davlati qadimgi dunyo tarixida ellinizm vorisi bo'lgan qudratli sharq davlatlaridan biri hisoblanadi. Ushbu davlat sarhadlari ulkan hududlarni egalladi va ushbu o'lkalardagi xalqlar madaniyatini o'zaro uyg'unlashuviga hissa qo'shdi. Davlat Aleksandr Makedonskiy harbiy harakatlari natijasida boshlangan va ilk o'rta asrlar davrigacha O'rta Osiyo xalqlari hayotida mavjud bo'lgan ellinizm ya'ni Sharq hamda yunon-makedon xalqlari madaniy aralashuvi, uyg'unlashuvi jarayonida muhim o'rin tutdi. Salavkiylar davlati o'zining boy madaniyati, savdosi va harbiy salohiyati bilan mashhur edi. Ular yunon madaniyatini sharqqa tarqatishda muhim rol o'ynaganlar va o'zlarining Antioxiya, Salavkiya kabi shaharlari namunasida yunon san'ati, arxitekturasini rivojlantirdilar.

Kalit so'zlar: ellinizm, Salavkiylar, Antiox, satrap, diadox, strateg, Parfiya, Baqtriya, tanga, din, me'morchilik

Kirish. Miloddan avvalgi 312-64-yillar oralig'ida hukm surgan qadimgi dunyo tarixidagi Salavkiylar davlati ellinizm davrining dastlabki hamda yuksak tarqaqqiy

etgan davlatlaridan biri hisoblanadi. Mazkur davlat hududi dastlab ulkan sarhadlarni o‘z ichiga olgan. Jumladan Suriya, Mesopotamiya, Eron, O‘rta Osiyo va hozirgi Afg‘onistonning katta qismi ushbu davlat tarkibida edi. Ushbu davlatning asoschisi Salavka I Aleksandr Makedonskiyning eng yaqin safdoshlaridan biri edi. U dastlab diadoxlar o‘rtasidagi kurash natijasida Mesopotamiya hududlari hukmdorligiga erishdi. Keyinchalik davlat hududlari qo‘shni hududlar hisobiga nihoyatda kengayib bordi. Hozirgi Suriya va Iraq davlatining bir qancha hududlari davlat hokimiyatining markazi edi. Mamlakatning poytaxti esa Antioxiya shahri hisoblanardi. Salavka va uning o‘g‘li Antiox nomlari bilan yuritiluvchi Antioxiya, Salavkiya shaharlari davlatning muhim markazlari edi. Osiyoning g‘arbiy o‘lkalari, qisman hozirgi Yevropaning janubidagi Aleksandr mulki (Makedoniya) va Afrika shimolidagi hududlarda sodir bo‘layotgan diadoxlar o‘rtasidagi o‘zaro kurashlar Salavkaga Osiyoning sharqiy o‘lkalari bo‘ylab keng qamrovli yurishlarni amalga oshirish uchun qulay sharoit yaratib berdi. Bu omil esa davlat hududlari tarkibiga O‘rta Osiyo viloyatlari va hozirgi Eron hududlari qo‘shilishiga olib keldi. Salavka 312-yilda hokimiyatga kelsa-da, faqat 305-yilga kelibgina o‘zini boshqa Aleksandr safdoshlari qatorida podsho deb e’lon qilish imkoniyatiga ega bo‘ldi va davlat rasman mustaqil davlat sifatida tashkil topdi [1, 2 pl].

Hindistonga amalga oshirilgan yurishlar salavkiylar harbiy qo‘shini jangovorligining yanada ortishiga olib keldi. Urush muvaffaqiyatsiz yakunlangan bo‘lsa ham ikki o‘rtada tuzilga sulh shartlariga muvofiq Hindistondagi Mauri davlati hukmdori Chandragupda Salavka ixtiyoriga yuzlab jangovor fillarni in’om qildi. Bu omil keyingi harbiy harakatlarda qo‘shin harakatlari samaradorligini sezilarli darajada oshirdi. Mil.avv 293-yilda (ba’zi manbalarda 292-yil) sharqiy mintaqalardagi qo‘zg‘olonlardan xavotirga tushgan Salavk bu hududda tartib o‘rnatish uchun o‘g‘li Antioxni sharqiy noiblik ya’ni yangi satraplikni noibi etib tayinlaydi[2, 1].

Kichik Osiyodagi yunon kaloniyalari va O‘rta dengiz sharqida joylashgan Suriyaning port shaharlari uchun salavkiylar davlat uzoq yillar Misrda tuzilgan

Ptolamey Lag davlatiga qarshi kurash olib bordi. Chunki bu o‘lkalar savdo yo‘llarining tugash qismida joylashgan strategik muhim ahamiyatga ega edi. Port shaharlar boshqa davlatlar bilan dengiz orqali savdo qilish imkonini bergen. Shuningdek, yunon kaloniyalari ham savdo ham madaniy jarayonlarda muhim ahamiyatga ega edi. Suriyaning zabit etilmagan qismlari va Kichik Osiyoning ulkan sarhadlarini egallagan Salavk I umri so‘nggida Yevropa qit’asidagi Makedoniya davlati hududlarini ham zabit etishni istadi. Bu esa uning oxirgi yurishi bo‘ldi. Mil.avv 281-yilda harbiy amaliyotlar davom etayotgan bir pallada davlat asoschisi vafot etdi. Davlat o‘z qudrati cho‘qqisiga erishgan vaqtida uning chegaralari g‘arbda Egey dengizidan sharqda Hind daryosigacha bo‘lgan bepayon o‘lkalarni o‘z ichiga oldi.

Salavkning o‘g‘li Antiox I Soter otasining ishlarini davom ettirdi. U diplomatik nikoh natijasida tug‘ilgan bo‘lib, O‘rta Osiyoda yunon-makedonlarga qarshi keskin kurash olib borgan sarkarda Spitamenning qizi Apama va Salavk I ning farzandi edi. Uning davrida buniyodkorlik ishlari amalga oshirildi. Chunonchi, Marv hududida (hozirgi Turkmaniston) Marg‘iyona Antioxiyasi bunyod etilib, Marv vohasi mudofaa devorlari bilan o‘rab olinadi. Shuningdek, hukmdor tomonidan Baqtra ya’ni keyinchalik Balx nomi bilan mashhur bo‘lgan shahar ham qayta qurilgan [3, 2]. Yangitdan bunyod etilgan va ta’mirlangan yangi shahar, qal’alar nafaqat hunarmand, savdogarlar manzilgohi, balki harbiy qo‘sishinlar joylashtiriladigan tayanch manzilgoh edi.

Keyingi hukmdor Antiox II (mil.avv 261-247) davri davlatning parchalanish davriga to‘g‘ri kelib, Parfiya, Yunon-Baqtriya kabi podsholiklar paydo bo‘ldi[4, 177-178]. Antiox III esa (mil.avv. 223–187-yillar) qo‘ldan ketgan yerkarni qayta davlat sarhadlariga kiritishga urindi. Aqlii sarkarda Salavkiylar davlati tarixiga “Buyuk” nomi bilan kirdi. U miloddan avvalgi III asr oxirida bir qancha hududlar qayta bo‘ysundirildi. Yunon-Baqtriya hukmdori esa rasman Salavkiylar davlatiga tobe ekanligini izhor etdi. Kichik Osiyoning ulkan sarhadlarini egallagan ushbu hukmdor davrida markaziy hokimiyat nihoyatda kuchayib, davlat o‘zining oldingi qudratini

ma'lum muddatga tiklay oldi. Biroq Antiox III hukmronligining so'nggida Salavkiylar davlati Rim bilan kechgan muhim ahamiyatga ega bo'lgan urushda mag'lubiyatga uchradi. Bu omil Salavkiylar davlatining keng hududlarida zabit etilgan xalqlari orasida ozodlik, mustaqillik uchun qo'zg'olonlar avj oldi. Vaziyatdan ustalik bilan foydalangan Parfiya va Yunon-Baqtriya davlatlari o'z davlatlari mustaqilligini tiklab oldilar. Kuchayib borayotgan Parfiya davlati esa Salavkiylar davlati hududlariga tahdid sola boshladi[5, 11].

Antiox III vorisi Antiox IV Epifan (mil.avv. 175–164-yillar) otasining ishlarini davom ettirdi. Madaniyat va ilm-fan homiysi bo'lgan ushbu hukmdor Salavkiylar davlatining ilgarigi qudratini tiklashga urindi[6, 1-2]. Antiox VII Sidet (mil.avv. 138–129-yillar) ham ushbu siyosatni davom ettirishga urindi, biroq qaqshatqich mag'lubiyatga uchradi va halok bo'ldi. Natijada davlat parchalanib, qator hududlar davlat tarkibidan ajralib ketdi[7, 231-239]. Ushbu davlatning rasmiy so'nggi hukmdori Antiox XIII Yuliy Sezarning do'sti va keyinchalik raqibi Pompey tomonidan taxtgan tushirildi. Mil.avv 63-yilda (ba'zi manbalarga ko'ra mil.avv. 64-yil) Salavkiylar davlati Rim tomonidan tugatilib, provinsiyaga aylantirildi[8, 37].

Salavkiylar davlati tarkibiga dastlab nihoyatda ulkan hududlar kirgan. Jumladan, uning hududlari O'rta Osiyodan tashqari Eron, Mesopotamiya va Kichik Osiyoning bir qismini ham o'z ichiga olgan. Poytaxt hozirgi Suriya davlati hududiga kiruvchi Antioxiya shahri bo'lgan. Ushbu shahar Oront daryosi bo'yida joylashgan edi[9, 41]. Bu ulkan hududda turli tilli va turli etnik qiyofaga ega bir qancha xalqlar birgalikda yashashgan. Salavkiylar davlati boshqaruvi tizimi monarxiya shakliga ega edi. Podsho asosiy qonun chiqaruvchi kishi bo'lgan hamda uning hokimiyati cheklanmagan. Biroq manbalarda keltirilishicha, davlat ishlarini tashkil qilish madsadida devonxona faoliyati ham yo'lga qo'yilgan. Bu organ qonunlar ijrosi bilan shug'ullangan. Shuningdek, saroyda xat-hujjat ishlari bilan shug'ullangan mansab mavjudligi manbalarda alohida ta'kidlanadi. Salavka o'z davlatini satrapliklar ya'ni viloyatlarga bo'lish amaliyotini davom ettiradi hamda manbalarda ularning soni qariyb 30 ta

ekanligi qayd etilgan. Numizmat olimlar ushbu sulola hukmdorlari tomonidan zarb qilindan tangalarni tadqiq qilish asnosida shunday xulosaga kelganlar. Satrapliklar esa o‘z navbatida nisbatan kichikroq hududlarni qamrab oladigan yeparxiya va geparxiyalarga bo‘lingan. Hokimiyat viloyatlarda satrap ya’ni strateg tomonidan amalga oshirilib, u ham harbiy ham boshqaruv ishlarini nazorat qilgan. Manbalarda Stratonik, Gieraks, Aleksandr kabi satrap-strateglar nomlari tilga olinadi. Bundan shunday xulosa qilish mumkinki, boshqaruvda yunon-makedonlarga ishonch bildirilgan. Ayrim hollarda mahalliy aholi tarkibidagi zodagonlarning salavkiylarga xayrixoh qismi orasidan muhim davlat xizmatchilari ta’yinlangan[10, 3].

Shoh va zodagonlar yerlarida ijarachi dehqon jamoalari mehnat qilishardi. Aholi ijtimoiy qatlaming asosini dehqonlar jamoasi tashkil etgan. Ular ham pul ham mahsulot ko‘rinishida soliqlarni to‘lashgan. Dehqonlar erkin hisoblansalar-da, og‘ir soliq va majburiyatlar ularni sekin-asta qaramlikka tushib borishlarini ta‘minlagan. Davlatda soliqlarni yig‘ib olish ishlariga satrap-strateglar javobgar bo‘lishgan. Tovarpul munosabatlari Salavkiylar davrida birmuncha rivojlanadi. Bunga misol tariqasida Taxtisangin, Termiz, Kampirtepa, Marv va Samarqanddan topilgan Antiox davriga oid tangalarni misol qilib keltirishimiz mumkin. [11, 193-194] Shuningdek, Baqtra, Marg‘iyona va Niso kabi shaharlarda amalga oshirilgan qazish ishlari bu qadimiy shaharlarda savdo va hunarmandchilik jadal taraqqiy etganligini ko‘rsatmoqda. Salavkiylar davlati hukmronligidan boshlab O‘rta Osiyo hududida bo‘rtma tasvirli tangalar paydo bo‘ldi. Bu tasvirlarda asosan sulola hukmdorlari tasvirlandi.

Salavkiylar davlatida din masalalariga to‘xtaladigan bo‘lsak, ushbu davlatda asosan yunon va makedon millatiga mansub kishilar hokimiyatning turli bo‘g‘inlarini boshqarganligi tufayli diniy hayotda antik davr yunon ko‘pxudoligiga e’tiqod targ‘ib qilinganligini ko‘rishimiz mumkin. Bundan tashqari hukmdorlar o‘zlarini ilohiylashtirish orqali o‘z fuqorolarini o‘zlariga so‘zsiz bo‘ysunishlarini istashgan. Jumladan, ayrim hukmdorlar o‘zlariga Soter-qutqaruvchi (Antiox I), Dikayos-Adolatparvar, Everget-ezgulik kabi nomlarini qo‘yilgan[12, 639-640].

Orontdagi Antioxiya shahrida ya’ni salavkiylar davlati poytaxtida turli fanlar rivojlangan bo‘lib, bu o‘ziga xos ilmiy markazni vujudga keltirgan edi. Mavjud boy kutubxonalarda esa turli fan sohalariga oid boy adabiyotlar mavjud edi. Bu davrda tibbiyat ham yuksak darajada rivojlanib, yunonlar dori-darmonlar tayyorlashning turli usullarini salavkiylar davlati tarkibida bo‘lgan Bobil va Misrdan o‘zlashtirdilar. Yunon va Sharq tibbiy bilimlari uyg‘unligini Aleksandriya maktabi faoliyatidan bilishimiz mumkin. Aleksandriya tibbiyat maktabi asoschisi Gerofil ma’lum vaqt Salavkiylar davlati hududlarida ham faoliyat olib brogan[13, 26-32].

Salavkiylar davlati me’morchiligidagi an’anaviy qurilish ashyolari bilan birga yunon me’morchiligidagi xos bo‘lgan marmar, qum va pishiq g‘isht kabi binokorlik materiallardan keng foydalanilgan. Shuningdek, yangi bunyod etilgan binolarni pardozlash ishlarida alebastrli qorishmalar ham ishlatilganligiga guvoh bo‘lishimiz mumkin. Haykaltaroshlik ham ravnaq topib, marmar haykallar hamda fil suyagidan nafis qadahlar yasalgan. Tangalarda esa nafaqat hukmdorning yuz tuzilishi balki uning xarakterini ham ifodalashga urinildi va ushbu tanga zarb qilish ishlari ko‘p hollarda Yunonistondan taklif etilgan usta-hunarmandlar tomonidan amalga oshirildi. [14, 34-36].

Davlatda yunon me’morchiligi uslubida bunyod etilgan yangi shaharlarning barchasida markaziy qism “salavkiya” atamasi bilan yuritilgan (Yunonistondagi agora hamda Rimdagi forumga o‘xshash). Ba’zi shaharlar hukmdor nomi bilan atalgan. Ular qatoriga Salavkiya, Antioxiya kabi shaharlarni qo’shishimiz mumkin. Hukmdorlar nomi bilan atalgan shaharlarga polis maqomi berilgan hamda ushbu shahar-davlatlar boshqaruvda qisman mustaqillikka ega bo‘lgan. Aleksandr davridayoq boshlangan yunonlashtirish tadbirlari ushbu sulola davrida ham davom ettirilgan hamda ko‘chib kelgan yunon aholisi asosan shaharlarda o‘rnashganlar. Ular hukmron sulolaning tayanchi hisoblangan. O‘rtta Osiyoning turli markaziy shaharlarida bunyod etilgan katoykalar ya’ni harbiy punktlar ham hukmdorning mahalliy aholini o‘z izmida tutib turish vositasi hisoblangan. Antiox I tomonidan qo‘zg‘olonlar bostirilib, vayronaga

aylantirilgan, Aleksandr Makedonskiy tomonidan qurilgan Aleksandriya Esxata va Marg‘iyona Aleksandriyasi kabi shaharlar qaytadan bunyod etiladi. Bundan tashqari mudofaani kuchaytirish maqsadida Marg‘iyona devori quriladi. Antiox I va boshqa hukmdorlar davrida O‘rta Osiyo bo‘ylab savdo yo‘llari chorraxasida yangi shaharlar va harbiy istehkomlar qurilib, ham savdo ham mudofaa tizimini kuchaytirishga harakat qilinadi. Chunonchi, bu istehkomlarda saqlangan harbiy qo‘sishlar savdo karvonlarini qaroqchilar hujumlaridan ham himoya qilishi lozim edi[15, 28].

Xulosa. O‘rta Yer dengizidan to Hind daryosigacha cho‘zilgan, ulkan va qudratli sultanat bo‘lgan Salavkiylar imperiyasi oxir-oqibat ichki nizolar, tashqi tazyiqlar hamda Rim Imperiyasining ta’siriga tushib qoldi. Biroq, uning merosi muhimligicha qolmoqda. Salavkiylar ellinizm madaniyatini sharqqa yoyishda hal qiluvchi rol o‘ynaganlar, Antioxiya va Salavkiya kabi shaharlar barpo etishgan. Bu shaharlar ilm-fan va savdo markazlariga aylangan. Ularning san'at, me'morchilik va falsafaga ta'siri O‘rta Osiyo xalqlari tarixida muhim ahamiyatga ega bo‘ldi. Imperiya ellistik madaniyatning asosiy markazlaridan biri edi. Yunon urf-odatlari va tili mahalliy an'analar bilan keng ko‘lamda aralashib, qorishib bordi. Dastlab imperiya o‘zining diniy bag‘rikenglik, samarali boshqaruв tizimi va yuqori daromadli savdo xususiyatlari bilan ajralib turardi. Biroq, vaqt o‘tishi bilan uning sarhadlari samarali boshqaruв uchun ulkan, imkonsiz bo‘lib qoldi va u parchalana boshladi.

Ushbu antik davr ellinizm madaniyatini hosilasi bo‘lgan davlat hukmdorlari yunon madaniyatini yoyish jarayoniga munosib hissa qo‘shdilar. Hukmdorlar tomonidan yunon madaniyati, tili hamda dinini targ‘ib qilish masalasiga ushbu ulkan imperiya sarhadlarida uzoqroq muddat hukmronlik qilish imkonи sifatida qaraldi. Natijada madaniy almashinuv jarayonlari sodir bo‘ldi. Nafaqat mahalliy aholi tomonidan yunon madaniyati va g‘arba xos xususiyatlar qabul qilindi, balki bosqichilar tomonidan ham mahalliy xalqlarning boy madaniy, ijtimoiy-iqtisodiy hayoti yutuqlari o‘zlashtirildi. Salavkiylarning qadimgi dunyo madaniy va siyosiy manzarasiga qo‘shtgan hissasi bugungi kunda ham aks sado berishda davom etmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Paola Ceccarelli. Seleucid Empire. – University of Cambridge, UK. P 7.
2. Rolf Strootman. Forthcoming in E. Yarshater ed., Encyclopaedia Iranica, 2007. P 9.
3. Rolf Strootman. Seleucids. 2012. P 6.
4. А. А. Попов. К вопросу о времени установления подлинной независимости Греко-Бактрии. Вестник СПбГУКИ · декабрь · 2011. С 177-178.
5. А. А. Абакумов. Политическая история эллинизма: новые подходы. Селевкидская армия в парфянской кампании Антиоха III – ВОСТОК (ORIENS) 2015 № 5. Р 11.
6. Анохин Артем Сергеевич. Внешняя и внутренняя политика Антиоха IV Эпифана. Федеральное государственное бюджетное образовательное учреждение высшего профессионального образования «Московский государственный университет им. М.В. Ломоносова» с 1-2.
7. Donald T. Ariel. Archaeological evidence for the siege of Jerusalem by Antiochus VII Sidetes. P 231-239.
8. Dr. Peter J. Brand. Ancient Roman civilization. History 4322/6322 Handout package fall 2009. P 37.
9. Бивен Э. Царство селевкидов. Величайшее наследие Александра Македонского. — «Центрполиграф», — (Великие империи мира). 2023. Р 47.
10. Johannes Haubold. Hellenism, cosmopolitanism, and the role of Babylonian elites in the Seleucid empire. P 23.
11. Эшов Б. Кадимги Урта Осиё шахарлари тарихи. – Т.: М.Улугбек номидаги Узбекистан Миллий Университети босмахонаси, 2006. Р 193-194.
12. В. В. Бровкин. Критика религии в эллинистической философии. – Novosibirsk.: СХОДН Vol. 13. 2, 2019. Р 639-640.
13. Д.А. Балалыкин, Л.Д. Мальцева. Принципы научного познания в работах Герофила периода расцвета Александрийской медицинской школы. Вестник Томского государственного университета. 2015. № 400. С 26–32.
14. Абдуллаев Н. У. Ўзбекистон санъати тарихи. – Тошкент.: Ўзбекистон Бадиий Академияси, 2007. с 34-36.
15. A.Mannonov va boshq., Afg‘oniston tarixi. - Т.: «Barkamol fayz media», 2018. 344 bet.

CONTRIBUTION OF THE STATES OF SELAVCKA TO THE DEVELOPMENT OF WORLD CIVILIZATION

Abstract: The Seleucid state is one of the powerful eastern states, the successor of Hellenism in the history of the ancient world. The borders of these countries occupied huge territories and contributed to the mutual harmonization of the cultures of the peoples of these countries. The state took an important place in the process of cultural mixing and integration of the Eastern and Greek-Macedonian peoples, Hellenism, which began as a result of the military actions of Alexander the Great and existed in the lives of the peoples of Central Asia until the early Middle Ages. The Seleucid state was famous for its rich culture, trade, and military potential. They played an important role in the spread of Greek culture to the east and developed Greek art and architecture on the example of their cities such as Antioch, Seleucia.

Key words: Hellenism, Seleucids, Antiochus, satrap, diadox, strategist, Parthia, Bactria, coinage, religion, architecture

ВКЛАД ГОСУДАРСТВ СЕЛАВКИ В РАЗВИТИЕ МИРОВОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ

Аннотация: Государство Селевкидов — одно из могущественных восточных государств, преемник эллинизма в истории античного мира. Границы этих стран занимали огромные территории и способствовали взаимному сближению культур народов этих стран. Государство заняло важное место в процессе культурного смешения и интеграции восточных и греко-македонских народов, эллинизма, который начался в результате военных действий Александра Македонского и просуществовал в жизни народов Средней Азии вплоть до раннего Средневековья. Государство Селевкидов славилось богатой культурой, торговлей и военным потенциалом. Они сыграли важную роль в распространении греческой культуры на восток и развивали греческое искусство и архитектуру на примере своих городов, таких как Антиохия, Селевкия.

Ключевые слова: Эллинизм, Селевкиды, Антиох, сатрап, диадокс, стратег, Парфия, Бактрия, чеканка монет, религия, архитектура



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14499953>

Ximmat Xusanov

SamDU, 2-kurs magistranti.

Email: xusanovximmat@gmail.com

Professor Rezvani Babak taqrizi asosida

ANGLIYA-MISR KONDIMINIUMI DAVRIDA MUHAMMAD AHMAD BOSHCHILIGIDAGI MAHDIYCHILAR HARAKATI

Annotatsiya: Ushbu maqolada chet el mustamlakachilariga va Misr hukumatiga qarshi milliy-ozodlik harakatining yetakchilaridan biri hisoblanmish Muhammad Ahmadning mamlakatni saqlab qolish, Mahdiylar davlatini tuzishi, ekspedetsiyalarga qarshi kurashi hamda Mahdiychilar davlatidagi siyosiy tizimni o‘zgartirish hamda boshqaruvni demokratlashtirish yo‘lida amalga oshirgan chora-tadbirlari o‘z ifodasini topgan. Shuningdek, ushbu ilmiy ishda Sudan mahalliy xalqining mustamlakachilariga qarshi olib borgan mardonavor qarshilik harakatlari, mudofaani ta’minlash yo‘lida bajarilgan ishlar tafsiloti bataysil yoritib berilgan.

Kalit so‘zlar: Xadiv, Muhammad Ahmad, Mahdiychilar, Xadiv Ismoil, Charlz Gordon, posho Tavfiq, Suvaysh kanali, Sudan, Angliya, Misr, ekspedetsiya, Xartum, xalifa Abdulloh ibn Muhammad.

XIX asr oxirida – XX asr bosolarida Sharqiy Sudan Misr qaramog‘ida edi. Sudan tarixidagi o‘n sakkiz yillik urush natijasida 1899-yildan to 1956-yilgacha hukm surgan Anglo-Misr Sudani deb nom olgan kondominium tuzildi. Mazkur Kondominium Sudan

davlati tarixida murakkab va qarama-qarshiliklarga to‘la bir davr hisoblanadi. Angliya Sudan ustidan amalda nazoratni qo‘lga olgan Misr Qirolligini tashkil etdi. Sudan mahalliy aholisi garchi muvaffaqiyatsiz bo‘lsa-da bir necha qarshilik va bosqinchilik harakatlarini amalga oshirdilar. Bu mojaro ko‘lami Buyuk Britaniya va Misrdan tashqari Italiya imperiyasi, Kongo erkin davlati va Efiopiya imperiyasini ham qamrab oldi.

Misr boshqaruvi davrida Sudan aholisining aksariyat qatlami markaziy hukumat tomonidan o‘rnatilgan soliq tizimidan ancha aziyat chekdi. Mazkur soliq tizimiga ko‘ra, mayda savdogarlar va dehqonlar uchun bir tekis soliq o‘rnatilgandi. Mazkur soliqlar esa Shimoliy Sudanning Shayqiyya qabilasidan hukumat tomonidan tayinlangan soliq yig‘uvchilar tomonidan shafqatsizlarcha undirilar edi. Og‘ir kelgan yillarda, ayniqsa qurg‘oqchilik va ocharchilik bo‘lgan davrlarda dehqonlar tabaqasi narxi yuqori bo‘lgan soliqlarni to‘lay olmadilar [1,87]. Shayqiylarning bu kabi adolatsiz usullaridan qo‘rqan dehqonlarning aksariyat qismi unumdon bo‘lgan Nil vodiysi qishloqlaridan uzoq Kordofan va Darfur hududlariga qochib ketishga majbur bo‘ldilar. Bu toifadagi muhojirlar “jallaba” nomi bilan mashhur ya’ni o‘zlarining erkin va bemalol kiyinish uslubiga ega bo‘lib Sudanning markaziy shaharlarda va boshqa shaharlarda tashqi savdo kompaniyalari uchun kichik savdogar yoki vositachi sifatida ishlay boshladilar. Shuningdek, qul savdosi bilan shug‘ullanuvchi qabilalar ekanligi ham ma’lum.

XIX asr o‘rtalarida Usmoniyalarning Misrdagi boshqaruvi Xadiv Ismoil qo‘liga o‘tgan edi. Xadiv Ismoilning harajatlari Misrning haddan ziyod ko‘p qarz bo‘lib qolishiga sabab bo‘ldi va Suvaysh kanali krediti bo‘yicha deyarli oxirgi nuqtada Buyuk Britaniya aralashib nazorat evaziga moliyaviy yordam ko‘rsatdi. Shuningdek, Hindiston kabi Buyuk Britaniya tojining marvaridlari tomon Suvaysh kanalichalik to‘g‘ridan to‘g‘ri va strategik ahamiyatga ega yo‘l yo‘q edi. 1873-yilda Angliya-Fransiya qarz komissiyasi dasturini Angliya qo‘llab-quvvatladi. Mazkur komissiya

1879-yilda Ismoil o‘z o‘g‘li Tavfiq foydasiga hokimyatdan ketdi. Shu kabi omillar siyosiy inqiroz davrining boshlanishiga olib keldi.

Shuningdek, 1873-yilda Xadiv Ismoil millati xitoy bo‘lgan Gordonne Sudanning ekvatorial viloyatlari gubernatori qilgan edi. General Charliz Gordon va Darfurning mahalliy boshlig‘i Al-Zubayr Rahma Mansur o‘rtasida uch yil mobaynida kurash bo‘lishiga olib keldi hamda keyinchalik Ismoil taxtdan ketgach Charliz Gordon uchun ko‘maklashuv keskin pasaydi. Va ma’lum bir vaqt o‘tib sobiq hukmdor siyosati yangi gubernator tomonidan tugatildi, ammo ozchilik guruhning noroziligi va g‘azabi inobatga olinmagan edi [2,21].

Shunday bir vaziyatda, mahalliy Sudan xalqining chet ellik Misr hukmdorlariga nisbatan etnik g‘azabi hamda Charliz Gordon kabi nasroniyning yuqori lavozimni egallashi hamda ko‘pchilik ta’kidlagan yana bir norozilik omili bu o‘sha vaqtarda Sudan uchun asosiy daromad manbai hisoblanadigan qul savdosining Misr hukumat tomonidan bekor qilinishi bo‘lgan edi. Bu kabi sharoitlar mahalliy kuch tomonidan yangi bir qo‘zg‘olon paydo bo‘lishi mumkinligidan darak berar edi [3,29].

1870-yillarda musulmon ulamolaridan bo‘lgan Muhammad Ahmad ismli bir shaxs yerni ozod qilish uchun o‘z tarafdarlarini atrofiga yig‘a boshladi. Muhammad Ahmad sudanliklarning yetakchisi sifatida xalqni chet elliklar zulmiga qarshi muqaddas urushga chaqirdi. Oradan ko‘p vaqt o‘tmasdan, o‘zini islom olamining va’da qilingan qutqaruvchisi-Mahdiy (arabcha-Alloh tomonidan to‘g‘ri yo‘lga yetaklovchi) nomi ostida misrliklarga qarshi ochiqdan ochiq qo‘zg‘olon ko‘tardi. 1881-yil avgust oyida o‘sha paytdagi Sudan gubernatori Rauf Posho Mahdiyni qo‘lga olish uchun ikkita kompaniyani jo‘natdi. Kompaniya rahbarlari va askarlariga esa Mahdiyni tutib hokimga topshirishsa lavozimlari ko‘tarilishi va’da qilingan edi. Ikkala kompaniya Aba oroliga chiqib Mahdi yashaydigan qishloqqa kelishdi va bir vaqtning o‘zida hujumga o‘tgan kompaniyalar bir-biriga o‘q uza boshladi, bu esa Mahdiy boshchiligidagi ozchilik guruhning ular bilan birma-bir hujumga o‘tib ularni mag‘lub qilish imkonini berdi [4,10].

So‘ngra Mahdi Kordofanga ya’ni hukumat binosi joylashgan Xartumdan uzoqqa chekindi. Mahdi g‘alabasining guvohi bo‘lgan aksariyat arab qabilalari misrliklarga qarshi qaratilgan bu harakatga qo‘shilishdi. [5,6]

Mahdi va uning tarafdorlari 1881-yil oxirida Kordofandagi Nuba tog‘lariga kelib joylashishdi. Bu yerga Fashodan yuborilgan boshqa bir Misr ekspedetsiyasini ham pisirma orqali tor-mor qilishdi. Dastlabki Aba oroli jangchilari kabi, mazkur kuch misrlik 200 kishilik piyoda askarlari va 1000 ta mahalliy kuch vakillari hamda umumiyoq qo‘shin qo‘mondoni bo‘gan polkovnik Rashid Bay Ahman tarafdorlarigacha o‘ldirilgan. Bu singari to‘qnashuvlar jarayonida, Mahdi Muhammad alayhissalom hayotiga qasddan tashbih qilib o‘z faoliyatini ham qonuniylashtirib oldi. O‘z tarafdorlarini ansor (arabcha-yordamchilar, safdoshlar), chet elliklardan qochib ketishini esa hijrat (arabcha-ko‘chish, migratsiya) deb nomladi. Shu bilan birga, xalifalar (arabcha-o‘rinbosar, noib)ga ham ma’lum bir ma’noda o‘xshatish qilib qo‘mondonlarni tayinladi. Masalan, u Abdulloh ibn Muhammad-Abu Bakr ya’ni uning vorisi, davomchisi sifatida e’lon qilgan edi. [6,34-35]

Misrning sudandagi ma’muriyati bu kabi to‘s-to‘polondan jiddiy xavotirga tushib 4000 qo‘shin yig‘ib Yusuf Posho boshchiligidagi jo‘natdi. Mahdiychilar armiyasi garchi kuchsiz qurollangan, deyarli yarmi nimjon, och bo‘lishiga qaramay haddan tashqari o‘zlariga erk berib kelgan Misr armiyasini 1882-yil, 7-iyundagi tonggi jangdayoq yengishdi. Endi ular yirik miqdorda harbiy kiyimlar, jang qurolari, o‘q-dori kabi resurslarga ega bo‘lishdi. Shuningdek, 1882-yilda Xartumga misrlik Abdul Qodir general-gubernator etib tayinlangach u Mahdiychilar isyonini bostirishga urindi. Lekin navbatdagi bu kuchlar ham mag‘lubiyatga uchragan edi.

Ammo qo‘zg‘olonchilarni Xiks ekspedetsiyasi kuchlari kutmoqda edi. Anglo-Misr usrusgidan keyin hukumat boshqaruvi Britaniyaga o‘tgach Yevropa armiyasi Sudan hududidagi vaziyatni yanad ko‘proq anglashdi. Hukumatdagi Ingliz vakillari keyingi ekspedetsiyaga noiloj rozi bo‘lishdi. Keyingi kuch Xartumda yig‘ildi va 7300 ta piyoda, 1000 ta otliq, 300 ta artilleriya, 10 ta pulemyot va tog‘ qo‘shinlaridan tashkil

topgan qo'shinga Britaniya Hindistonining iste'fodagi zabit Uilyam Xiks hamda 12 nafar Yevropalik zabitlar boshchilik qilishdi. Ko'p sonli ushbu armiya xartumni tark etmasdan turib Mahdiychilar qamal qilayotgan El-Obeid shahri qulab tushgan edi, biroq Xiks g'alaba qozonish ehtimoli kam bo'lsa-da, bardavomlik yo'lini tanladi. 1883-yil, 3-4-noyabr oylarida Xiks va Mahdiychilar o'rtasida ayovsiz jang bo'lib o'tdi va bu jang Mahdiychilar foydasiga hal bo'ldi. Xiks boshliq inglizlar qo'shini sudan ansorlari tomonidan qirib tashlandi. 1884-yili inglizlar Sudanga general Gordon boshchiligida harbiy qism yuborishdi. Biroq bu qo'shin ham ansorlar tarafidan qirg'in qilingan edi [7,118].

Aynan shu davrlarda, Misr Yevropaga qarzini to'lash bo'yicha juda chigal vaziyatni boshidan kechirayotgan edi. Bundan ham og'ir holatga tushmasligi uchun Misr hukumati qarz foizini o'z vaqtida ado etishi kerak edi. Sudandagi garnizonni saqlab turish esa Misr hukumati uchun juda qimmatga tushar va qo'llab-quvvatlanmaydigan harajat edi. Sudan gubernatori Charlz Gordon shuning uchun ingliz vakillari tazyiqi ostida Sudandagi Misr mavjudligini to'xtatib mamlakatni esa Mahdiy boshqaruviga o'tkazishga qaror qildi.

Jamoatchilikning kuchli bosimi bilan ingliz boshqaruvi Xartumni ozod qilish maqsadi bilan Garnet Volsen boshchiligidagi navbatdagi ekspedetsiya-Nil ekspedetsiyasi jo'natgan edi. Ba'zi Britaniya matbuotlarida "Gordon yordam ekspedetsiyasi" deya nom olgan bu ekspedetsiya 1885-yil, 17-yanvarda Abu Klea jangida Mahdiychilarni mag'lub etgandan so'ng kolonna yanvar oyi so'ngida Kartum hududiga yetib keldi, biroq ular Gordon va garnizon qirg'ini va 2 kun ilgari vayron bo'lgan bo'lgan shaharni ko'rgach kech bo'lganini tushunib yetishdi. Shiningdek, Hindiston qo'shnlari va general-leytenant boshchilik qilgan kuchlar 1884-1885-yillardagi janglarda g'alaba qozongan bo'lsa-da, harbiy holatni o'zgartira olmadilar hamda ular chekinishga majbur bo'ldilar. Mazkur kechgan voqealardan so'ng Britaniya-Misrning Sudandagi faoliyati vaqtinchalik tugadi va to'liq nazorat Mahdiychilar qo'liga o'tdi.

1885-yilda Sudanda mustaqil Mahdiylar davlati tuzildi. Muhammad Ahmad g‘alabadan ko‘p o‘tmay, 1885-yil, 22-iyunda vafot etdi va uning o‘rniga Xalifa Abdulloh ibn Muhammad Mahdiylar davlatining qodir hukmdori bo‘ldi. Omdurman shahri esa poytaxt etib belgilandi. Davlat viloyatlarga bo‘linib 200 kishilik qo‘shin mamlakat asosiy tayanchi bo‘lib qoldi.

Ammo, Yangi mustaqillikni qo‘lga kiritgan bu davlatda ichki nizolar boshlangan edi. Asosan mana shu omil tufayli Mahdiychilarni zaiflashtirdi. Bunday vaziyatni go‘yoki kutib turgan Buyuk Britaniya hukumati Efiopiyani Sudanga qarshi undadi. Natijada, bu omillar 1885-yilda boshlangan va ko‘plab qon to‘kilihiga sabab bo‘lgan Efiopiya-Sudan urushi boshlanishiga olib keldi. Efiopiyaning o‘sha davr hukmdori Yo‘xonni Sudanning yangi yetakchisi Abdullohga murojaat etib, umumi dushman tomon bir jam bo‘lib qarshi harakat qilishga chaqirgan edi. Biroq, Abdulloh buning uchun Yo‘xonnidan islom dinini qabul qilishini so‘radi. Oqibatda esa zarur bo‘lgan shartnomalar imzolanmay qolgan edi. Sudanliklar foydasini ko‘zlovchi bunday bitim esa oradan to‘rt yili o‘tib Efiopia imperatori Menelik davrida tuzildi. Shunday bo‘lsa-da, Buyuk Britaniya-Misr birlashgan qo‘shini 1889-yil avgust oyida Sudan mahdiylari qo‘shini ustidan ustunlik qilib Sudanning asosiy qismini bosib olishga erishdi.

Xulosa o‘rnida shuni aytishimiz mumkinki, ushbu davrda chet el intervensiyasiga hamda Misr hukumatiga qarshi tura oladigan, unga faol qarshilik ko‘rsatadigan Sudan xalqining milliy birligi shakllanmagan edi. Ushbu vazifani bajarishi mumkin bo‘lgan mahalliy burjuaziya zaif, mamlakat siyosiy hayotidagi roli sezilarli emas edi. Komdiminium Sudan xalqining o‘z taqdirini o‘zi belgilash huquqini ham cheklab qo‘ygan davr bo‘ldi. Bundan tashqari, Kondiminium davrida Angliya va Misr o‘rtasida ham doimiy to‘qnashuvlar bo‘lib turdi, bu esa Sudan mahalliy xalqining siyosiy va iqtisodiy jihatdan rivoj topishiga salbiy ta’sir ko‘rsatdi. Shuningdek, Muhammad Ahmadning ahvoli o‘sha davr nuqtai nazaridan qo‘shin, oziq-ovqat, kiyim-kechak borasida ancha zaif edi. Biroq, Muhammad Ahmadning qo‘llagan mohirona harakatlari Mahdiychilarning ko‘p g‘alabalarini ta’minladi. Bu omillarning

barchasi Sudan milliy ozodlik harakatining murakkab kechishiga, mustaqillik g‘alabasining hamda kondiminium tugatilishi jarayonining ancha kechikishiga olib keldi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Major Robert N. The Mahdist Revolution. – Rossi, USA, 1994. 98-p.
2. Ismail Hakkı GOKSOY. Some aspects of the Anglo-Egyptian condominium rule in Sudan (1899-1914). Turcia., 2018. 90-p.
3. Naima ZEGLAOUI, Souad MAMMERI. The Mahdist Revolt in Sudan 1881 – 1899. Doctors. Adrar., 2017-2018. 42-p.
4. Kim Searcy. The Formation of the Sudanese Mahdist State. LEIDEN • BOSTON., 2011. 165-p.
5. The Islamic State (IS) and the Sudanese “Mahdiyyah”: A Comparative Analysis of Two Failed Dr. Anthony Celso. Apocalyptic Jihadist States. Angelo Texas, USA. 2018. 41-p.
6. Dr. Anthony Celso. The Islamic State (IS) and the Sudanese “Mahdiyyah”: a Comparative Analysis of Two Apocalyptic Jihadist States. 17-p.
7. M. Lafasov, U. Jo‘rayev, E. Xoliqov, D. Qodirova. Jahon tarixi. „O‘QITUVCHI“ NASHRIYOT-MATBAA IJODIY UYI TOSHKENT — 2014. 158-b.
8. Смирнов С.Р. Во-естание махдистов в Судане (1881-1899). Москва. 1950.
9. Смирнов С.Р. История Судане (1821-1956). Москва. 1956.

MAHDIST MOVEMENT LED BY MUHAMMAD AHMAD DURING THE ANGLO-EGYPTIAN KONDIMINUM

Annotation: This article highlights the measures taken by Muhammad Ahmad, considered one of the leaders of the national-liberation movement against foreign colonists and the Egyptian government, to preserve the country, form a Mahdi state, fight against expeditions and change the political system in the Mahdist state and

democratize governance. The scientific work also details the mercenary resistance actions of the Sudanese Indigenous people against the colonists, the work done towards securing the defense.

Keywords: Khadiv, Muhammad Ahmad, Mahdists, Khadiv Ismail, Charles Gordon, Pasha Tawfiq, Suez Canal, Sudan, England, Egypt, expedition, Khartoum, Caliph Abdullah ibn Muhammad.

МАХДИСТСКОЕ ДВИЖЕНИЕ ВО ГЛАВЕ С МУХАММЕДОМ АХМАДОМ ВО ВРЕМЯ АНГЛО-ЕГИПЕТСКОГО КОНДОМИНИУМА

Аннотация: В этой статье нашли свое выражение действия Мухаммеда Ахмада, считавшегося одним из лидеров национально-освободительного движения против иностранных колонизаторов и египетского правительства, по сохранению страны, созданию махдистского государства, борьбе с экспедициями, изменению политической системы в махдистском государстве и демократизации управления. В этой научной работе также подробно описаны отважные действия сопротивления коренных народов Судана против своих колонистов, а также работа, проделанная для обеспечения обороны.

Ключевые слова: Хадив, Мухаммад Ахмад, махдисты, Хадив Исмаил, Чарльз Гордон, Паша Тауфик, Суэцкий канал, Судан, Англия, Египет, экспедиция, Хартум, Халиф Абдулла ибн Мухаммад.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14499208>

Mirshod Siddiqov

O‘zbekiston Fanlar akademiyasi
Tarix instituti tayanch doktoranti.

misha.smb.97@gmail.com

IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARIDA BOLALARGA KO‘RSATILGAN IJTIMOIY HIMOYA MASALALARI

Annotatsiya: Mazkur maqolada urush yillarida bolalarga ko‘rsatilgan ijtimoiy himoya, ularning oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta’minlash, ko‘chirib keltirilgan bolalarni joylashtirish hamda ularni moddiy jihatdan ta’minlash yuzasidan amalga oshirilgan ishlar bilan bir qatorda yuzaga kelgan xato va kamchiliklar tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: Evakuatsiya, bolalar, bog‘cha va yasli, oziq-ovqat, Temurchilar harakati.

KIRISH. Ikkinci jahon urushida respublika oldida vujudga ijtimoiy muammolardan biri bolalar ehtiyojlarini ta’minlash masalasi edi. Azaldan o‘zbek xalqi bolalarga katta e’tibor va g‘amxo‘rlik, mehribonchilik ko‘rsatib kelingan. Shuningdek, respublikada davlat idoralari, jamoat tashkilotlari yetim-yesir bolalarni joylashtirish hamda ularni moddiy jihatdan ta’minlash yuzasidan muhim ishlar olib borilgan. *Birinchidan*, respublikada bolalar uchun bog‘cha va yaslalar ochib berish, *ikkinchidan*, bolalarni yozgi ta’tilari vaqtida lagerlarga yuborish, *uchinchidan*, bosib olingan hududlardan ko‘chirib keltirilgan bolalarni kutib olish holatlarida namoyon bo‘lgan.

Adabiyotlar tahlili va metodlar. Maqola qiyosiy tahlil, ketma-ketlik, xolislik tamoyillari asosida yoritilgan bo‘lib, unda urush yillarida bolalarga ko‘rsatilgan ijtimoiy himoya, ularning oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta’minlash, ko‘chirib keltirilgan bolalarni joylashtirish masalalari tahlil qilingan. Urush davri matbuot sahifalarida (“Qizil O‘zbekiston”, “Buxoro haqiqati”, “Xorazm haqiqati”) nashr etilgan ko‘plab maqolalar, jumladan, Aleksandr Xivilya, Nikita Bogoslavskiy [2], S.Yo‘ldosheva [22], V.Vohidov [19] hamda Musharraf Baratovalarning [11] ma’lumotlaridan foydalanildi hamda qiyosiy tahlil qilindi.

Natijalar va muhokama. Urush yillarida bolalarni bog‘cha va yaslalarga tortish katta ahamiyat kasb etgan. Shu sababdan ham bolalar bog‘chalari soni yildan yilga oshib bordi. Buning bir nechta sabablarini keltirish mumkin. *Birinchidan*, ayollarning ishlab chiqarishga yanada ko‘proq tortilishi bolalar bog‘chalarining kengaytirish zaruriyatini tug‘dirdi. Urushning o‘gir yillarida zavod va fabrikalarda hamda qishloq xo‘jalida ayollarni kolxoz dalalarida ishlashlari uchun sharoit yaratilgan. Ayollarni dala ishlariga va ayniqsa, paxta terimiga jalb etish maqsadida ko‘plab hududlarda ko‘chma yaslalar qurilgan. Jumladan, G‘ijduvon tuman Stalin nomli kolxozda bolalar paxta terayotgan onalarga xalaqit bermasligi uchun kolxoz yasasi yonida 6 ta ko‘chma yasla uyushtirilgan.[11] Shuningdek, dala ishlarining ko‘payishi munosabati bilan, Frunze rayon (Farg‘ona viloyat) kolxozlarida 65 yasla va bolalar bog‘chasi tashkil etilgan.[19] Umuman olganda urush davrida O‘zbekistonda shahar yaslalarida o‘rinlar 22 foiz, qishloq yaslalarida o‘rinlar esa 33 foiz ko‘paytirilgan.[23; 41] Bu raqamlar bolalari yosh bo‘lishiga qaramay ko‘plab ayollarning jamoat ishlariga safarbar etilganligini dalillaydi.

Ikkinchidan, boshqa hududlardan ko‘chirilib keltirilgan bolalar hisobiga ham bolalar bog‘chalari soni ko‘payib borganligini ko‘rish mumkin. 1941-yil boshlarida Buxoro viloyatida 8 ta bolalar uyi bo‘lgan bo‘lsa, urush oxirida kelib 27 taga, ularda tarbiyalanuvchilar soni esa 850 dan 2938 taga yetgan. Samarqand viloyatida esa 40 taga, undagi tarbiyalanuvchilar soni o‘n mingdan oshgan. Surxondaryo viloyatida

bolalar uylari 2 tadan 12 taga, Qashqadaryo viloyatida esa 22 taga yetib, bolalar soni 1360 kishini tashkil etgan.[18; 33] Yuqorida qayd qilib o‘tilgan viloyatlarda urushning oxirgi yillariga borib bolalar uylari soni yuzdan oshgan.

Bolalar muassasalari tarmog‘i 1943-yilda o‘tgan yilga nisbatan sezilarli darajada oshganligini arxiv hujjatlari ham tasdiqlaydi. Jumladan, Toshkent viloyatida 1942-yilda idoraviy bog‘chalar soni 120 ta bo‘lgan. Bolalar soni 6918 ta bo‘lib, shundan 4022 nafari frontdagи askarlarning farzandlari bo‘lgan.[28; 43] Front doirasidan ko‘chirib keltirilgan va onasi sanoat korxonalarida ishlaydigan bolalarga to‘la-to‘kis xizmat ko‘rsatish uchun ham bolalar muassasalarining soni ko‘payib borganligini ko‘rish mumkin.

Urush arafasida respublikada bolalar uylarining soni 106 taga, ularda tarbiyalanuvchilar soni 12 ming bolani tashkil etgan bo‘lsa, 1945-yilga kelib bolalar uylarining soni 236 taga, ularda tarbiyalanuvchilar soni esa 30 ming bolani tashkil etgan. Bolalar uylari va tarbiyalanuvchilar sonining o‘sib borishini quyidagi jadvalga ko‘rish mumkin.[18; 35]

1-jadval
(Ming kishi hisobida)

Yillar	Bolalar uylarining soni	Bolalar soni (ming kishi hisobida)
1940	106	12
1941	162	21,7
1942	166	22,3
1943	267	29,6
1944	222	26,2
1945	236	30,000

Jadvalga e’tibor qaratilsa, urushning oxirgi yillarida O‘zbekistonda 236 ta bolalar uylari borligi ko‘rsatilgan. Biroq S.Yo‘ldosheva 1945-yilda e’lon qilgan o‘zining “Ona va bolalarga g‘amxo‘rlikni yanada kuchaytiraylik” nomli maqolasida urush yillarida

O‘zbekistonda 263 ta bolalar uyi bo‘lib, bularda 35 ming 931 bola tarbiyalanganligi, ular asosan urushda halok bo‘lgan frontchilarning bolalari bo‘lganligi hamda respublika hukumati bu bolalarni tarbiyalash uchun 1945-yilda 117 mln so‘mdan ortiq pul ajratganligi haqida ma’lumot bergan.[22] 2000-yilda nashr etilgan “O‘zbekistonning yangi tarixi” kitobida ham 1945-yil holati bo‘yicha O‘zbekiston SSRda va Qoraqalpog‘istonda 268 ta bolalar uyi mavjud ekanligi, ulardagi tarbiyalanuvchilar soni 31300 bolani tashkil etganligi yozilgan.[26; 456] Biroq shu narsa aniqki, urushning oxirgi yillarida respublikada bolalar uylari soni kamayib borgan. Buni yuqoridagi jadval misolida ko‘rish mumkin. Bunga sabab esa dushmanidan ozod qilingan viloyat va shaharlardan ko‘chirib keltirilgan bolalar uylarining katta qismi keltirilgan joylariga qaytib ketganligi bilan izohlash mumkin.

Avvalo, urush yillarida harbiy xizmatchilarning va urush nogironlarining farzandlari birinchi navbatda bog‘chalarga qabul qilinib, ularga turli xil imtiyozlar berilgan. Bolasi ko‘p onalar uchun bolalarini yasla va bog‘chalarda joylashtirishda ham yengiliklar berilgan. Armiyaga safarbar qilingan kishining oilasi SSSR Oliy Soveti Prezidiumining 1941-yil 26-iyunda qabul qilingan “Oddiy askarlar va kichik boshliqlar jamoasidagi harbiy xizmatchilarning oilalariga urush vaqtida yordam puli tayinlash va to‘lash tartibi to‘g‘risida”gi farmonga asosan yordam puli oladigan bo‘lsa va safarbar qilingan kishining xotini mehnatga qobiliyatsiz yoki vaqtincha qobiliyatsizligi uchun ishlama, bolalarini bog‘chaga asraganlik uchun pul to‘lashdan ozod qilingan.[24; 759] Agar bolaning ota-onasi mehnat bilan band bo‘lsa, bolalar yaslalarida va bola bog‘chalarida tarbiyalangani uchun to‘lanadigan haqning 50 % miqdorida pul to‘laganlar.[16] Mazkur yengiliklarga ega bo‘lish uchun ota-onalar oladigan ish haqining miqdori to‘g‘risida ishlab turgan joydan hamda bolalarning soni haqida uy boshqaruvchisi yoki qishloq sovetining ijroiya komitetidan ma’lumotnomalar topshirganlar.

Shuningdek, bolalar muassasalaridagi bolalarni urush davom etayotgan bir vaqtda ularni oziq-ovqat, kiyim-kechak bilan ta’minlash asosiy masalaga aylangan.

Respublikada urushning dastlabki bir yili ichida jamoatchilik yo‘li bilan 2 mln so‘m pul, 27 tonna quruq meva, 82 ming dona bolalar kiyimi, urushning ikkinchi yilida (1942-1943-yillar) 3,5 mln so‘m pul, ko‘plab oziq-ovqat, kiyim-kechak va boshqa narsalar to‘plab, bolalar muassasalariga berilgan.[18; 50] Bundan tashaqari, oziq-ovqat tanqisligi vujudga kelmasligi uchun bolalar uyidagi go‘daklarni qo‘sishma qishloq xo‘jalik mahsulotlari bilan ta’minalash maqsadida ularga ekin yerlari ajratib berilgan. Bu yerlarda turli xil sabzavot va poliz ekinlari ekilib, yetishtirilgan mahsulotlar esa bolalarning oziq-ovqatiga sarflangan. Qilingan bu tadbir urushning og‘ir davrlarida biroz bo‘lsada oziq-ovqat yetishmovchiliginini oldinini olishga xizmat qilgan.

Bu qarorlar bolalar uylarida tarbiyalanuvchilar ahvolini yaxshilashga qaratilgan edi. O‘zbekiston SSR Xalq Komissarlari Kengashining 1942-yil 3-fevraldag‘i “Bolalar uylarini markazlashtirilgan tartibda ta’minalashni joriy etish” qarorida har bir bolaga kuniga quyidagi miqdorda oziq-ovqat mahsulotlari ajratish ko‘rsatib o‘tilgan.[13; 116]

2-jadval

Mahsulot turi	Miqdorlari
Non, makaron va yormadan tayyorlangan ovqat	400 gr
Don va makaron mahsulotlari	70 gr
Baliq	56 gr
Yog‘	32 gr
Qandolat mahsulotlari	20 gr
Shakar	15 gr

Biroq ba’zi hududlarda o‘z mansabini suiste’mol qilgan holda bolalar uchun berilgan oziq-ovqat mahsulotlarini talon-taroj qilish holatlari yuz berganligini ko‘rish mumkin. Masalan, 1943-yil 26-martda Kogon shahridagi 2-sod bolalar bog‘chasida har bir bolaga taqsimotga ko‘ra 200 gramm non o‘rniga bu ko‘rsatgich atigi 20 grammni tashkil etgan.[14; 66] O‘tkazilgan tekshiruvlar natijasida bog‘cha mudirasi Koydan va boshqa mas’ul xodimlar bolalar uchun ajratilgan oziq-ovqat mahsulotlarini o‘zlashtirib olganligi aniqlanib, ularga nisbatan chora ko‘rilgan.

1943-yilning dekabr oyida O‘zbekiston SSR XKS tomonidan “Bolalar uylari ta’minotini yanada yaxshilash haqida” qo‘sishimcha qaror qabul qilindi. Qarorda barcha tegishli tashkilotlarga 1943-yilning dekabr oyigacha yordamchi xo‘jaliklari bo‘lmagan uylarga ular turgan joydan 5 km dan uzoq bo‘lmagan hududdan yer uchastkasi ajratish, har bir bolalar uyiga kamida 2 gektardan kuzgi don ekib berish ishida MTS va kolxozchilar orqali yordam berish topshirilgan.[18; 53] Oziq-ovqat tanqisligi bo‘lgan bir davrda amalga oshirilgan bu kabi chora-tadbirlar bolalar uylarini zarur mahsulotlar bilan ta’minlashga zamin yaratgan.

Qish mavsumida bolalar uylarini yoqilg‘i bilan ta’minlashda ham e’tibor berilgan. 1943-yil Toshkent qishloq rayonlarining kolxozchilari 700 ga yaqin aravaga g‘o‘zapoyalar va o‘tinlar ortib keldilar. Orjonikidze rayonining koloxchilari keltirgan o‘tinlardan 52 aravasini viloyat bolalar uyiga va 25 aravasini 25-bolalar uyiga, Yangiyo‘l tuman kolxozchilari keltirgan o‘tinlardan 32 aravasini 1-bolalar uyiga berilgan.[17] Zarur yoqilg‘i mahsulotlari bilan bir qatorda, bolalarga kiyim-kechak olib berishda ham fondlar tuzilib, mablag‘lar bolalar uyiga yo‘naltirilgan. Xalq orasidan ham har bir kishi o‘zining imkoniyatiga qarab ixtiyoriy ravishda naqd pullar, turli xil mahsulotlar, kiyim-kechaklar va boshqa shu kabi zarur narsalar bilan o‘zining munosib hissasini qo‘sghanlar. Jumladan, kino artisti Aleksandr Xvilya, kompozitor Nikita Bogoslavskiylar 1944-yilda bir oy mobaynida Farg‘ona va Samarqand hududlarida aylanib chiqib 18 ta ijodiy kecha o‘tkazishgan. Bu kechalardan tushgan 112653 so‘m mablag‘ni harbiy xizmatchilarning bolalariga yordam sifatida berilgan.[2] Yig‘ilgan mablag‘larga bolalar uchun kiyim-kechaklar, poyabzallar olib berilgan.

SSSR Xalq Komissarlari Sovetining 1944-yil 10-noyabrdagi 1571-sonli “Bolalar bog‘chalari tarmog‘ini kengaytirish, ayollar va bolalarga tibbiy va maishiy xizmat ko‘rsatishni yaxshilash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq, O‘zbekiston SSR Xalq Komissarlari Sovetining 1944-yil 15-dekabrdagi 1553-sunli qarori qabul qilingan.[29; 103-104] Unga ko‘ra, parvarishga muhtoj bolalarni to‘liq qamrab olishni ta’minlash maqsadida shahar va qishloqlarda ayollar va bolalar muassasalarining

tarmog‘i, bolalar bog‘chalarida tarbiyalanuvchilar soni, homilador ayollar va tug‘ruqdagi ayollarga o‘z vaqtida xizmat ko‘rsatish va yordam ko‘rsatish, akusherlik punktlarini kengaytirildi. Shuningdek, viloyat ijroiya qo‘mitalari, shahar ijroiya qo‘mitalari va okrug ijroiya qo‘mitalariga har yili shaharlar va tumanlar markazlarida yangi uy-joy fondining kamida 10 foizini, ayniqsa, ehtiyojmand ko‘p bolali va chaqaloqli onalar uchun ajratilishi, ko‘p bolali onalar va bolalarga ijtimoiy-huquqiy yordam ko‘rsatishni kengaytirish, bolalar va tug‘ruq muassasalari uchun yoqilg‘i yetkazib berilishini ta’minlash, sut oshxonalari, mehribonlik uylari va bolalar bog‘chalaridagi bolalarni belgilangan standartlarga muvofiq oziq-ovqat bilan uzluksiz ta’minlash va sifatini yaxshilashga e’tibor qaratildi.

Harbiy xizmatchilarning bolalarini bolalar muassasalariga joylashtirish, ular uchun mablag‘lar ajratilishi ko‘lami kengaydi. 1944-yil 8 oy ichida frontchilarning 140 ming bolalari bolalar muassasiga joylashtirildi.[15] Bundan tashqari O‘zbekiston hukumatining qarori bilan harbiy xizmatchilar, urush nogironlarining bolalarini sog‘aytirish tadbirlari uchun 1944-yil avgust-sentabr oylarida 600 ming so‘m mablag‘ ajratilgan.[4] O‘zbekiston SSRda darmonsizlangan bolalar sog‘ligini tiklash uchun 1937-yilda 33 mln so‘m sarflangan bo‘lsa, 1941-yilda 75.5 mln so‘m, 1943-yilda esa 107 mln so‘m, 1945-yilda esa 1944-yilga nisbatan 40 million so‘m ortiq mablag‘ sarflangan.[22]

O‘zbekiston pionerlari ham harbiy xizmatchilarning bolalari hamda ko‘chirib keltirilgan bolalarni uy-joy, oziq-ovqat, kiyim-kechak bilan ta’minlashda faol ishtirok etdilar. Pionerlar maktabdan tashqari ishlarda ham yaqindan qatnashdilar. “Temurchilar harakati” faol pionerlari maktab atrofidagi mahallarda yashovchi frontchilarning oilalarga biriktirib qo‘yilib, ular bu oilalarning turli ishlarida ko‘maklashganlar. Urush yillarida pionerlar orasidagi “temurchilar harakati” keng yoyildi. Temurchilar frontga ketganlarning oilalariga yaqindan yordam berdilar. Yosh temurchilarning ko‘magidan benihoya minnatdor bo‘lgan bir ona quyidagi fikrlarni bildirgan: ‘Erimni frontga chaqirganlarida men o‘zimni yo‘qotib qoydim. Chunki

qo‘limda besh bola bo‘lib, kattasi 12 yoshda edi. Ularga qarashga hech kim yo‘q edi. Shunda temurchi pionerlar kelib, o‘g‘limning mакtabga chiqmayotganlik sabablarini aniqlashganlaridan so‘ng, biz temurchilarmiz, biz sizga yordam berish uchun keldik, do‘stimiz o‘qishdan qolmasin, biz uning ishlariga yordamlashamiz deyishdi. Men yolg‘iz emasligimni his qildim”.[12; 65]

O‘zbekistonga fashistlar tomonidan vaqtincha bosib olingan hududlardan sanoat korxonalari bilan bir qatorda minglab boshpanasiz qolgan bolalar ham evakuatsiya qilingan. Bolalar uchun yotoqxonalar, yasli va bo‘gchalar qurishga alohida e’tibor berilgan. Biroq bolalarning soni ko‘pligidan bolalar uylarida joylar yetishmay qolgan. Ular uchun oziq-ovqat yetkazib berish ham qiyinlashib borgan.

1941-yil 15-noyabrda O‘zbekiston XKKning “Frontoldi hududlardan evakuatsiya qilingan bolalarni joylashtirish to‘g‘risida”gi qaroriga ko‘ra, Toshkentda voyaga yetmaganlarni qabul qilish punkti ochildi. Shu yil 24-noyabrda esa “Evakuatsiya qilingan bolalarni O‘zbekiston SSR doirasida tarbiyalash uchun oilalarga berish to‘g‘risida vaqtinchalik Nizom” qabul qilindi.[1; 181] Unda bu boradagi vazifa va qoidalar aniqlanib, bolalarni asrab olish tartibi belgilandi. Jumladan, mакtabgacha yoshdagи bolalarni sog‘liqni saqlash xalq komissarligi organlari orqali bolalar uylariga, shuningdek muassasalar, korxonalar va kolxozlarning bolalar bog‘chalariga joylashtirish; o‘smirlarini ishlab chiqarish va qishloq xo‘jaligi ishlariga yuborish kabi vazifalar shular jumlasidandir.

1942-yil boshida yoshlар tashabbusi bilan urushdan zarar ko‘rgan bolalarga yordam berish uchun maxsus komsomol jamg‘armasi tashkil etilgan. 1942 yilning bahorida ko‘plab kolxozlarda qishloq yoshlari tashabbusi bilan “*bolalar gektarlari*” ekilgan, ularning barcha hosillari o‘z tarbiyalanuvchilarining ovqatlanishini yaxshilash uchun bolalar uylariga yuborilgan.[1; 184] Urush yillarida O‘zbekiston 1,5 milliondan ortiq turli millat vakillarini ochlik va o‘limdan qutqardi. Ular orasida qamalda qolgan Leningrad, Belarus, Polsha va Ukrainadan olib kelingan 200 mingdan ortiq yetim bolalar ham bo‘lgan. Ularga 135 ming kvadrat metrdan ortiq maydon ajratildi. [6; 376]

Respublikada evakuatsiya qilingan bolalarga yordam berish uchun ijtimoiy harakat keng tarqalib, aholi tomonidan ularga pul, bolalar kiyimlari, oziq-ovqat mahsulotlari bilan katta yordam ko‘rsatilgan.

Farzandlikka olish, ayniqsa 1941-1945-yillarda keng tus oldi. Masalan, Toshkentlik Shoahmad Shomahmudov rafiqasi Baxri Akramova bilan turli millatlarga mansub 14 bolani (arxiv ma’lumotlariga ko‘ra ular, jami 22 bolani o‘z tarbiyasiga olganlar. Shomahmudovlar bolalardan to‘rt nafarini ota-onasi topib olib ketishgan, to‘rt bola esa kasallikka uchrab nobud bo‘lishgan) [7; 79], kattaqo‘rg‘onlik Hamid Samadov 6 nafar bolasi bo‘lishiga qaramay urush yillarida 13 bolani, (bu haqida uning o‘zi keyinchalik shunday xotirlaydi: “kunlarning birida uyda bozorga olib chiqadigan hech narsa qolmadi. Beriladigan yegulikning ham sira cho‘ti yoq edi. Ba’zan kechalari uyqum qochib ketardi. Yuragim to‘lishib ketganda og‘zimga shinelning yengini olardim. Yig‘layotganimni bolalar bilishmasin derdim. Och-nahor yurgandan keyin uxlarmidi ular. Faqat indashmasdi, xolos... Ertasiga bozordan to‘rt qop kepak olib keldim – shinel va soldat etigi uchun tekkani shu bo‘ldi)[10], Fotima Qosimova 10, M.Jo‘rayeva va Ashurxo‘jayevalar 8 bolani [27; 349] Baxixon Ashirxo‘jayeva ham turli millat vakillaridan iborat 8 bolani[25; 410], ko‘plab oilalar 1 tadan bolalarni o‘z tarbiyasiga olganlar. Hatto ayrim vaqtarda 1 ta bolani 2-3 oilaning tarbiyasiga berishga ham ruxsat berilgan. Bular bolani birgalikda tarbiya qiladilar. Masalan, bir oila bu bolaga o‘z uyidan joy beradi va tarbiya qiladi, boshqasi moddiy g‘amxo‘rlik qiladi. Bolalarni asrab olganlar uchun ma’lum miqdorda ularning ta’minoti uchun davlat tomonidan mablag‘ berilgan, biroq o‘zbek xalqi bu pullarni olishni rad qilgan. Statistik ma’lumotlarga qaraganda, 1941-yil davomida O‘zbekiston oilalari tomonidan 3430 ko‘chirilgan bolalar tarbiyaga olingan bo‘lib, ulardan 3378 ta (98.5 %) bolani tarbiyalaganlik uchun beriladigan 50 rubl nafaqani olmaganlar.[3; 82] Shuningdek, Shoahmad Shomahmudov bilan Toshkent shahar Oktabr rayonining Ko‘ksuv berk ko‘chasida “Qizil quyosh” mahallasida joylashgan 18-bolalar uyi direktori o‘rtasida 1943-yil 3-iyunda tuzilgan bolani o‘z tarbiyasiga qabul qilib olganligi haqida

shartnoma saqlanib qolgan. Shartnomada: “Men tarbiyachi Shomahmudov Shoahmad 6 yoshli Prokofeva Olya ismli qizni tarbiyamga olaman va qizning tarbiyachisi sifatida uni o‘z bolamdek bilib, uy-joy, oziq-ovqat, poyabzal, kiyim-kechak bilan ta’minlash, tegishli yoshga to‘lgach, maktabga berish va uning o‘qishini kuzatib borishga va’da beraman” – deb yozib qo‘yilgan. Shartnomada “Bolalar uyi tarbiyachiga topshirilgan bolani boqish bilan bog‘liq, sarf-xarajatlari uchun davlat budgeti hisobidan belgilangan summani oy sayin berib turadi” degan alohida band bo‘lgan.[7; 79] Ammo aynan shu modda siyohli ruchka va dastxat bilan shartnomadan o‘chirilib, Shomahmudovning o‘zi ushbu moddadan voz kechgan degan xulosaga kelish mumkin.

O‘zbekiston SSRda bolalarga qilinayotgan g‘amxo‘rlikni o‘z ko‘zi bilan ko‘rgan rus yozuvchisi K.Chukovskiy “Bu onalik mehri orqasida paydo bo‘lgan vatanparvarlik emas, bu haqiqiy vatanparvarlik hissidir” deb yozgan edi.[18; 7] Yoki yozuvchi Daniel Magulko qalamiga mansub bo‘lgan qissa qahramonlaridan biri: “Men O‘zbekiston xalqi oldida mana shu oppoq boshimni egib ta’zim qilaman. Saxovatli va oliyjanob bu odamlar urush yillarida bolalarning butun bir avlodini qutqarib qoldilar” – deb fikr bildirgan. [8; 62] Rossiya Federatsiyasi xalq artisti Yuriy Stoyanov urush yillarini eslar ekan, butun oilasi bilan Stalingraddan Toshkentga evakuatsiya qilingan onasi yetti farzandli o‘zbek oilasi tomonidan qanday qabul qilingani haqida eslab, shunday degan: “Bu oddiy o‘qituvchining oilasi edi. O‘qishga borish vaqtি bo‘lganida, bu o‘qituvchi qo‘llarida bo‘lgan yagona dasturxonidan qop tikib berdi, xotini esa yagona pardadan oq fartuk tikib berdi. Butun oila polda, mehmonlar esa yagona karavotda uxladilar. Bunday oilalar juda ko‘p edi”.[20; 534]

Evakuatsiya qilingan ko‘plab xalqlar qalbida o‘zbek xalqiga nisbatan samimiyl minnatdorchilik saqlanib qolgan. Shuning uchun ham Toshkent xalq orasida “Toshkent non shahri”, “Frontdagи askarlar shahri”, “Sanitar poyezdlar va evakuatsiya qilingan zavodlar poytaxti” kabi majoziy nomlar bilan atalgan. Haqiqatdan ham o‘zbek xalqi urush yillarida vatanparvarlik ko‘rsatib, boshqa hududlardan ko‘chirib keltirilgan minglab bolalarni qabul qilib, ularni o‘z farzandlaridek ardoqladilar.

Urush yillarida bolalarga e'tibor berilib, bir qancha qarorlar qabul qilingan bo'lsada, ba'zi bir hududlarda uning ijrosi borasida xato va kamchiliklar ham uchrab turgan.

Birinchidan, bolalar uylari uchun ajratilgan oziq-ovqat mahsulotlari, kiyim-kechaklar va boshqa shu kabi buyumlar rahbar xodimlar tomonidan o'zlashtirish holatlari uchrab turgan. Masalan, 1944-yilda O'zbekiston SSR Xalq Komissarlari Soveti qayd qilishicha, Toshkent viloyatida ba'zi bir tumanlarida pullarni o'zlashtirish holatlari yuz bergan. Jumladan, O'rtachirchiq rayonida 147 ming so'm, Bo'ka rayonida 7 ming 500 so'm va Oqqo'rg'on, Yuqorichirchiq rayonlarida esa xalq fondidan oziq-ovqat mahsulotlari hamda pul mablag'larining talon-taroj qilinganligi aniqlangan.[5; 244] Bu kabi holatlarni Xonqa rayonidagi bolalar uyi misolida ham ko'rish mumkin.

Ikkinchidan, ba'zi bolalar uyi sanitariya qoidalariga amal qilinmagan. Toshkentdagi 2-bolalar uyida krovatlarning yetishmasligi natijasida bolalar har bir krovatga 2 kishidan yotishga majbur bo'lган.[9] Bolalar uyida yetarli gazlama bo'lishiga qaramasdan ko'p bolalarning choyshabi yo'qligi aniqlangan. Shunday sharoitda bolalarning uzoq turmay ketib qolish holatlari ham uchrab turgan.

Uchinchidan, bolalar uyida tarbiyaviy ishlar ham oqsab qolgan. Masalan, Xorazm viloyatida Jamiyev singari tarbiyachilar bolalar bilan qo'pol muomalada bo'lганliklari sababli so'ngi 3 oy mobaynida bolalar uyidan 45 bola qochib ketgan.[21]

To'rtinchidan, ba'zi bir bolalar uyi qish mavsumi uchun yoqilg'i bilan ta'minlanmagan. Jumladan, Toshkent vioyatidagi 17 ta bolalar uylaridan faqat 6 tasining binosi ta'mirlanib, yoqilg'i berilgan.[5] Shuningdek, O'zbekiston SSR Maorif xalq komissarligi tomonidan o'tkazilgan tekshiruv natijasida bolalar uylarining ko'pchiligi qishga tayyor emasligi, binolarning yomon ahvolda ekanligi, bolalar uchun kiyim-bosh va poyabzallarning yetishmasligi kabi holatlar aniqlangan.

Xulosa qilib aytganda, urushning og'ir sharoitida ham ko'chirib keltirilganlarga, yarador va nogironlarga, harbiy xizmatchilarning oila a'zolariga, ona va bolalarga

ko‘rsatilgan g‘amxo‘rlik insonparvarlikning yorqin namunasi edi. Urush yillarida iqtisodiy holat yomon ahvolda bo‘lgan bir davrda, bolalar uchun jamoatchilikning yordami kuchaydi. Shuningdek, ko‘chirib keltirilgan bolalarga g‘amxo‘rlik ko‘rsatilib, kiyim-kechak, oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta’minandilar. Biroq ba’zi hududlarda bolalar uylari uchun ajratilgan oziq-ovqat mahsulotlari, kiyim-kechaklar va boshqa shu kabi buyumlar rahbar xodimlar tomonidan o‘zlashtirish holatlari, bolalar uyida sanitariya qoidalariga amal qilinmaganligi hamda qish mavsumi uchun yoqilg‘i bilan ta’milanmaganligi kabi kamchiliklar yuz bergenligi aniqlandi.

Foydalanildan adabiyotlar:

1. Аббасова Г.А. Забота трудящихся Узбекистана об эвакуированных из прифронтовой полосы детях в годы Великой Отечественной войны // Научные труды. Выпуск 441. Материалы по истории и археологии Узбекистана. –Ташкент, 1973.
2. Александр Хивиля, Никита Богославский. Фронтчиларнинг болаларига совғамиз / Қизил Ўзбекистон 1944 йил 26 март.
3. Бобоҷонов Ҳ. Иккинчи жаҳон урушу йилларида Ўзбекистонга эвакуация қилинган болалар: шароит, муаммо ва муруват / Ўзбекистон тарихи”. 2011. №3.
4. Бухоро ҳақиқати. 1944 йил 28 ноябрь.
5. BVDA, 1023-jamg‘arma, 1-ro‘uxat, 57-yig‘ma jild.
6. Давид Калонтаров Аркадий (Абрам) Калонтаров. Евреи Узбекистана во Второй Мировой войне Участники Великой отечественной войны, эвакуация, трудовой фронт. ТОМ-I Ташкент и Ташкентская область. – Израиль, 2019.
7. Фозилхўжаев Қ. Ўзбек маҳаллалари ва оиласарининг ғалабага қўшган ҳиссаси / Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1995. №4.
8. Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (илмий –назарий конференция материаллари). –Тошкент: Фан, 1996.

9. Гутенмахер О. Болалар боқимсизлиги ва қаровсизлигига қарши кураш – муҳим вазифа / Қизил Ўзбекистон. 1943 йил 9 июнь.
10. Инсон ва қонун. 2005 йил 26 апрель.
11. Мушарраф Баратова. Кўчма ясла / Бухоро ҳақиқати. 1941 йил 26 август.
12. Мухамедов А., Гербеев. Пионерская организация Узбекистана. –Ташкент: Госиздат, 1958.
13. Мурманцева В.С. Советские женщины в Великой Отечественной войне. Москва: Мысль, 1974.
14. Муродова Д. Иккинчи жаҳон уруши йилларида таълим муассасалари тарихи когон шаҳар давлат архиви ҳужжатларида // Хотираларда жонланган тарих Иккинчи жаҳон урушида эришилган гъалабанинг 77 йиллиги муносабати билан оътказилган маънавий-маърифий тадбирлар материаллари тоъплами. –Тошкент. Замин нашр, 2023 йил.
15. Олға душманга қарши. 1944 йил 25 март.
16. Қизил Ўзбекистон. 1944 йил 20 август.
17. Қизил Ўзбекистон. 1943 йил 12 январь.
18. Турдиев С. Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон меҳнаткашларнинг кўчириб келтирилган болаларга ғамхўрлиги. –Тошкент: Фан, 1987.
19. Воҳидов В. Колхоз далаларида боқча ва яслалар / Қизил Ўзбекистон. 1942 йил 14 май.
20. Ходжамкулов У. Н., Мирхалирова Н. А. Вклад узбекистана в обеспечение великой победы: гуманизм и наука «... И помнит мир спасенный»: система образования, как залог победы советского народа в Великой Отечественной войне»: Сборник научных работ Международной научно-практической конференции, посвященной 75-летию Победы (Уфа, 17-18 апреля 2020). – Уфа: БГПУ им. М. Акмуллы, 2020.
21. Хоразм ҳақиқати. 1946 йил 12 май.

22. Йўлдошева С. Она ва болаларга ғамхўрликни янада кучайтирайлик / Қизил Ўзбекистон. 1945 йил 24 июль.
23. Зоҳидов X.З. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ишларининг 25 йиллиги. Ўзбекистон давлат нашриёти, –Тошкнет, 1949.
24. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Қонунлар Олий Совет Президиуми фармонлари ва ҳукумат қарорлари йигиндиси (Биринчи том). – Тошкент: Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар мудирларининг нашри, 1947.
25. Ўзбекистон ССР тарихи. II том. –Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, 1958.
26. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. –Тошкент: Шарқ, 2000.
27. Ўзбекистон тарихи. II жилд (ХІХ аср 2-ярми – 1991йил). – Ташкент: Внешинвестпром, 2019.
28. ЎзМА, Р-96-жамғарма, 2-рўйхат, 414-йиғма жилд.
29. ЎзМА, Р-837-жамғарма, 32-рўйхат, 4937-йиғма жилд.

ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ ДЕТЕЙ В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

Аннотация. В данной статье анализируются ошибки и недостатки, допущенные в годы войны в связи с социальной защитой детей, обеспечением их продуктами питания, расселением перемещенных детей и их материальным обеспечением.

Ключевые слова: Эвакуация, дети, детский сад, питание, Темурчиларское движение.

CHILD WELFARE ISSUES DURING WORLD WAR II

Abstract. This article analyzes the mistakes and shortcomings that occurred during the war years in connection with the social protection provided to children, providing them with food products, settling displaced children and providing them materially.

Key words: Evacuation, children, kindergarten, food, Temurchilar movement.

